

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ
ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ
ХАВҒСИЗЛИК

Маърузалар курси

Тошкент - 2008

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов
номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудирини фалсафа
фанлари доктори **В. А. Алимасов;**

иқтисод фанлари номзоди, доцент

Ш. Р. Қобилов

Миллий истиқлол ғояси ва миллий хавфсизлик:

М-60 **Маърузалар курси / Ш. О. Мамадалиев, М. Т. Тожибоев, Н.
А. Холйигитов ва бошқ.; масъул муҳаррир Ш.О.Мамадалиев.**
– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007.
– 192 б.

Мазкур маърузалар курсида миллий хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар ва уларга қарши курашишда миллий истиқлол ғояси, шунингдек давлат, нодавлат, халқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти, ташқи ва ички сиёсат масалалари атрофлича акс эттирилган.

ИИВ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларига, ички ишлар идоралари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

ББК 87.7+66.3(2У)я73

икаси ИИВ Академияси, 2008 й.

© «Академия ноширлик маркази», 2008 й.

СЎЗ БОШИ

Айни вақтда инсоният мураккаб, ўта зиддиятли, мамлакатларнинг геосийёсий манфаатлари тўқнашаётган, мафкуравий ҳужумлар авж олган ва ўз мувозанатини излаётган дунёда яшайпти. Шу боис ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бугунги дунёга таъриф ва тасниф бермоқда. Буни «Ғарб ва Шарқ дунёси ҳеч қачон бирлашмайди», «Цивилизациялар тўқнашуви», «Демократик ва нодемократик дунё», «Исломиий ва ноисломий дунё», «Ядровий ва ноядровий дунё», «Бир қутбли ва кўп қутбли дунё» каби концепцияларнинг мавжудлигидан кўриш, билиш ва идрок этиш мумкин. Бу дунё харитасида янги давлатларнинг пайдо бўлиши, тинчлиги ва тараққиётига тўсиқ бўладиган, демократик ривожланишини издан чиқарадиган ҳамда инсоният бирлигига раҳна соладиган ғоявий йўналишларнинг вужудга келиши, глобаллашув жараёнининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келаётгани билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «бугун дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун қурраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараён»¹.

Минг афсуски, замонавий ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлардан ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланиб, уни тараққиёт кушандасига айлантираётган кучлар ҳам мавжуд. Улар ўз саъй-ҳаракатлари билан кишиларнинг тинч-фаровон ҳаётига даҳл қилмоқдалар. Янги кашф этилаётган ахборот хуружлари инсон онги ва

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2001. – 23-б.

қалбига тажовуз қилиб, унинг турмуш тарзи ва қарашларини ўзгартиришга интиломқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда»¹.

Шу маънода, XXI асрни ахборот, тарғибот асри десак асло муболаға бўлмайди. Зеро, бу даврда кўз билан илғаб бўлмас қудратли тарғибот кучлари, демократик ривожланишни издан чиқарадиган халқлар ва миллатлар тинчлигига раҳна соладиган хавф-хатарлар ҳамда таҳдидларнинг бўлиши барчага аён.

Хуллас, дунё халқлари тарихининг ғоят масъулиятли палласида инсоният кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Биринчиси, XXI асрда ҳали ўз ечимини топмаган анъанавий муаммолар бўлса, иккинчиси, сўнгги вақтда вужудга келган янги хавф-хатарлар ва таҳдидлардир. Жумладан, бутун инсониятга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм дунё цивилизацияси ва давлатлараро интеграциянинг ашаддий душманига айланиб бормоқда. У тобора кенгайиб жаҳондаги кўплаб мамлакатларга бало-қазодек ёпирилмоқда. Бу офатнинг қачон, қайси томондан, қандай ҳужум қилишини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун ушбу таҳдидларга жиддий ёндашган ҳолда, уларни бартараф этишнинг изчил ва самарали йўллари излаб топиш ғоят муҳим.

Аввало, барчамизни ўйлантираётган қуйидаги саволларга жавоб топишимиз зарур. Биринчидан, зикр этилган муаммоларни тўлиқ бартараф қилиш мумкинми? Иккинчидан, инсоният таҳдидлардан холи бўлган даврда яшаш имкониятига эгами? Учунчидан, бу борада сиёсатшунослар қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалиётга татбиқ этишлари даркор? Тўртинчидан, ушбу муаммоларнинг объектив омиллар билан боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда уларни ҳал қилишда инсон тафаккури қандай аҳамият касб этади? Бешинчидан, мазкур муаммоларнинг ечимини қайси йўналишда изоҳламоқ лозим?

Ўзбекистонимизнинг буюк келажagini яратиш, тинч ва фаровон ҳаётни барпо қилиш юқоридаги каби саволларга қай даражада тайёрлигимизга, бу эса аввало ушбу муаммоларни инсон ақл-идроки қай даражада англаб етаётгани, улар ўз ечимини топмаган

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2001. – 22-б.

тақдирда башариятга қанчалик таҳдид солиши мумкинлиги ва ниҳоят, масалага ёндашиш замон талабларига қай даражада жавоб бериши билан боғлиқ.

Ўзбекистон миллий хавфсизлиги, барқарор тараққиёти ва мамлакатда ҳукм сураётган фуқаровий ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликка муайян таҳдидлар мавжуд экан, бу муаммони теран ўрганиш, имкон даражасида таҳдидларнинг олдини олиш бўйича тегишли илмий ва амалий хулосалар ишлаб чиқиш давр талабига айланмоқда. Тадқиқот ва кузатувлар натижаси шундан далolat берадики, ҳозирги даврда ушбу муаммога жиддий ёндашув, керак бўлса, уни тоифалаштириб чиқиш, ечим андозаларининг турли вариантларини бирлаштириб умумий хулосага келиш ҳар бир демократик давлат учун катта аҳамият касб этмоқда.

Шу боис бугунги давр талабларини англаб етиш, мавжуд муаммоларни теран идрок этиш ва тараққиётнинг назарий-методологик асосларини яратиш заруратга айланди.

Миллий истиқлол ғояси ва миллий хавфсизлик маърузалар курси ана шу эҳтиёжнинг ҳосиласи сифатида юзага келди. Ўқув курсининг асосий мақсади – Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар курсантларига хавф-хатарнинг мазмун-моҳияти, уни юзага келтираётган омиллар, таҳдид кўламининг кенгайиши ва унга жавоб тариқасида қўлланиладиган чора-тадбирлар тўғрисида билим беришдан иборат. Айтиш мумкинки, мазкур курс орқали курсантлар онгида таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетни ҳосил қилиш назарда тутилади ва кучайтирилади.

Ушбу маърузалар курси куйидаги муаллифлар томонидан тайёрланди: **Ш. О. Мамадалиев**, фалсафа фанлари доктори – сўз боши, 1-мавзу (Н.С.Расулова билан ҳаммуаллифликда); 4-мавзу (Н.А.Холйигитов билан ҳаммуаллифликда); 5-мавзу; **М. Т. Тожибоев**, тарих фанлари номзоди – 2-мавзу (Н.А.Холйигитов билан ҳаммуаллифликда); **Н. А. Холйигитов** – 2-мавзу (М. Т. Тожибоев билан ҳаммуаллифликда); 3-мавзу; 4-мавзу (Ш. О. Мамадалиев билан ҳаммуаллифликда); 6, 7-мавзулар (А. Р. Мўминов билан ҳаммуаллифликда); **А. Р. Мўминов**, юридик фанлар номзоди – 6, 7-мавзулар (Н. А. Холйигитов билан ҳаммуаллифликда); **Н. С. Ра-сулова** – 1-мавзу (Ш. О. Мамадалиев билан ҳаммуаллифликда).

1-мавзу

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- *Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг категориялари ва вазифалари*
- *«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари ҳамда уларнинг турлари*
- *Миллий истиқлол ғоясининг негизлари ва асосий тамойиллари*

1.1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг категориялари ва вазифалари

Ҳар қандай фан муайян билимлар тизими сифатида ўзига хос мавзулар, тушунчалар, қонун ва категорияларни қамраб олади. Уларнинг барчаси фан ўрگانадиган соҳа, яъни предметнинг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Биз ўрганишга киришаётган «Миллий истиқлол ғояси ва миллий хавфсизлик» курси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ҳам ўз предмети, қонун ва категориялари, мақсад ва вазифалари мавжуд.

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари, уларнинг халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири, ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, тушунчалари, шаклланиш қонуниятлари, намоён бўлиш хусусиятлари, уни халқимиз қалби ва онгига сингдириш йўллари ва усуллари ушбу курснинг предметини белгилайди.

Унинг тушунча ва категориялари бир бутун, яхлит тизим шаклида намоён бўлади. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини фуқароларимизнинг қалбига, онгига сингдириш омиллари ва воситалари ҳам ана шу тизимнинг таркибий қисми бўлиб, курснинг асосий тушунча ва категориялари қаторида ўрганилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ даврида ғоялар дунёси, унинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрга-

нувчи алоҳида фан йўқ эди. Ҳатто шу соҳа мутахассисларини, яъни фалсафа бўйича кадрларни тайёрлайдиган университетларда ҳам бу борадаги мавзулар муайян фаннинг асосини ташкил этадиган илмий тизим сифатида ўқитилмасди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги 2001 йил 18 январь фармойишига асосан ушбу фан таълим тизимида киритилди. Бунинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, собиқ Иттифоқ даврида марксча-ленинча мафкура тараққиётнинг асосий қонуниятларини тўғри тушунириб берадиган яккаю ягона таълимотдир деган ақида мутлақ ҳақиқат сифатида эътироф этилар эди. Натижада бу соҳадаги мутахассислар унинг асосларини атрофлича ва чуқур ўрганса бас, деган қараш ҳукмрон бўлиб қолганди. Айнан шундай қараш умуминсоний аҳамиятга молик бўлган ғоялар тўғрисидаги фан — идеологиянинг ўрганилмаслигига олиб келган эди. Умуман, социология, маданиятшунослик, сиёсатшунослик каби фанлар ҳам умуминсоний тамойиллар асосида ўқитилмас, аксиология, конфликтология, геополитика тўғрисида айтирли маълумотлар берилмас эди;

иккинчидан, ғоялар тўғрисидаги билимларни эгаллаш бу соҳанинг ўз қонуниятлари ва амал қилиш тамойиллари борлигини яққол кўрсатиб қўйган бўлар эди. Бу эса, табиий равишда, ана шу соҳада пайдо бўлган назария ва таълимотларнинг мазмун-моҳияти, қандай мақсадларга қаратилгани, кимларга хизмат қилиши тўғрисида аниқ тасаввур ва тушунчаларни шакллантирар эди. Бинобарин, бу жамият тараққиётида антагонистик зиддиятларни мутлақлаштириш, инсониятнинг бир қисмини синф тарзида йўқ қилиб юбориш, қолган қисми устидан эса диктатура ўрнатиш орқали бу дунёнинг хаёлий жаннати — коммунизм қуришни тарғиб қиладиган соҳа таълимотининг асл қиёфасини ошкор қилиб қўярди;

учинчидан, собиқ шўро даврида бу соҳадаги мутахассисларнинг онги ва дунёқарашини умуминсоний тамойиллар, қонун-қоидалар билан эмас, балки тоталитар мафкура ва

мустабид тузумнинг мақсадлари йўлида шакллантиришга хизмат қиладиган баъзи «фан»лар ўйлаб топилди ва таълим тизимига киритилди. Масалан, олий ўқув юртларининг фалсафа, социология мутахассисларини тайёрлайдиган бўлимларида «Буржуа фалсафасини танқид», «Ҳозирги замон ғарб социологиясини танқид» каби ўқув курслари ўқитиларди. «Илмий коммунизм», «Илмий атеизм», «Сиёсий иқтисод» бўйича дарс олиб бориш барча олий ўқув муассасаларидаги таълим тизимининг таркибий қисми эди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин аҳвол тубдан ўзгарди. Социология, маданиятшунослик, сиёсатшунослик каби фанлар таълим тизимининг таркибий қисмига айланди.

Биз ўрганишга киришаётган янги курс ўзининг категориялари, тушунча ва қонуниятлари, мақсад ва вазифаларига эга. «Ғоя», «ғоявий тамойиллар», «ғоявий тарбия», мафкура», «мафкуравий тизим», «мафкуравий полигон», «мафкуравий иммунитет» кабилар ана шулар жумласидандир.

Шу билан бирга курснинг предмети ғоялар тизимининг ижтимоий тараққиётига боғлиқ қонунияти, яъни ҳар қандай жамиятнинг ўзига хос ғоявий тамойиллари бўлиши шартлиги, ҳар бир жамият ёки давлат ўзининг ижтимоий тузилишига мос келадиган мафкуравий ҳимоя тизимини яратиши зарурлиги тўғрисидаги қонун-қоидаларнинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари сингари масалаларни ҳам қамраб олади.

Мазкур курс аввало «ғоя» ва «мафкура» тўғрисида, уларнинг тарихий, фалсафий илдизлари ҳақида билим беришга қаратилган. Бу, ўз навбатида, ушбу тушунчаларнинг мазмуни, уларнинг бунёдкорлик ва вайронкорлик хусусиятлари, инсоният тараққиёти учун ижобий ёки салбий аҳамият касб этиши, истиқлол ғоясининг бунёдкорлик моҳияти, мустақилликнинг энг муқаддас қадрият эканлигини ўргатади ва уни асраб-авайлашга ёрдам беради.

Ғоялар тўғрисидаги билимларга инсоният тарихининг энг қадимий даврларидан бошлаб катта эътибор берилган. Бу атаманинг мазмун-моҳияти Ғарб мамлакатларида «идея» тушунчаси орқали ифодаланади. У грек тилидаги «idea» сўзидан олинган бўлиб, қадимда «образ», «ташқи кўриниш» де-

ган маъноларни англаган. Лекин унинг мазмун-моҳияти тараққиёт давомида ўзгариб борган ва фалсафа тарихида хилма-хил маъноларда ишлатилган. Масалан, қадимги Юнистон файласуфи Платон «Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимотини асослар экан, ғояларни дунёнинг яратувчиси, асоси деб атаган ва уларни объектив реаллик сифатида талқин қилган. Яна бир юнон алломаси Демокрит эса оламдаги энг майда ва бўлинмас зарра — атомларни «идеялар» деб атаган. Машҳур немис файласуфи Гегелнинг фикрича, идея — барча нарсаларнинг ижодкори, дунёга келтирувчиси ва асосий моҳиятидир.

Кўпгина мутахассисларнинг фикрича, қадимги дунёда «ғоя» ва «мафкура» тушунчалари деярли бир хил маънода ишлатилган. Бунда асосан уларнинг инсон дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига кўпроқ эътибор берилган. Масалан, ҳозирги диншуносликда диннинг илк шакллари сифатида талқин қилинадиган «анимизм», «тотемизм», «фетишизм» каби оқимлар мисолида бу ҳол кўзга ташланиб туради. Уларнинг ҳар бири муайян ғояга ишонч ва эътиқод ҳамда уларни бир қадар мутлақлаштириш натижасида дунёга келган. Улар ўз даврида қабила, эл ёки элатни бирлаштириш, уларнинг дунёқарашини маънавий тартибга солиш ва мувофиқлаштириш учун мезон бўлиб хизмат қилган. Айнан шу маънода юқоридагиларни мафкура ва-зифасини бажарган эътиқод шакллари дейиш мумкин.

Кейинчалик «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмуни ва кўлами кенгайиб борган. Катта-катта ҳудудларда яшайдиган халқларни бирлаштирувчи ғоя ва мафкуралар пайдо бўлган. Улар бу ҳудудларда яшаётган кишиларнинг ҳаётида ниҳоятда муҳим бўлган. Аждодларимизнинг бундан қарийб уч минг йил илгариги қарашлари, ғоялари ва эътиқодларини акс эттирувчи манба — «Авесто» мисолида буни яққол кўриш мумкин. Унда нафақат Зардушт таълимоти, балки ўша даврнинг энг асосий ғоялари ҳамда бу ғояларга таяниб ёзилган қўшиқлар, ҳикоят ва ривоятлар жамланган. Бир неча китобдан иборат бўлган «Авесто» жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳаларидаги ғояларни умумлаштирган,

минтақамиз халқларининг улар асосида шаклланган яшаш ва ҳаёт кечириш қонун-қоидаларини ўзида ифодалаган.

Тарих шундан далолат берадики, марказлашган йирик давлат ва империяларнинг пайдо бўлиш жараёнида ғоя ва мафкураларнинг аҳамияти янада ортади. Милоддан аввалги IV–I ва милонинг бошларидаги Рим тарихи бунга яққол мисол бўлади. Ушбу шаҳар-давлатда унинг фуқаролари худолар томонидан энг олий мақомга эга кишилар сифатида тан олинганлиги тўғрисидаги ғоя устувор эди. Бу барча римликларнинг ўзаро тенглиги ғоясининг кенг шаклланишига ва шу асосдаги мафкуранинг мустаҳкамланишига сабаб бўлган. Ана шу мафкурага кўра, Рим аҳолиси роҳат-фароғатда яшаши, асосан мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни сақлаб туриши, кўп минг сонли қуллар эса меҳнат қилиши лозим эди.

Тарихдан маълум ва машҳур бўлган Спартак бошчилигидаги қуллар қўзғолони ана шу тартибга қарши кўтарилган ҳаракат эканини яхши биламиз. Қўзғолончилар сони 100 мингга етишига қарамасдан, бу ҳаракатнинг ғалаба қозона олмаслиги муқаррар бўлган. Чунки ўша пайтда римликлар ўзлари учун қонунга ва яшаш мезонига айланган ғоя асосида шаклланган тартибни бузишга йўл қўймас эдилар. Бу ғоя римликларнинг ҳаёт-мамоти учун жанг бораётган бир шароитда улар орасидан Спартак ва унинг тарафдорларига қарши бир неча юз минг аскарни сақлаш имконини берди.

Умуман олганда, Қадимги Римдаги ўзига хос маъно-мазмунга эга (яъни, «Қуллар меҳнати – римликларнинг роҳат-фароғати» тамойили асосида) тенглик ғояси аста-секин халқни оломонга, империя учун зарур бўлган аскарларга ва юқоридаги тамойилни сўзсиз ҳимоя қилишга шай турган армияга айлантирган. Империя яратадиган дунёқараш ҳамда мафкура шу тариқа шаклланган. Бу эса, ўз навбатида, ана шу армиянинг бошлиқлари – Рим империясининг жаҳонгир лашкарбошилари Юлий Цезар, Октавиан Августин кибиларни тарих саҳнасига олиб чиққан.

Ўша пайтда Римнинг ёнгинасида Афина давлати ҳам гуллаб-яшнаган ва унинг асосий ҳаёт тамойили эркинлик ғоясига таянарди. Рим армияси маданий тараққиёт жиҳатидан устун

бўлган Афинани тез орада забт этган. Аммо ўз худудида Афинадагидек эркинлик ғоясини устувор тамойилга айлантира олмаган. Чунки эркинлик ғояси тоталитаризм учун энг асосий маънавий хавф ҳисобланарди. Ҳаёти эркинликка асосланган Афина инсоният маданиятининг тамал тошларидан бири, юксак маънавий қадриятлар устувор бўлган цивилизацияни дунёга келтирган эди. Ўша даврдаги фан ва маданият тараққиёти инсониятни ҳозиргача ўзига мафтун этиб келмоқда.

Рим фан ва маданият бобида Афинага тенглаша олмади ва бу соҳаларда ундан устунроқ бирор кашфиёт ёки янгилик яратолмади. У бор-йўғи дунёга даҳшат солган тажовузкор ва мустабид империяни, урушқоқ ва зўравон армияни ярата олди, холос. Римликлар ўша даврда Афинани маҳф этган ва унинг устидан ҳукмронлик ўрнатган бўлса-да, аммо улар афиналиклардан ўрганишдан ор қилмаган. Ҳатто энг атоқли Рим зодагонлари ҳам ўз фарзандлари учун устоз ва ўқитувчиларни афиналиклар орасидан танлаган ва бундан фахрланиб юрганлар. Машҳур француз файласуфи Ж.Ж.Руссо ёзганидек, сиёсий жиҳатдан тобе бўлган Афина ғоявий ва маънавий жиҳатдан Римни беихтиёр тиз чўкишга мажбур қилган эди. Римликлар бу борада ҳеч қачон афиналикларнинг қаршисида ўзларини ғолиб деб ҳисобламаганлар. Яна бир француз адиби Андре Моруанинг бу жараённи таҳлил қилиб таъкидлашича эса, Европа бу ғоя ва йўлларнинг қайси бири тўғри эканлигини тўла-тўқис ажратиб, ўз йўлини уларнинг бири асосида танлай ололмади. Салб юришлари домига тортилган ва ўрта асрлар сўнгида империяларни яратган Европа Қадимги Рим йўлидан, Римнинг ҳалоқатидан кейин мустақиллик ва миллий давлатчиликни ихтиёр этган Европа эса Қадимги Афина йўлидан борди. XX асрда фашизмни дунёга келтирган Европа биринчи йўлдан, шу юз йилликнинг охирига келиб демократик тараққиёт учун юз тутган Европа эса иккинчи йўлдан бормоқда. Бир асрда, нисбатан қисқа давр мобайнида бундай ҳолнинг яққол намоён бўлиши европаликларнинг қонида бу йўлларнинг иккаласи учун ҳам умумий генлар сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Юқоридаги мисоллар «Миллий истиқлол ғояси» фанида ўрганиладиган ғоя ва мафқураларнинг инсоният тарихидаги

ўрни, давлат ва жамият тақдирига таъсири қандай бўлганини яққол кўрсатади. Аммо бу фан фақатгина ғоя ва мафкуралар тарихи билан кифояланмайди. Ҳозирги даврда уларнинг аҳамияти, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, ғоя ва мафкураларнинг ундаги ўрни каби масалалар ҳам мазкур фаннинг асосий мавзулари қаторига киради.

Бу борада Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари ниҳоятда муҳим: «Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлиги, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир»¹.

Миллий истиқлол ғоясининг асосларини ўрганиш юқоридаги каби вазифаларни бажаришга имкон яратади. Шу боис қуйидаги масалалар мазкур курснинг предмети доирасига кирадиган асосий мавзулар сифатида саналиши мумкин:

1. Аввало «Ҳозирги даврнинг ғоявий манзараси қандай ва унда қайси мафкуралар устувор бўлмоқда?», деган масаланинг моҳиятини тушуниш ниҳоятда муҳим. Президентимиз И.А.Каримов қайта-қайта уқтириб ўтганидек, ҳозирги давр дунёда ғоявий қарама-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Айни дамда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган. Шу билан бирга, бугунги дунёда сохта ғоялар ва бузгунчи мафкуралар воситасида таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Тажовузкор миллат-

¹ Каримов И. А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., 2000. – 3-б.

чилик ва шовинизм, неофашизм ва неокоммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари дунёдаги тинчлик ва барқарорликка раҳна солишга ҳаракат қилмоқда.

2. Жаҳон тараққиётининг муҳим хусусиятларидан бирига айланётган кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнларини ҳар томонлама ўрганиш зарур. Бу жараёнлар, қолаверса, фан-техника ҳамда ахборот технологиясининг беқиёс ривожланиши ғоявий-мафкуравий соҳага жиддий таъсир кўрсатмоқда.

3. Дунёдаги турли давлатларнинг бир-бири билан узвий боғлиқ геостратегик мақсадлари ва мафкуравий сиёсатини ўрганиш ҳам инсон камолоти учун муҳим масалага айланиб бормоқда. Ўз ғаразли мақсадларига эришиш ниятида юрган кучлар эса бундай шароитда асосан мафкуравий қуролдан унумли фойдаланмоқдалар.

4. Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўрганиш жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кескин тус олаётганлигини билиб олиш имконини беради. Бундай уринишлар, аввало, ҳар бир мустақил жамиятнинг ўз миллий ғоя ва мафкураси бўлишини тақозо этмоқда. Зеро, ҳозирги пайтда кимнинг ғояси кучли, мафкураси ҳаётий бўлса, ўша ғалаба қозонади. Бу инсониятнинг XX аср тарихидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан биридир.

5. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар ҳам бу соҳага алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатиб турибди. Минтақамиз ўзининг иқтисодий салоҳияти, қулай стратегик мавқеи билан жаҳондаги кўпгина кучларнинг диққатини тортмоқда. Ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар бу минтақада тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, давлатлараро ҳамдўстлик ва миллатлараро тотувликни заифлаштириш, турли кескинликни юзага келтириш учун мафкуравий хуружлар уюштирмоқдалар.

6. Ушбу масалаларнинг таҳлили Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши, унда барпо этилаётган жамият тараққиётининг ўзбек моделини амалга ошириш жараёнида пайдо бўлаётган мафкуравий соҳадаги вазифалар билан узвий боғлиқ. Мазкур масалаларнинг мазмун-моҳиятини эса «ғоявий бўшлиқ» тушун-

часи ва уни янги истиқлол мафкураси билан тўлдириш борасидаги фаолият орқали кенг ва чуқур идрок этиш мумкин.

7. Миллий истиқлол ғоясининг аҳоли, айниқса, ёш авлод учун аҳамиятини ўрганиш мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ички ва ташқи сиёсат, халқаро алоқалар қандай бўлганини билишни ҳам тақозо этади.

8. Жамиятда ҳеч бир ҳодиса инсон аралашмагунча амалга ошмайди. Ижтимоий тафаккур ва онг ҳам ўз ҳолича ўзгариб, осонлик билан шаклланиб қолмайди. Халқнинг руҳияти ва тафаккури, маслаги ва мақсади, эътиқоди ва фалсафасини ўзгартириш учун бу жараёнларни чуқур билиш, атрофлича таҳлил қилиш зарур.

9. Бегона мафкураларнинг Ўзбекистонга таъсирини ўрганиш жараёни ғоявий тарғибот, тарбия борасида ҳали кўпгина вазифалар борлигидан далолат беради. Ҳеч қачон кишилиқ жамиятида ғоявий бўшлиқ бўлмаган. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одам қаерга етаклашса, ўша ёққа кетаверади. Агар ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, унинг ўрнини табиатимизга ёт турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Нафақат ғоявий бўшлиқ, ҳатто ғоявий қатъиятсизлик бор жойда ҳам мафкуравий таҳдид кучайиб бораверади.

10. Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ва ҳаётга жорий этиш зарурат бўлиб, бу таълимотнинг моҳияти ва мазмуни, асосий тушунчалари ва тамойилларини ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ғоя Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тамойиллари, Президент Ислом Каримовнинг асарлари, буюк аждодларимизнинг маънавий мероси, халқимизнинг аънава ва қадриятлари, замонавий илм-фан ютуқлари ва илмий методларга, хусусан, тизимли, қиёсий, тарихий, социологик усулларга асосланади. Президентимиз асарларида миллий истиқлол мафкурасининг ғоялари, устувор тамойиллари, қонуният ва ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама асослаб берилган.

11. Мазкур курсда шаклланаётган истиқлол мафкурасининг мустаҳкам замини, тарихий ва замонавий илдизлари, фалсафий асослари каби масалалар ҳам атрофлича ўрганилади.

12. Ушбу курс доирасида истиқлол мафқурасининг миллий ва умуминсоний тамойилларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бу тамойилнинг асосий қисмини инсонпарварлик, Ватанни севиш, халқпарварлик, озодлик туйғуси, онани ардоқлаш ва отага эҳтиром, оиланинг муқаддаслиги ва аёлнинг қадри, каттага ҳурмат ва кичикка иззат, яхши қўшничилик ва маҳалладаги тотувлик каби қадриятлар ташкил этади.

13. Миллий истиқлол ғояси курсида миллий мафкура борасидаги янги таълимотнинг мазмун-моҳияти, асосий тушунча ва тамойиллари ҳам ўрганилади. Миллий ғоя – миллий ўзликни англатувчи куч. У халқимизнинг ўзлигини, салоҳияти ва имкониятларини англашга туртки беради. Барчамизни шу Ватан фуқароси, ўзбекистонлик ва Ўзбекистон халқи деган ижтимоий бирликка жипслаштиради. Унинг олий мақсади – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби олижаноб ғояларга таянган ҳолда халқни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд қилишга сафарбар этишдан иборатдир.

14. Миллий истиқлол ғоясининг ўзагини ташкил этувчи ва биз ўрганишга киришадиган курсга оид мавзулар қаторига қирадиган асосий ғоялар қуйидагилар:

- Ватан равнақи;
- Юрт тинчлиги;
- Халқ фаровонлиги;
- Комил инсон;
- Ижтимоий ҳамкорлик;
- Миллатлараро тотувлик;
- Динлараро бағрикенглик (толерантлик).

15. Миллий истиқлол ғоясини халқ онгига сингдириш билан боғлиқ масалаларни чуқур билиш лозим. Ҳаёт талаблари бу соҳада ҳам таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини муттасил олиб боришни тақозо этмоқда. Маълумки, ўзбек халқи учун фарзанд тарбияси азалдан ота-оналарнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келган. Шу сабабли миллий истиқлол мафқурасини одамлар, аввало, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш самарали асосда ташкил этилган таълим-тарбия жараёнига таянади.

Ушбу курснинг ўзига хос вазифалари (функциялари) бор. Улар аввало, Президентимизнинг «Миллий истиқлол ғояси: асосий

тушунча ва тамойиллар» рисоласига ёзган сўз бошида белгилаб берилган куйидаги асосий мақсад билан узвий боғлиқдир: «Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулиятни сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва аъёналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсадидир»¹.

Шу мақсад фаннинг вазифаларини ҳам белгилайди. Уларга куйидагилар қиради:

- 1) янги дунёқарашни шакллантириш;
- 2) ғоявий дунёқарашни баҳолаш;
- 3) бошқариш;
- 4) бирлаштириш (коммуникатив);
- 5) тарихий хотирани шакллантириш;
- 6) мафқуравий иммунитетни шакллантириш.

Хуллас, миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш сермашаққат ва шарафли вазифадир. Мазкур фаннинг аҳамияти, тарбиявий жиҳати ана шу вазифаларни самарали амалга ошириш билан белгиланади.

1.2. «Ғоя» ва «мафқура» тушунчалари ҳамда уларнинг турлари

Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади, ҳаётда маълум бир мафқурага таянади.

Хўш, мафқура нима? У қандай ғоялар асосида шаклланади ва қай тарзда жамиятни ҳаракатга келтиради? Нега айрим мафқуралар баъзи миллатларнинг юксалишига сабаб бўлса, айримлари бутун халқни инқироз ва таназулга дучор этади?

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001. – 222-б.

Аввало «*Ғоя*» тушунчасига тўхталиб ўтамиз. Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади. Инсон онгли мавжудотдир. Онгни шартли равишда қуйидаги икки катта қисмга бўлиш мумкин:

- 1) инсоннинг руҳий олами;
- 2) фикрий олам, яъни тафаккур олами.

Руҳий олам (буни руҳшунослик илми бўлмиш психология тадқиқ этади) ўз таркибига сезги, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис-ҳаяжон, диққат, хотира кабиларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, ҳукм ва хулоса киради (буларни логика, яъни мантиқ ўрганеди).

Фалсафанинг олтин қоидаларидан бири – тил ва тафаккур бирлиги. Тилнинг энг бирламчи маҳсули сўз бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли тушунчадир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлар билан ифодаланеди. Аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англатилган фикр гап деб аталишини биз бошланғич синфданоқ билганмиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиши мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотларни яратеди. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залварли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.

Илмий адабиётларда «ғоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. Идея ва идеология кўпроқ Ғарб давлатларида ҳамда рус тилидаги манбаларда учрайди. «Идея» ибораси юнон тилидаги «idea» сўзидан олинган бўлиб, идеология учун ўзак ҳисобланади ва «тушунча» ёхуд «фикр» маъноларини англатади. «Идеология» (Idea – ғоя, тушунча, logos – таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

– ғояларнинг моҳияти ва мазмуни, шаклланиши ёхуд аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа ҳисобланади;

– муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб боради ва уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга. Муайян ғоялар одатда шахс онгида шаклланади, кейинчалик жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси мавжуд. Ғоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозибаси ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларини санаб ўтиш лозим бўлади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сифарбар этадиган куч эканлигидадир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад сари етаклайдиган улуғвор фикр.

Ғоянинг турлари кўп. Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак-атрофни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ муайян ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг маълум маънода ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин. Масалан:

- диний ғоялар;
- илмий ғоялар;

- фалсафий ғоялар;
- бадий ғоялар;
- ижтимоий-сиёсий ғоялар;
- миллий ғоялар;
- умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асоси, диний иймон-этиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади.

Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли эканлиги, жоннинг абадийлиги, бут ва санамлар, табиий жисм ҳамда ҳодисаларнинг илоҳий қудратга эгаллиги тўғрисидаги қарашларга асосланган. Масалан, ҳиндларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда у инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошқа жонзодга ўтиши мумкин.

Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянадиган политеизм динлари вақти келиб монотеистик – яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўрнини бўшатиб берган.

Яккахудолик ғояси миллий динларда (масалан, иудаизмда), айниқса жаҳон динлари – христианлик ва исломда ўз ифодасини яққол топган. Хусусан, ислом динида Оллоҳнинг ягоналиги ғояси асосида унинг барча ақидалари, рукнлари, талаб ва мажбуриятлари шаклланган.

Илмий ғоялар – фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлар.

Ғояларнинг «ҳаёти», пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши, ва ниҳоят эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашилиши илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади.

Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси деб «атом» тушунчасини киритган эдилар. Птолемей ва Аристотелдан ўрта аср (Улуғбек) астрономларигача коинот марказини Ер деб ҳисоблаб келганлар. Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлинишини, коинотнинг маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан ис-

ботлади, квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А.Эйнштейн, Н.Бор, Ф.Резерфорд, М.С.Кюри кабиларнинг номларини машҳур қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалга оширди. Космик ракета, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда амалиёт тасдиқламаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва илоҳиётчилари турфа хил ғоялар яратганлар. Булар билан фалсафа тарихини ўрганиш пайтида батафсил танишгансиз. Аммо фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фалсафий фикри ривожига беқиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Форобийнинг фозил одамлар шаҳри тўғрисидаги, тасавуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунаси.

Бадийий ғоялар – адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлар. Улар ҳаётдан олинади, бадийий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Адабий қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам ана шу асосда рўй беради.

Бадийий таъсир воситалари жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, шахс руҳиятига таъсир ўтқа-

зишда, одамларни ҳаракат ва жунбишга келтиришда бадий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам булар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман башариётнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни эркинлик учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ғояси мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайди, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишларини инкор этади.

Мустақиллик ғояси — энг улуғ ва эзу ғоя. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи истаган ва танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритди.

Адолат ва ҳаққонийлик инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган жамият юксакликка кўтарилади.

Ҳар бир тарихий даврда унинг руҳини акс эттирадиган, халқнинг қадриятлари ва орзу-истакларига мос келадиган ғоялар кишиларнинг онги ва қалбидан жой олган. Таъкидлаш жоизки, башариётнинг зиддиятли тарихи мобайнида ҳаётбахш ғоялар билан бир қаторда сохта ва тубан ниятлар, тажовузкор ва ғаразли фикрлар ҳам кўп бўлган. Бинобарин, халқлар ва давлатлар тақдирига таъсири ёки ўзининг сифатларига кўра ғоялар юксак ё тубан, бунёдкор ёки вайронкор, бузғунчи ёхуд экстремистик ёки тажовузкор бўлиши ҳам мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, миллат тараққиётига, унинг юксалишига хизмат қиладиган, халқларни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар

юксак ғоялардир¹. Одамлар орасига нифоқ, халқлар ўргасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адоват кўзғайдиган тубан фикрлар бузгунчи ғояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабих ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалгани, қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларни ҳаракатга келтираётганига қараб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин.

Соҳиблари, яъни ғояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар мавжуд бўлиши мумкин. Албатта, муайян бир халқ оммасини маълум бир тарихий шароитда ҳаракатга ундаётган ғоя мазмунан умуминсоний ёки тор манфаатларни кўзлайдиган синфий ғоя жамият ва инсон манфаатларига зид бўлиши ҳам мумкин.

Миллий ғоя халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш даврларида ҳар қандай миллат ва халқ ўзининг келажагини белгилайди, унга етишишнинг ўзига мос йўллари танлайди. Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан бирга ғоявий тамойилларини ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган «Ватан равнақи», «Юрт тинчлиги», «Халқ фаровонлиги», «Комил инсон», «Ижтимоий ҳамкорлик», «Миллатлараро ҳамжиҳатлик», «Диний бағрикенглик» кабилар ана шундай умуммиллий ғоялар қаторига киради.

«Мафкура» тушунчаси. Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизи ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Одамлар, ижтимоий синф ва қатламлар, миллат ва давлатларнинг манфаат ва мақсадлари ҳам ғояларда ифода этилади.

¹ Қаранг: Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қура- миз. Т.7. – Т., 1999. – 308-б.

Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамият миллий мафкурасининг асосини ташкил этади.

Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизими.

Турли ижтимоий тузумлар, жамиятдаги ҳар хил табақа ва қатламларнинг мафкураси турлича бўлиши табиий. Бунинг асосида манфаатларнинг турличалиги, уларни қондириш имкониятлари ва услубларининг ҳар хиллиги ётади. Синфий кутблашув кучайган, синфий кураш авж олган (ёки сунъий равишда кескинлаштирилган) тузумларда мафкура ўта сиёсийлашади, аҳолини ўзаро қарама-қарши қилиб қўяди.

Ижтимоий ҳамкорликка асосланган, эркин демократик жамият барпо этишни кўзлаган давлатларда миллий мафкура аҳолининг барча қатламларини жипслашишга, умумманфаат ва ягона мақсад йўлида бирлашишга чорлайди. Бундай мафкураларда зиддиятли жиҳатлар эмас, умуминсоний тамойиллар кучайиб боради.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси айнан жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида яқдил ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

Президентимиз Ислам Каримов мафкурага шундай таъриф берган: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги куни ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»¹. Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан, чароғон этадиган маёқдир.

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.,1999. – 89-б.

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган. Беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсадларига етишмоқ учун ҳаракат қилганлар. Биз ҳар қандай мафкурани ғоялар тизими сифатида талқин қилар эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор-бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гуруҳлар ўз ғаразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гуруҳлар ҳам ўз кирдикорларини эзгу ғоялар билан ниқоблашга уринганлар.

Демак, мафкуранинг моҳияти фақат унинг асосий ғоялари воситасида эмас, шу ғояларга эришиш усуллари ва воситалари, умумэътироф этилган тамойиллари, уларнинг аксарият омма манфаатларига мослиги орқали ҳам намоён бўлади. Ўзининг мудҳиш талаб-эҳтиёжлари ва ёвуз ниятларини бошқа халқлар ҳисобига қондиришни кўзлаб ҳаракат этувчи мафкуралар ҳалокатга маҳкумдир.

Мафкуралар маъно-моҳиятига кўра фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянадилар, улардан назарий асос сифатида фойдаланадилар.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритганда, унинг фалсафа илми хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга ғарбдаги Уйғониш даврини ҳамда ўрта асрларда ўз миллий давлатчилигини тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафкуралар Рим империяси парчаланганидан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалари асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги итальян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Кант, Гегель, Фейербах каби мутафаккирлар номи

билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилган эди.

Мафкуранинг дунёвий илдишлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бундай жамиятда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Ана шундай жамият мафкураси «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» деган тамойил асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафкуранинг диний илдишлари инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ғоявий илдишлари диний таълимотларга бориб тақалади. Кўпгина мафкураларда «Авесто», «Веда» ва «Упанишадлар», «Забур», «Таврот», «Инжил» ва «Қуръон» каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамыз.

Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лаоцзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган. Бу таълимотлар асрлар мобайнида Хитой халқининг миллий мафкураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитдагина тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб, фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади.

Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган прагматизм, ҳаёт фалсафаси бўлган экзистенциализм каби дунёвий ва диний ғоялардан озиқланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир ўтказди. Замонавий фан ютуқлари, жумладан космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Айни вақтда юксак илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари бир томондан инсон ақл-идрокининг имкониятларига, келажакка ишончни орттираётган бўлса, иккинчи томондан Хиросима, Нагасаки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуролилари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом ғоя, соғлом мафкура керак.

Ғоя ва мафкураларнинг шакллари. Инсоният тарихи турли ғояларнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибдод, маърифат ва жаҳолатга хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлганидан далолат беради. Ғоя мафкурага асос бўлади, мафкура эса муайян ғояни амалга оширишга хизмат қилади.

Қадимги цивилизациялар тарихидан маълумки, ўша даврларда одамларнинг дунёқараши, қабила ва элатларнинг мафкураси афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик қарашлар сифатида мавжуд бўлган. Жумладан, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий динлар жоннинг абадийлиги, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг илоҳий қудратга эга эканлиги тўғрисидаги хилма-хил ғоя ва қарашларга асосланган.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шаклланган. Японлар эса ўзларининг миллий дини – синтоизмни яратган. Уларда диний тамойиллар билан бирга муайян миллатнинг ўзига хослиги, қадриятлари, менталитети ўз аксини топганлиги яққол кўзга ташланади. Бу динлар миллат тарихининг маълум даврида давлат дини ва мафкураси даражасига кўтарилган. Масалан, конфуцийлик бир неча юз йиллар давомида Хитойда ана шундай мавқега эга бўлган.

Тараққиёт жараёнида фалсафий ғоялар ҳам муайян тизим шаклини олган. Масалан, оламнинг вужудга келиши, мав-

жудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этиши каби масалаларни қадимги одамлар хилма-хил талқин қилганлар. Жумладан, фалсафий талқин этиш натижасида монизм, дуализм, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз маъно-мазмунига эга эканлиги билан ажралиб туради. Хусусан, монизм – оламнинг асосини битта моҳият ташкил этади деб таълим берувчи йўналиш бўлса, дуализм – оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эга эканини эътироф этувчи оқим.

Олам ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиш қонуниятлари, борлиқ ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойилларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш идеализмнинг асосини ташкил қилади. Материализм айнан ана шу масалаларда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш асосида шаклланган.

Муайян тарихий даврларда баъзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Халқ улардан қувват олган, маънавий озикланган, улар орқали ўз қадриятларини сақлаган.

Шу билан бирга, ўзаро фарқланувчи мафкуралар ўртасидаги баҳс-мунозара ҳамда уларни муросага келтиришга интилувчи ғояларнинг мавжудлиги ҳам қадим замонлардан буён давом этиб келмоқда. Худди шундай бир-биридан фарқ қилдиган, яъни худо ва илоҳий қадриятларни тамомила рад этувчи атеизм ва айнан шу ҳақиқатларни мутлақлаштирувчи теизм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳам узоқ тарихга эга. Бу баҳс-мунозара ҳозир ҳам давом этмоқда.

XIX асрнинг 30-йилларида Францияда император Наполеон шахсига сиғиниш ва фарангларни улуғлаш билан боғлиқ шовинизм ғоялари кенг ёйилди. Кейинчалик у бир ҳукмрон миллатни бошқа халқлардан устун қўядиган ёки бошқа бирор ижтимоий субъектни мутлақлаштирадиган мафкуравий ақидага айланиб кетди. Ҳозирги кунда ҳам «Буюк миллатчилик шовинизми», «Буюк давлатчилик шовинизми», «Ирқий шовинизм» каби иборалар учраб туради.

Инсоният тарихида ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюк давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, фашизм ва экстремизм ғояларини юзага келтирган. Бундай ғоялар халқлар бошига кўп кулфат ва мусибатлар солган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзан бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, алдов-макри билан омма онгини заҳарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқеини эгаллаб олиши мумкин. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизмнинг галаба қозониши нафақат итальян ва немис халқининг, балки дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфат солгани тарихнинг аччиқ сабоқларидан биридир. Ҳолбуки, бу ғоялар мазкур давлатларда аср бошида ноқ намоён бўла бошлаган эди. Масалан, Италияда 1910 йилдан «Миллий ғоя» номли журнал чиқа бошлаган ва унда кўпроқ агрессив миллатчилик тарғиб қилинар эди. Афсуски, ўз даврида бунга кам эътибор берилган ва у охир-оқибат ҳукмрон ғояга айланган. Ана шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда бутун дунёдаги тараққийпарвар гуманистик кучлар бундай фожиали ва нохуш ҳолатлар такрорланмаслиги учун ҳамжиҳатлик билан кураш олиб бориши ижтимоий зарурат бўлиб қолди.

Ўвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири диний ақидапарастликдир. Бундай ғоялар муайян даврларда Фарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган, одамларга кўпдан-кўп қабоҳатлар келтирган. Афсуски, бу ижтимоий иллат ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда, муайян ҳудудларни эгаллаб олмоқда. Бу ғояларнинг ортидан эргашадиганлар ҳозир ҳам бор. Улар бундай ғояларга асосланиб тинч аҳолига қарши террорчилик, зўравонлик каби жиноятларни амалга оширадилар, ўз ниятларини қабих ҳаракатлар орқали намоён қиладилар. Кейинги 15 йилда ақидапарастлар террори натижасида 140 минг киши ҳалок бўлган Жазоир ёки 20 йилдан ортиқроқ урушни бошдан кечирган Афғонистон бунга яққол мисол бўла олади.

Хуллас, ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин доимо жамиятга хатар ва одамлар бошига кўплаб кулфатлар келтиради. Ҳозирги даврда ҳам ҳамма нарсани инкор этишга, ҳеч қандай ижтимоий меъёр ва қонун-қоидаларни тан олмас-

ликка даъват этувчи нигилизм ёки кўп ҳолларда ватансизликни мутлақлаштирадиган космополитизм каби мафқуралар турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

Ғоя ва мафқураларнинг тарихий шакллари ҳамда мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келган. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажовузкорлик, ақидапарастлик мафқураларига қарама-қарши ўлароқ озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган.

Ғоя ва мафқуранинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти катта. Ғоянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ғояларни яратади, улардан куч-қувват олади. Ғоялар эса инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади.

Ҳар бир халқнинг тарихи шу халқдан етишиб чиққан буюк сиймолар, мард қаҳрамонлар ва фидойи инсонлар тарихи асосида битилади. Халқимизнинг Широқ ва Тўмарис, Спитамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Бобур Мирзо каби мард фарзандлари буюк ғоя соҳибларидир.

Минг йиллар ўтса ҳам буюк аجدодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак ғоялар – Ватан озодлиги, эл-юртнинг бахт-саодати, илму урфон ривожини йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий 600 йилдан зиёд умрини ер остида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жанг қилганида ҳам улғувор ғоялар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Жордано Бруно жисму жонини эгаллаган буюк ғоя туфайли гулхан алангасида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган. Насимий гарчи товонидан сўйилса ҳам ишқи илоҳий деб жон берган.

Жаҳон тарихидан, жумладан халқимизнинг ўтмишидан ҳам, қайси соҳала бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улғувор ғоя керак эканлигига кўплаб мисоллар топилди.

Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айти пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканларини кўрамыз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар муайян кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-бирдан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноксиз кулфатлар келтиради. Бу эса ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради.

1.3. Миллий истиқлол ғоясининг негизлари ва асосий тамойиллари

Миллий истиқлол ғояси амал қилиш принципларининг ўзига хос тарзда намоён бўлиши жамиятнинг барча жабҳаларида амалга ошириладиган ислохотларнинг ғоявий жиҳатларини белгилашга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан миллий истиқлол ғоясининг принциплари бир-бири билан диалектик алоқада дейиш мумкин. Улар, айниқса, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги талабларига мос келиши билан узвий боғлиқ.

Миллий истиқлол ғояси инсонпарварлик, инсон қадр-қиммати, шаъни, ор-номуси, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг устуворлиги принципларига таянади. Унда инсоннинг ҳаёти олий қадрият саналади. Бу принцип ўткинчи характерга эга эмас. Балки Ўзбекистоннинг демократик ривожланиш

истиқболини ўзида мужассам этади. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик принциплари инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи омил вазифасини ўтайди. Демак, миллий истиқлол ғояси икки муҳим ва ўзаро боғлиқ негизларга таянади. Бу бир жиҳатдан, Ўзбекистон халқининг тарихи, турмуш тарзи, урф-одат, анъана, маданияти билан боғлиқ миллий-маданий мероси ҳамда унинг асоси, бош негизи ва таянчи ҳисобланади. Иккинчи жиҳатдан, бу дунё халқлари эътироф этиб, фақат эзгуликка, бунёдкорлик ишларига, ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилиб келаётган умуминсоний тамойиллардир. Айтиш мумкинки, миллий истиқлол ғояси умумбашарий қадриятларни эътироф этади.

Миллий қадриятларга содиқлик миллий ғоянинг таянч негизларидан биридир. Бу принцип Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаши, келажак авлодларга етказиши учун тўла имкониятлар яратилишини ифодалайди. Ўтмишдан қолган буюк маданий бойликларимиз, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни ижодий ўрганиш ушбу принципнинг асосий жиҳатидир. Лекин шу нарсани умумқонуният сифатида ҳисобга олиш керакки, умумбашарий қадриятлар аввало миллий-маънавий негизда шаклланади. Халқ ёки миллатнинг руҳияти миллий-маданий мерос орқали кишиларнинг ҳаёти, мақсади, орзулари ҳамда жамият қурилишида ўз ифодасини топади. Ижтимоий тараққиёт натижасида муайян халқларга хос миллий-маънавий қадриятлардаги умуминсонийлик дунё халқлари ривожини учун умумбашарий қадрият сифатида хизмат қилади. Улар бир-бирини бойитади, айна пайтда ўзаро муштаракликка эга эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. «Ғоя» нима?
2. Ғояларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Бунёдкор ва вайронкор ғояларга мисоллар келтиринг.
4. Мафкура ва унинг тарихий шакллари тўғрисида нималарни биласиз?
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги фармойишининг аҳамияти қандай?
6. Давлатлар ва миллатларнинг юксалиши ёки таназзулга учрашида мафкуранинг аҳамияти нималардан иборат?
7. Мафкура ва ғоя инсон маънавиятининг омили эканлигини изоҳланг.

2-мавзу ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН КУРАШ

- *Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси*
- *Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонлар*
- *Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика*

2.1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси

Ҳозир жаҳонда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр. Дунёнинг ҳудудий жиҳатдан турли минтақа ва қитъаларга бўлиниши географиядан яхши маълум. Жаҳоннинг сиёсий харитасига қараб ва мавжуд давлатларнинг чегараларини ҳисобга олган ҳолда ҳам Ер юзининг ҳудудий бўлинишини бемалол тасаввур қилиш мумкин.

Инсоният XX асрнинг охирига келиб бир қанча чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалокатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм кабилар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсивлашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар ҳам жадаллашмоқда. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон. Бунга шубҳа йўқ, албатта. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноксиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асргача асосан бир давлат ичида, икки давлат ўртасида ёки нари борганда бир минтақа доирасида бўлиши мумкин эди. Тўғри, айтайлик, Александр Македонский, Чингизхоннинг улкан давлат барпо этиш ёки ўрта асрлардан бошлаб европалик истилочиларнинг бошқа қитъаларни забт этиш учун олиб борган урушлари кўлами жиҳатидан ажралиб туради. Аммо бундай ҳолатлар истисно ҳодисалар сифатида баҳоланиши керакка ўхшайди. XX асрда

рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир нечта қитъа мамлакатлари иштирок этганлигини эсласак, бундай хулоса муайян даражада ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Уруш қуроллари шу кунгача такомиллашган. Айни дамда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни жуда қисқа фурсатда йўқ қилиб ташлаш имкониятига эга.

Минг афсуски, айни вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

Жаҳонда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳол ҳозирги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бермоқда.

Кишилиқ жамияти тарихи инсонда олижаноб фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам, айни пайтда ғайриинсонийликнинг хилма-хил кўринишлари илдириб, ўзининг мудҳиш қиёфасини намоён қилишига ҳам кўп бор гувоҳ бўлган. Афсуски, бутун тарих давомида бундай иллатлар инсониятга ҳамроҳлик қилиб келди, турли даврларда янги шакл, хусусият касб этди. Айни вақтда уларнинг энг ёвузлари Ер юзидаги тинчлик ва тотувлик, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликка ва охир-оқибатда инсониятнинг ягона бирлик сифатида эркин тараққий қилишига катта хавф туғдирмоқда.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмоқчи бўлаётган мафкура шакллари барқарорлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда. Уларнинг асосий шакллари ва йўналишлари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилган. Мазкур маърузада ана шу асардан асосий манба сифатида фойдаланамиз.

Тараққиётга нисбатан хавф-хатарлардан бири буюк давлатчилик шовинизмидир. Буни, Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукм-

ронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жугрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади»¹.

Кўриниб турибдики, буюк давлатчилик шовинизми ғайриинсоний характерга эга. Зеро, у ўз моҳиятига кўра миллий тенгсизликни оқлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш ҳамда ҳимоя қилишнинг ўзига хос шаклидир.

Буюк давлатчилик шовинизми пайдо бўлишининг сабаблари нимада? Тарихга назар ташласак, ҳозирги даврда буюк давлатлар мақомига эга бўлган айрим мамлакатлар кўпгина минтақаларни ўзларининг «ҳаётий манфаатлари» ҳудуди сифатида босиб олиб, узоқ вақт мустамлакачилик сиёсати юргизганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Айнан босиб олинган ҳудудларнинг табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, моддий ва маънавий бойликларини ўзлаштириш буюк давлатларга янада улкан ва қудратли давлатга айланиш имконини берди. Оқибатда бошқа мамлакатлар ва халқлар билан муносабатда ўзини устун, танҳо ва ягона деб билиш, инсоният тақдири, халқларнинг келажагини белгилашда алоҳида мавқега даъвогарлик ифодаси сифатида баҳоланиши мумкин бўлган мумтозлик мафқураси тарих саҳнасига чиқди. Бундай мафқура давлат сиёсатининг асосига айланганда узоқ давом этган қонли урушлар келиб чиқиши, бутун минтақанинг вайрон бўлиши, кўплаб халқларнинг қарам қилинишини исботловчи мисолларни кўнлаб келтириш мумкин.

Иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувлиги зил кетган, ички зиддиятлари кучайган, Ватан ёки миллат тақдиридан ўзининг тор манфаатларини устун қўядиган, ўзаро келиша олмаётган, ҳокимиятга даъвогар сиёсий гуруҳларнинг мавжуд муаммоларни ташқи кучлар ёрдамида ҳал қилишга уринишлари ва маънавий-руҳий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик туйғулари ҳукмрон бўлган мам-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1997. — 52-б.

лакатлар буюк давлатчилик шовинизми нишонига айланишини замонавий тарих ҳам кўрсатиб турибди.

Афсуски, бизнинг ўлкамиз ҳам буюк давлатчилик шовинизмининг фалокатли таъсиридан четда қолмади. «У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди. Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса собиқ Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошдан кечирди»¹.

Буюк давлатчилик шовинизмининг хавфи бундай позицияда турган кучлар ва давлатларнинг иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий салоҳиятининг катталигидагина эмас, балки ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ кўрсатиш имкониятларининг кенглигида, уларнинг қўлидаги ғоявий таъсир ўтказувчи восита ва механизмларининг хилма-хиллигида ҳамдир.

Буюк давлатчилик шовинизми бугун пансоветизм билан ўзига хос тарзда қўшилиб кетмоқда. «Пансоветизм» тушунчаси узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган. Аммо бундай қарашлар ортида содда кишиларнинг бошини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган ғояларни ҳаётимизга қайтадан тиқиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишга қаратилган интилишлар ётганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Буюк давлатчилик шовинизмининг пансоветизм байроғи остида жонланишининг сабаблари нимада? Жиддий таҳлил қилинадиган бўлса, биринчидан, беҳисоб ҳам ашё ресурслари, ишчи кучи, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш ва геостратегик мавқедадан маҳрум бўлиш; иккинчидан, собиқ колонияларнинг ўз метрополияси таъсири ва тазйиғидан халос бўлишга интилиши, мустақил ички ва ташқи сиёсат юрита бошлаши; учинчидан, халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик устувор бўлиб

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – 53-б.

бораётганини тушунмаслик, тўғрироғи, тушунишни иста-маслик; тўртинчидан, бошқа кучлар маркази томонидан гўё-ки унинг «хаётий манфаатлари» тан олинмаётгани, у амал қилаётган ҳудудлар торайтирилаётганини рўқач қилиш; бе-шинчидан, мақтанчоқлик, инсоният тараққиётига қўшган ҳиссасига ортиқча баҳо бериш, уни бетакрор ва ноёб деб ҳисоблаш ҳозирги кунда буюк давлатчилик шовинизмининг жонланиши учун «асос» бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан-янги усулларидан фойдалани-лади. Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятлар-ни очикдан-очик қоралаш, ерга уриш ёки айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти ва илм-фанга улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизни бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд. Шу-нингдек, минтақа давлатлари ўртасида зиддиятлар келти-риб чиқарувчи ва жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга бўлаётган интилишларни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Бугунги замонда инсоният онги ва қалби учун кураш кес-кин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда яқка мафку-ра ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган хатти-ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин. Диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси дав-латга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, ягона ха-лифалик остида сиёсий бирлаштириш ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Кўришиб турибдики, бу диний-сиёсий идео-логия диний асосда бирлашув ғоясини биринчи ўринга қўяди. Диний ақидапарастлар заминдаги диний-маънавий уйғун-лик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, ил-мий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлигига, улар салоҳия-тининг бирлашиши ва халқларининг тараққиётига йўл очса,

бунинг нимаси ёмон деган саволни ўртага ташлайдилар. Юзакни қараганда, уларнинг гапи тўғрига ўхшайди. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларини аксарият ҳолларда ана шундай «беозор» тарзда тақдим этишга ҳаракат қиладилар.

Аммо жиддий эътибор бериладиган бўлса, биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ёки уни бой бериш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади. Иккинчидан, халифаликни тиклашга ва унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар бу ҳолнинг айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу ғояни тиқиштиришда улар бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга ва мусулмонлигимизга алоҳида урғу берадилар.

Тўғри, халқимиз орасида ислом динига эътиқод қилувчилар кўпчиликни ташкил этади. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, ёвуз кучлар ана шу реалликни тан оладилару, лекин ўз тарихимиз, тилимиз, бетақрор маданиятимиз, жаҳон халқлари ўртасида ўзига хос ўрнимиз, ўз тараққиёт йўлимиз борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар. Албатта, ушбу ҳақиқатни тан олиш ёки олмаслик уларнинг иши. Аммо ўзларининг бундай ғайриилмий қарашларини кишиларимиз, айниқса ёшларимизнинг онгига сингдиришга ҳаракат қилаётганликларига бефарқ қараб бўлмайди.

Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашувнинг ўта хавfli эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Zero, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши қутбларга бўлиниб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталадиган ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одаглардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ягона мафкуравий майдонни юзага келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугун уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда.

Ҳозирги пайтда халқларнинг лисоний бирлигига таянган ҳолда уларнинг маънавий-маърифий бирлигини таъминлаш

байроғи остида тақдим этилаётган ғоялар ортида ҳам аслида ғаразли мақсадлар яширинганлигини унутмаслик лозим.

Оламнинг шу кундаги мафкуравий манзараси ҳақидаги мулоҳазалар якунида нима дейиш мумкин? Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратаётган мамлакатимиз учун ҳам ҳаётий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган ғоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ. «Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган фикрини кўп мушоҳада қиламан, деб ёзади Президент И.А.Каримов. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир»¹.

Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган ёт мафкура шакллариининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, уларга ғоя ва маърифат билан қарши курашиш лозим. Мамлакатимиздаги мавжуд ижтимоий ҳамкорлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўли билангина қўлга киритилган истиқдолни ҳимоя қиламиз. Халқаро ҳамжамият, жумладан азалдан алоқаларимиз яхши ривожланган давлатлар билан тенг ҳуқуқли, иззат-икромли муносабат, ўзаро манфаатли алоқалар эса мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ана шундагина, юртбошимиз таъбири билан айтганда, минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитишнинг ибратли намунасини берадиган маконга айланади.

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамай. Т. 7. — Т., 1999. — 93-б.

2.2. Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонлар

Ҳозирги жамият ҳаётида мафкуравий омилларнинг сезиларли таъсири мавжудлигини бир қарашдаёқ сезиш мумкин. Ғаразли геосиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги мафкуравий таъсир ўтказишда энг аввало «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган қадимий тамойилга амал қилишга уринишларни таъкидлаш зарур.

Юқоридаги тамойилни рўёбга чиқаришнинг биринчи йўли мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. У жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Масалан, юртимизга нисбатан бу усул ўтиш давридаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали аҳолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотувчи, ўз ноғораларига ўйнайдиган муҳолифотчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий беқарорликни келтириб чиқарувчи ҳаракатларда намоён бўлди. Айниқса, бунда диний омиллардан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилмоқда. Ана шу ҳолат ҳам «мақсад воситани оқлайди» деган ақида ғаразли геостратегик манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қондасига айланаётганлигини кўрсатади.

«Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг иккинчи йўли – минтақа давлатлари ўртасида турли зиддиятларни юзага келтириш. Бунинг энг кенг тарқалган усули гўёки минтақада гегемонликка талабгор давлат борлигини асослаш, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратишдир. Уларнинг яратилиши ер юзининг турли нуқталарида низо, камида давлатлараро муносабатларда тангликни юзага келтирганлиги тўғрисидаги мисолларни истаганча топиш мумкин.

Юқоридаги тамойилни амалга оширишнинг учинчи йўли – халқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, ноҳолис тасаввурларни шакллантириш. Халқаро муносабатлар майдонидан айрим мамлакатларнинг вақти-вақти билан «қувгин» қилиб турилиши ана шундай ҳаракатлар натижасидир.

Имтиёзли ҳамкорни белгилаш маълум минтақада геостратегик манфаатларни амалга оширишга хизмат қиладиган яна

бир тамойилдир. Албатта, муайян мақсадда, айтайлик диний, лисоний бирлик, маданий яқинлик ёки бошқа сабаларга кўра ҳар бир давлат ким биландир имтиёзли ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу табиий ҳол. Аммо гап «имтиёзли ҳамкор»дан минтақа давлатлари ўртасида айирмачиликни шакллантириш, «номақбул» давлатлар имкониятларини чеклаш йўлида фойдаланиш, шу билан бирга «ҳамкор» давлатнинг минтақадаги бошқа давлатлардан қайсидир жиҳатдан устунлигини таъминлашга қаратилган интилишлар ҳақида бормоқда. Аслида у ёки бу кўринишдаги устунликни таъминлаш ҳам асосий мақсад эмас. Бош мақсад — муайян минтақага таъсир ўтказиш плацдармига эга бўлиш. Бунга интилиш эса ушбу минтақанинг геостратегик имкониятлари билан белгиланади. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур» деганларидек, имтиёзли ҳамкорни белгилашда узоқни кўзловчи ана шундай ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадлар ҳам ётиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Имтиёзли ҳамкор» тамойили «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойилининг тўлдирувчиси сифатида юзага чиқади. Собиқ Иттифоқнинг Кубадан минтақага революцияни «экспорт қилиш» учун фойдаланишга урингани бунга мисол бўла олади.

Тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик принципига амал қилиш геостратегик манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг оқилона ва тўғри йўли. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ ана шу принципга амал қилиб келмоқда. Негаки, бу геостратегик манфаатлардаги уйғунликка эришиш ва жаҳон миқёсида тараққиётни таъминлаш омилдир.

2.3. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг хусусиятларини яққол кўрсатиш мақсадида Президентимиз Ислом Каримовнинг илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритганлигини қайд этиш лозим. «Мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар шулар жумласидандир. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда дунёда кечаётган

мафкуравий жараёнларнинг хусусиятини янада яққолроқ тасаввур қилишга имкон туғилади.

Нимага кишиларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишиларнинг онгини эгаллаши, тўғрироғи, қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда, ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос. Бошқача айтганда, у омборхонадаги кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгалаб ётавериши мумкин. Бундай ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганида ёки инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айланганидагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шу боис ҳозирда нафақат инсоннинг онги, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам Ер юзининг турли миитақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда мафкуравий полигонга айлангирилмоқда. Хўш, «мафкуравий полигон» деганда нимани тушунамиз? «Полигон» (грекча сўздан олинган бўлиб, «серқирра» деган маънони билдиради) ҳарбий термин эканлигига ўрганиб қолганмиз. Одатда, полигон деганда қурола-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада машқ ва гадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади.

Шу нуқтаи назардан мафкуравий полигонларнинг хусусиятлари ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихга назар ташласак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб борганини кўрамиз. У найзалардан тортиб токи автомат қуроолларгача, замбараклардан то ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомиллашув йўлини босиб ўтди. Бундай қурооллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Ҳозир эса ўзга ҳудудларни забт этиш

учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин.

Юртимизда ғайриисломий ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган айрим кимсалар ўзларининг ғаразли мақсадлари орқали сода одамларни, айниқса ёшларни чалғитиш, улар ёрдамида мамлакатни тараққиёт йўлидан четлатишни кўзда тутган эдилар. Чет элларда «таълим» олган ваҳҳобийлар, шунингдек «ҳизб-ут-таҳрирчилар»нинг ёшларимиз онгини заҳарлаш йўлидаги ҳаракатларини ҳам айнан шундай баҳолаш мумкин.

Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний ғояларга қарши тура олиш учун аҳолида мафкуравий иммунитет бўлиши лозим. Одатда, иммунитет (лот. *immunitas* — озод бўлиш, қутулиш) деганда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлар ва ташқи инфекциялардан ҳимоялашга қодир реакциялар мажмуи тушунилади. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирларга акс жавоб қайтарувчи иммунитет тизими шаклланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб мафкуравий иммунитет ҳақида нима дейиш мумкин? Аввало, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ривожлантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин (иммунитетга эга бўлмаган чақалоқларнинг узоқ яшай олмаслигини эслайлик).

Хўш, мафкуравий иммунитет тизими ўз ичига нималарни олади? Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури — билим. Аммо билимлар кўп ва турлича. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракаат қиладилар. Шундай экан, биринчидан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқе-

ликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчидан, улар ўз моҳиятига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланидиган қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Қисқача айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо билимлар ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки унсур мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим унсури, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ. Яъни, ҳар бир киши каби халқ, давлат ва жамиятнинг аниқ мақсади бўлиши шарт. Шу билан бирга бу мақсад англаган бўлиши, уни амалга оширишда собитқадамлик даркор. Ана шундай аниқ тизим бўлмас экан, хоҳ алоҳида инсон, хоҳ миллат ёки жамият бўлсин, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга бардош бериш амри маҳол.

Бундай мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни беқиёс. Зеро, у моҳиятига кўра, ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади. Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Президент И.А.Каримов айтганларидек, миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъ-

сирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Шундай экан, вояга етаётган ҳар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси деганда нимани тушунасиз?*
- 2. Дунёда ҳукмронлик қилишга интилаётган мафкура шакллари ни санаб беринг.*
- 3. Буюк давлатчилик шовинизмининг хавфли жиҳатлари нималардан иборат?*
- 4. Халифаликни тиклаш ғоясининг хавфли ва зарарли томонлари нималардан иборат?*
- 5. Мафкуравий полигон нима?*
- 6. «Мафкуравий иммунитет» ва «мафкуравий профилактика» тушунчаларига таъриф беринг.*

3-мавзу

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНING АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ

- *Миллий истиқлолимизнинг бош ғояси*
- *Ватан равнақи ва юрт тинчлиги ғояларининг жамият-даги ўрни*
- *Халқ фаровонлиги ва комил инсон ғояларини ўрганиш-нинг аҳамияти*
- *Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик (толерантлик) ғояларининг Ўзбекистон-да амалга ошайётганлиги*

3.1. Миллий истиқлолимизнинг бош ғояси

Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги даврдаги бош вази-фаси – мустақилликни мустаҳкамлаш. Жамият ҳаётининг барқарор бўлишида юрт тинчлиги, миллатлар ва элатлар орасидаги ҳамжиҳатлик асосий ўрин эгаллайди. Миллий истиқлолимизнинг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси мустақил-ликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асо-сий ғоялари ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан бош ғояни халқимизнинг қалби ва онгига янада чу-қурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Мустақилликка таҳдид солувчи омиллар хилма-хил кўринишларда акс этиши мумкин. *Буюк давлатчилик шови-низми ва агрессив миллатчилик* шулар жумласидандир.

Давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилайётган фикрларда, шарҳларда ва му-айян хатти-ҳаракатларда таҳдид сақланиб қолмоқда. Шови-нистик ва агрессив миллатчилик инерциясининг кучи ҳали шу қадар залварлики, бу куч унга дуч келганлар учун ҳам,

уни бошқаларга қаратаётганлар учун ҳам нақадар хавфли эканлигини пайқамаслик мумкин эмас.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилиكنинг ўзи нима? Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Одатда, ҳудуди жиҳатидан кичик бўлган ва энг асосийси имкониятлари заифлашган ва ички беқарор давлатлар ана шундай даъволарга нишон бўлади. Бизнинг ўлкамиз ҳам ана шундай қисматдан қочиб қутулолмади. У узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик ғояларининг жафоларини тортиб келди. Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошдан кечирди.

Шубҳасиз, йирик империялар бошқа мамлакатлар ва халқларни босиб олган ҳамда бўйсундирган ҳолда умумжаҳон тараққиётидан орқада қолган мамлакатларда муайян даражада маърифатчилик вазифасини ҳам адо этиб келган. Мустамлакачиликка бундай баҳо берувчилар империялар босиб олинган мамлакатлар инфратузилмасини, айрим ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, миллий кадрларни тайёрлашга, аҳолисини фаолиятнинг янги турларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд қилишга қўшган ҳиссаларини таъкидлаб кўрсатадилар. Бунга қўшилмаслик мумкин эмас. Лекин буюк империялар билан кам сонли халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнининг салбий жиҳатлари ҳам бўлган. Биринчидан, мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ муддатли манфаатларига бўйсундирилганди. Иккинчидан, буюк давлатларнинг цивилизациялаштирувчи ҳаракатлари атрофдагиларга менсимай қарашдан иборат ҳалокатли руҳиятни вужудга келтирибгина қолмади, балки бу цивилизация зўрлик билан жорий қилингани, миллий наф-

соният ва ифтихорни камситгани, миллий ва маънавий қадриятларни топтагани, уларнинг ифодачиларини жисмонан йўқ қилиб ташлагани учун ҳам бундай ҳаракатлар тегишли қаршиликка учраш эди.

Айрим мақолаларда ашаддий шовинистлар ва миллатчиларнинг ошкора даъволар билан чиқишлари ақлга сиғмайди. Масалан, «Новая независимая газета»нинг 1997 йил 26 март сониди босилиб чиққан «МДХ: тарихнинг ибтидосими ёки интиҳоси?» сарлавҳали бош мақолани мисол келтириш kifоя. Бу мақола Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 1997 йил 28 мартдаги учрашуви арафасида эълон қилинди. Унда, таҳририятнинг фикрича, «советлардан кейинги маконда бирлашишга мутлақо янгича ёндашувлар» баён этилган. Афсуски, бу мақола (ёки унинг номаълум муаллифлари атаганидек, маъруза) билан юзаки танишиб чиқишнинг ўзиёқ гап интеграцияга янгича ёндашувлар ҳақида бормаётганлигини кўрсатади. Аксинча, у мазкур мамлакатларда вазиятни беқарорлаштиришга, мавжуд ҳолатни ва советлардан кейинги маконда юз берган реал воқеаларни қайта кўриб чиқишга даъват этади.

Ҳозирги кунда буюк давлатчилик ғояларига ўта замонавий шакл берилган. Аммо уларнинг мазмунида деярли ўзгаришлар бўлган эмас. Хўш, бундай даъволар қандай далилларга асосланмоқда? Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таҳдиди ҳақида фикр юритганда биз куйидаги хавфларни назарда тутамиз:

– халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш;

– халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш;

– Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чеғалашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

– мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ёхуд мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш;

– агар буюк давлатчилик шовинизми билан экстремистик миллатчилик абадий ҳамроҳ эканлиги назарда тутиладиган бўлса, у холда миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни

келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

– янги мустамлакачилик ва империячилик ёндашувларни зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш.

Этник ва миллатлараро зиддиятлар. Маълумки, ҳозирги давлатлар асосан икки турга – полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Сайёрамизда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди. Аммо ҳозирги замоннинг ҳал қилиниши мушкул бўлган муаммоларидан бири дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмаслигига бориб тақалади. Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Шу сабабли кўп миллатли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасида ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Сиёсатчилар бу концепцияни илгари сурар эканлар, афтидан, одамларда миллий ўзлигини англаш туйғусининг ўсиш жараёнини атайлаб тажовузкор, сиёсий тус берилган миллатчилик билан алмаштириб қўйган эдилар. Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқ вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитларида миллий ўзликни англашни қайта тиклашга алоҳида эътибор бериш лозим. Тинчлик ва миллатлараро тотувликка асосланган фуқаролик жамиятини барпо қилиш муаммоларини ҳал этиш пайтида эса қўйндагиларни ҳисобга олиш зарур:

– миллатлараро муносабатлар соҳасида муайян, ноантгонистик зиддиятларнинг мавжудлиги янги мустақил давлатларнинг қарор топиш даври учун реал ҳодисалиги;

– мавжуд зиддиятларнинг халқлар ва давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган фожиали оқибатларга олиб борувчи миллатлараро можароларга айланишига йўл қўйиб бўлмаслиги;

—вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни, бирга истиқомат қилаётган миллатлар тинч-тотув яшаши муқаррарлиги ва зарурлигини, уларнинг муштарак интилиш ва истакларини ҳисобга олиш лозимлиги.

Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида миллатларро муносабатларга хавф солинмоқдами? Агар вазиятни ҳолис баҳолайдиган бўлсак, можароли вазиятларнинг юзага келиши учун замин мавжуд. У Марказий Осиёдаги республикаларнинг ҳудудий-маъмурий чегараларини вужудга келтириш соҳасида бир пайтлар Россия империяси олиб борган ва Совет ҳокимияти давом эттирган сиёсат оқибатларига бориб тақалади.

Статистика маълумотларининг тасдиқлашича, ҳозирги кунда анчагина ўзбеклар Ўзбекистондан ташқарида яшамоқдалар. Масалан, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4%, Қирғизистонда 13,8%, Туркменистонда 9,0%, Қозоғистонда 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил этади.

Коррупция ва жиноятчилик. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодисалар билан бирга юз берган. Жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид қилади.

Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан холи эмас. Коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бу борада кенг тарқалган ва умум-эътироф этилган фикр, яъни тоталитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳиятан сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни синдириб ташлашни англатади. Бунда, ахлоқ-одоб меъёрларига салбий таъсир этади, жиноятчилик ва коррупциянинг кучайиши муқаррар, деган хулосани эслатиб ўтиш мумкин.

Ҳар бир мамлакат юқоридаги жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга интиломоқда. Бу ўринда гап ўғрилиқ, талон-тарож, одам ўлдириш ва шахсга нисбатан зўравонлик каби жиноятлар ҳақидагина бораёт-

гани йўқ. Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг асосий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта хавф туғдиради.

Жамиятда хуфиёна иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғин ва даража вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирга тушиб қоладилар. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жинойи тузилмаларга мадаккор бўлиш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидир. Тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт бундай таҳдидни яққол тасаввур этиш имконини беради.

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиб, ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан хуфиёна иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадлари ва уруғаймоқларининг манфаатларини давлат манфаатидан устун қўяди. Бу эса мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар еткази.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий бузилишига олиб келади. «Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир» деган мутлақо нотўғри қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг

фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратди. Ислохотлар ғоясини обрўсизлантиради ва эски замонлар, жумладан «қудратли марказнинг кучли қўли»ни кўмсаш ҳиссини туғдиради.

Тўртинчидан, «пул ҳокимиятга интилади» деган ибора бор. Лекин пул жиной йўл билан топилсаю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, уларнинг қандай бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиной сармояларини ҳимоялаш учун ҳар қандай хатти-ҳаракат қилишга тайёр турадилар. Бундай кимсалар вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шайланадилар. Бундай пайтда улар учун эҳтиросларни жунбишга келтириш, оломонни қўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ.

Олтинчидан, жиной усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилаётганидан далолат берувчи мисоллар, афсуски, бизда ҳам учраб туради.

Еттинчидан, коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик ҳамкорларда ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида шундай фикрлар айтилди: «Наманган туманидаги 14 та, Косонсой туманидаги бта тегишли моддий базага эга бўлмаган ва низом жамғармаси шаклланмаган хўжалик субъектларига улгуржи савдо ҳуқуқи бўйича ҳужжатлар амалдаги қоидаларга зид тарзда берилган. Бунинг орқасида тамагирлик борлигини, аниқроқ айтганда пора олиш борлигини тушуниш қийин эмас, деб ўйлайман»¹.

¹ Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – 21-б.

Шунингдек мазкур сессияда хуфиёна иқтисодий фаолият йўлига тўсиқ қўйиш ҳақида ҳам айтиб ўтилган. Масалан, вилоятдаги 145 та субъект бўйича жами 6,8 млрд. сўмлик тушум камайтириб кўрсатилган.

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари. Кўпчилик луғатларда берилган таърифларга кўра, уруғ-аймоқчилик феодал жамиятларга хос ҳодиса. У қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган одамларнинг бирлигидир. Ўша даврда уруғ жамоаси ўз бошлиғининг номи билан аталарди. Бошлиқ эса ўз аъзолари учун энг обрўли одам ҳисобланган. Айнан у уруғ-аймоқ аъзоларини ҳимоялаган, уларга ҳомийлик қилган ва ёрдам берган.

Замонлар ўтди, жамиятда цивилизациялашув амалга ошди, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгарди. Ўзгардию, исиз йўқолиб кетмади. Ҳозирги жамият ёхуд унинг ижтимоий-маданий ҳодисаларида ҳам узоқ ўтмишнинг аниқ излари намоён бўлади. Уруғ жамоалари шулар сирасига кирди.

Бугунги дунёда ҳақиқий маънодаги уруғ-аймоққа бўлинган жамиятни топиш мушкул. Лекин у шакли ўзгарган, «янгиланган» ҳолда баъзан мавжуд бўлади. Айни вақтда мамлакатлар билан қондошлик, жумладан юртдошлик, ҳудудий яқинлик ришталари вужудга келди. У ёки бу жойдан чиққан, ўша ҳудуддан ташқарида, мамлакатнинг бошқа ерларида ўрнашиб қолган кишилар юртдошларига ёрдам берсалар, бунинг нимаси ёмон деган савол туғилиши ҳам мумкин.

Бу ҳодисалар яшовчанлиги ва ҳозирги шароитда улар мутасил ўз-ўзидан пайдо бўлиб туришининг сабаблари нимада ёки улар бизнинг минтақамиз шароитларида қандай намоён бўлмоқда?

Уруғ-аймоқчиликдан мақсад — ўз қариндошларини давлат ҳокимияти пиллапояларига мумкин қадар юқори кўтариш. Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги унинг аъзоларини бир жойда туғилганлигидир.

Яқинда Халқ депутатлари Наманган, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари кенгашининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз ана шу хавфлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Масалан, фермер ва деҳқон хўжалиқларига ерни ажратишда, ижарага беришда таниш-билишчилик. қарин-

дош-уруғчиликка, тамагирликка йўл қўйилган. Фарғона вилояти бўйича ҳокимлик идоралари, ширкат, хўжалик раҳбарлари ва бошқа амалдорлардан 39 нафари 1 минг 65 га ерни ўз яқинларига тақсимлаб берганлар. Сирдарё вилоятида ҳам бундай иллатлар кучайиб кетганлигини исботловчи далиллар мавжуд. Масалан, Боёвут тумани ҳокими қонунга зид равишда ўғлига 88 га ерни расмийлаштириб берган. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Шарипов ўз ўғлига 15 млн. сўмлик тракторни прицепи билан ҳеч қандай ҳужжатсиз бериб юборган¹.

3.2. Ватан равнақи ва юрт тинчлиги гояларининг жамиятдаги ўрни

Ватан — инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас замин, кишиларни камолот сари етакловчи, ҳаётига маъно-мазмун бахш этувчи табаррук маскан. У аждодлардан авлодларга қоладиган энг буюк, бебаҳо мерос, энг азиз хотира. Ватан — ота-боболаримизнинг хокипойлари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин.

Ватан — бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонадан бошланади деб бежизга айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгая бошлайди. У остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят ва мамлакат даражасига кўтарилади. Тушунча ва кечинмалар нуқтаи назаридан эса ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шакланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Ватани борнинг гурур-ифтихори юсак, мақсад-муддаолари аниқ бўлади. Тоғдек таянчи — Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доимо тайёр туради. Курраи замин, яъни Ер сайёраси бутун жумлаи жаҳонда яшаётган олти миллиарддан зиёд инсонлар учун Ватан ҳисобланса, ҳар бир халқ учун тақдиран ва тарихан ато этилган ҳудуд она Ватандир.

¹ Қаринг: *Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — 49-78-б.

Ватанни, ота-онани танламайдилар. Улар яратганнинг ўзи томонидан бериладиган улуг ва муқаддас неъматлар. Ватанимизни асраб-авайлаш, унинг сарҳадларини гуллатиш, яшнатиш ўз кўлимизда. Биз учун бундай имконият фақат истиқлол туфайли юзага келди. Барчамизнинг киндик қонимиз шу ота Макон тупроғига тўкилган, ҳаммамиз бир она – «Ўзбекистон кўксидан сут эмганмиз». Энди уни оқлашимиз, ана шу муқаддас юрт фарзанди эканлигимизни унутмаслигимиз даркор. Она сути орқали она Ватанга меҳр туғилади, у фарзандларини буюкликка, жасоратга етаклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билган сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади, у ўз тақдирини Ватан равнақи билан боғлиқ, деб билади»¹.

Ватан равнақи аввало фарзандлар камолига боғлиқ. Бу ҳар бир юртдошимизни ўз маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишига, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади ва ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади. Ватанпарварлик – кишининг туғилиб ўсган, камол топган жойи, замини, ўлкасига муҳаббати ҳамда муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларидир. Фидойилик – ватанпарварликнинг бош белгиси, унинг олий кўриниши эса жасоратдир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ватанпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири тadbиркорлик сифатида намоён бўлмоқда. Мустақил Ўзбекистонга мугеликдан ҳазри, мустақил фикрлайдиган, ишбилармон, тadbиркор, ватанпарвар шахслар даркор.

Тарих ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи ноҳид қуроқлардан бири. Ўтмишда оёқ Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун жонини фидо қилган Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби шахслар бўлганлиги фактини ушунга кишиларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди.

¹ Каримов И. А. Овд ва обод Ватан, орқали ва фаровон ҳаёт – индор юрт муқаддими. Т.К. - Т., 2000 – 50-б.

Демак, ватанпарварлик:

— ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан ғурурланиш;

— буюк аждодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб, келгуси авлодларга етказиш;

— аждодларнинг урф-одат, расм-русум ва удумларини, меросини ўрганиб, уларнинг қадриятга айланган қисмини давом эттириш;

— давлатимиз келажаги, истиқлолнинг барқарорлиги, келажакнинг буюклигини чин дилдан ҳис этиш, шундай келажакни барпо этишга астойдил кўмаклашиш каби фазилатлардан иборат.

Ватанпарварлик шахснинг чинакам эътиқодига айланмоғи учун билимнинг ўзи, яъни дунё ва илм сирларидан бохабарлик, қанчалик чуқур бўлмасин, барибир камлик қилади. Ватан ҳақида кўп гапирадиган, у қийин аҳволга тушиб қолганда эса чўчиб, иккиланиб, лоқайд ва бефарқ бўлиб, иродаси ва садоқати заифлашадиган кишилар Ватанга нолайиқлар.

Кўр-кўрона муҳаббат ҳам Ватан равнақига хизмат қилмайди, кутилган натижага олиб келмайди. Ватан ишқи шахснинг танқидий мулоҳаза юритиши, камчиликларни кўриб, уларни бартараф этиш, мамлакати, халқи, миллий қадриятларини такомиллаштириш йўлидаги ҳаракатига уйғун бўлиши лозим. Демак, Ватан равнақи, аввало унинг фарзандлари камоли билан чамбарчас боғлиқ. Буни чуқур англаган давлатимиз раҳбари бор кучи, ғайрати, имкониятларини комил инсон тарбиясига сафарбар этмоқда. Буни ҳар бир ватандошимиз, жумлаи жаҳон кўриб, билиб турибди.

Мозий ва бугун шундан далолат бермоқдаки, миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди. У юрт равнақини белгилаб берадиган тамойилларни ўзида акс эттирганига, куч-қудрат манбаига айланади. Ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган ёт ва бегона ғоялар эса ҳеч қачон бизнинг миллий ғояга айлана олмайди. Бундай ғоя қандай либосга ўралмасин, қандай ниқоб киймасин, донишманд халқимиз уларнинг найрангига учмайди.

«Ватан ва унинг равнақи» тушунчаси истиқлол йилларида алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Истибод давридаги ҳукмрон коммунистик мафкура бор кучини кишилар онгидаги «Ватан» тушунчасини бузиб, «Совет Ватани» деган сохта, мавҳум ғояни сингдиришга сарфлаган. Ҳатто «Ўзбекистон – Ватаниманим» ёки «Ўзбегим» дейиш миллатчилик сифатида баҳоланган ва минглаб ватандошларимиз қатағон домига тортилган.

Ҳозир у кунлар ўтмишга айланди ва биз Ватанимиз мустақил бўлган даврда яшамоқдамиз. Энди бу мустақилликни асраш, авайлаш ҳам ватанпарварликнинг намунасига айланмоқда. Ватанпарварлик миллатчилик эмас, балки умуминсоний туйғудир. Француз адиби Вольтер шундай деган эди: «Ватанга бўлган муҳаббат мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги бошқа халқларнинг ютуқлари билан шунчалик кўп бойитгим келади». Айни вақтда жамиятимизда талбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватанимизнинг равнақи учун асос бўлади.

Ижобий ўзгаришлар жараёнининг устувор хусусияти халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятидир. Бунда ана шу бунёдкорлик салоҳиятини тўла юзага чиқариш, иқтисодиётни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жаҳонда Форд, Рокфеллер, Дюпон, Крупн сингари удабурон, ғайратли кашфиётчи-талбиркорлар ўз номларини миллатлари ва Ватанлари тарихига абадий ёзиб қўйдилар. Мустақил Ўзбекистон равнақи ҳам ана шундай талбиркорларимизга боғлиқ. Давлатимиз жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллайдиган, рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришга қодир мутахассислар тарбияси учун бор кучини сарфламоқда ва бунга жавобан юртдошларимиздан бунёдкорлик фаолияти талаб қилинмоқда.

Хуллас, Ватан равнақи учун бор билими, кучи, салоҳиятини сарфлаш барча Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас бурчига айланмоғи даркор. Зеро ҳар биримизнинг бахтимиз, келажакимиз Ватан равнақи билан чамбарчас боғлиқ.

Юрт тинчлиги бебаҳо неъмат ва улуг саодат. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида аввало тинчлик-тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги барқарор тараққиёт гарови. Осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммо. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий муаммолари биринчи навбатда тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боис юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт гарови. Тинчликни сақлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган.

Босқинчилик ҳаракатлари, миллий, диний ва бошқа низолар оқибатида урушлар олиб борилиши минг йиллар мобайнида жамият тараққиётига тўсқинлик қилиб келди. Ўтган беш минг йилда инсоният 15мингдан ортиқ урушни бошидан кечирди. XX асрдаги иккита жаҳон урушида 60 миллион киши ҳалок бўлди. Афсуски, бу иллатдан инсоният ҳанузгача тўла қутулиш имконига эга бўлмапти. Уруш ва низо, беқарорлик ва бузғунчилик ғоялари, ҳар қандай ғоя сингари аввало баъзи инсонлар миясида пайдо бўлиб, маълум бир гуруҳлар онгига сингач, амалиётга ўтади. Худди шундай фашизм ҳам, дастлаб Муссолини ва Гитлер кабиларнинг онгида пайдо бўлган, сўнгра ўз оргидан одамларни эргаштириб не-не балоларга сабаб бўлган.

Ўзбек халқи осойишталикни жуда қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадлари рўёбга чиқишининг кафолати деб билди. Шу боис қарияларимиз дуога қўл очганларида даставвал яратгандан тинчлик-омонлик тилайдилар. Зеро, юртдошларимиз орасида ҳам «тинчлик бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин», деган тушунча кенг тарқалган.

Лекин тарих сабоқлари шундан далолат бермоқдаки, бундан инсониятнинг ўзи билангина узоққа бориш қийин. Юрт тинчлиги дунё ва минтақалар осойишталиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкўрлик муносабатларининг тобора чуқурлашиб бориши ҳозирги шароитда тинчликнинг муҳим омил сифатида катта аҳамият ва чуқур маъно касб этмоқда.

Халқаро майдонда рўй бераётган туб сиёсий ўзгаришлар ҳам тинчлик учун курашнинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Кўпчилик мамлакат халқларининг миллий истиқлоли, демократик эркинликларини асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиш йўлидаги ҳаракатлари ўз юртлари ва минтақаларидаги тинчлик ва барқарорликка боғлиқ эканлиги равшан. «Кўшнинг тинч — сен тинч» мақолининг туб маъносини дунё ҳам, биз ҳам янада теранроқ англамоқдамиз.

Кўҳна тарихга назар ташласак, айнан юрт тинч ва эл омонликда яшаган даврлардагина халқимизнинг моддий ва маънавий ютуқларга эришганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган қирқ йил мобайнида мамлакатда тинчлик-барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан ва маданият тараққий этган, бунёдкорлик ишлари ривожланган, кўҳна заминимиз гуллаб-яшнаган. Шу боис ўзбек шеърятининг қуёши Алишер Навоий Улуғбекни дунёдаги барча подшолардан устун қўяди:

Темурбек наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек.

Низолар, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик авж олган ёхуд Улуғбек замонидан кейинги даврларда юртдан файз-барака кетди, кўҳна Туркистон жаҳон цивилизациясидан анча орқада қолди. Инсонлар қалбини маърифат ўрнига жаҳолат забт этиб, одамлар нафсу ҳавога берилди, амалдорлар Ваган тақдирини эмас, ўзининг тор ва майда манфаатларини ўйлайдиган кимсаларга айланди. Оқибатда муқаддас она тупроғимиз босқинчи ғанимлар оёғи остида аёвсиз топталди, халқимиз босқинчилар қўлига қарам бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган дастлабки кундан бошлаб тинчлик-тотувликни ўз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини жумлаи жаҳонга эълон қилди. У ўз ҳудудида тинчлик ва барқарорликни сақлабгина қолмай, минтақамиздаги беқарор вазиятларни ҳал этишга ҳам улуш қўша бошлади. Айниқса унинг ўзаро ҳарбий можаролар туфайли дунёвий цивилизациядан батамом узилиб,

дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бирига, ўта хавфли таҳдид ва тажовуз манбаига айланиб қолган Афғонистон масаласини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифи ва ташаббуси билан Афғонистон муаммоси бўйича БМТ нинг «6+2» гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳнинг Тошкент декларацияси эса БМТ томонидан масалани ҳал этишнинг ягона варианты сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон Республикасининг тинчлик борасидаги сиёсати, минтақамиз ва жаҳондаги хавф-хатарлар ҳақидаги қарашлари Президент И.А.Каримовнинг асарларида, айниқса «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, юртбошимизнинг БМТнинг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида жуда аниқ ва батафсил баён қилинган.

1. Минтақавий можаролар. Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, бир давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди.

2. Диний экстремизм ва фундаментализмга хос айрим белги (фикр)лар:

- демократия исломга зид;
- ислом халифалигини қайта тиклаш керак;
- исломда муслималар ҳижобга ўралиши шарт;
- Наврўз байрамини тақиқлаш керак;
- исломда телевизор, видео кўриш мумкин эмас;
- исломда расм чизиш, ҳайкалтарошлик ман этилган;
- тасаввуф тариқатларига ихлос қўйиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президент И. А. Каримов тинчликнинг ҳаётимиз учун аҳамиятини қуйидагича таърифлайди: «Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, «Ассалому алайкум!» дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънони англатишини яхши биласизлар. «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Қуръони каримда 40 марта учрар экан. Бу муқалдас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: «Меҳри-

бон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида «тинчлик» сўзи айтилуру»¹³.

Ҳозирги мураккаб даврда турли хил молиявий ва мафкураравий манбалардан куч олиб турган, Афғонистон каби беқарор мамлакатларда ин қуриб олган халқаро террорчилик ва экстремизм марказлари миллионлаб тинч аҳолига, кўплаб давлатларга, жумладан юртимизга ҳам ҳарбий-мафкуравий тажовузлар қилишга уринмоқда. Уларнинг бизга қилган барча ёвуз ҳаракатлари чиппакка чиқди. Чунки бугунги Ўзбекистон ўзини ҳимоя қилиш қудратига эга. У энди ҳеч қачон душманга оёқости бўлмайди.

Биз кўпинча «юрт тинчлиги» иборасини эшитган чоғда, кўлида курол ушлаб Ватан сарҳадларини кўриқлаётган жангчини тасаввур қиламиз. Аслида мамлакатнинг ҳар бир фуқароси Ватан ҳимоячисидир. Ҳар биримиз ўз иш жойимизда, кўчада, мактабда Ватанни, унинг муқаддас қадриятларини, юрт тинчлигини ҳимоя қилишга даъват этилганмиз. Фидойи, миллатпарвар, садоқатли кишиларнинг ҳар бир иши, сўзи, амали, мақсади Ватан ҳимояси билан бевосита боғлиқ бўлади. Ватаннинг интеллектуал бойлиги бўлмиш ёш истеъдодларни асраб-авайлаш, уларга имкониятлар яратиш, уларнинг қалбини бидъат ва жаҳолатдан мусаффо сақлаш, уларни ёт ва зарарли гоёлардан ҳимоялаш ҳам юрт тинчлиги учун кураш демакдир.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва истиқлоли билан чамбарчас боғлиқ. Бировга қарам халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шу боис мамлакатимиз Конституциясида Ўзбекистон Республикасини ҳимоялаш, юрт тинчлиги учун курашиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи деб қайд этилган. Халқимизнинг тинч ва осойишта яшаши, буюк келажаги Ватан, юрт тақдири билан боғлиқ. Шунинг учун ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро юртим тинч — мен тинч, элим тўқ бўлса, мен ҳам тўқман; элимнинг бошига кулфат келса, менинг ҳам бошимга кулфат тушади, демак, юртим мен учун, мен эса юртим учун жавобгарман, ўзимни, ўз уйимни ўзим асрамоғим даркор, деган ҳақиқатни шиор қилиб олиши лозим.

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т., 1996. — 53-б.

3.3. Халқ фаровонлиги ва комил инсон гојларини ўрганишнинг аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Дунёдаги кўп мамлакатлар айнан шу йўл билан тараққий этиб, ўз халқининг фаровонлигини таъминлашда ўрناق бўлмоқда. Ўзбекистон ҳам худди шундай оқилона йўлни танлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, айнан инсон ва унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилишга мўлжалланган. Жамиятимизда амалга оширилаётган ҳар қандай янгиланиш ва ўзгаришларнинг моҳиятида ана шундай эзгу мақсад ётгани барчамизга ғайрат-шижоат бахш этади.

Собиқ шўро тузуми одамлар онгига барча фалокатларнинг сабаби хусусий мулк деган гојни сингдириб, сохта тенгликни қарор топтирмоқчи бўлган. Оқибатда ишцамаган одам ишлаган одамдан яхшироқ яшай бошлаган. Ҳатто совет кишининг ўзи ҳам давлат машинасининг мурватига айлантирилган эди. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизлик боқимандалик кайфиятини, ишлаб чиқаришдаги исрофгарчиликни, ташмачиликни кучайтирган. Афсуски, ўша даврдан мерос бўлиб келаётган «давлат бор, ҳаммани боқади» деган кайфият айрим кишилар онгида ҳанузгача яшаб келмоқда. Бугун ҳам маълум кишилар иш ахтариш, ўз аравасини ўзи тортиш, янги касб эгаллаш ўрнига турли идоралардан моддий ёрдам сўраш билан овора. Ҳолбуки, давлат ҳаммага текин мол улашадиган корхона эмас. Буни англаб етмаганлар «берсанг ейман, урсанг ўламан» қабалида лоқайдлик билан иш тутиб, ҳаракат қилиш ўрнига бир четда томошабин бўлиб турибди. Одатда мустабид тузумлар халқ фаровонлигидан, унинг бойиб кетишидан манфаатдор бўлмайди. Совет тузуми ҳам оммани сунъий равишда турмуш ташвишларига ботирган эди. Маълумки, кун кўриш машаққатидан боши чиқмаган халқ объектив нарсалар хусусида ўйлашга, фикрлашга имкон тополмай қолади. Шўролар шу тариқа ўзлари юритган сиёсатни танқид қилишга қодир ижтимоий-сиё-

сий оқимлар пайдо бўлишининг олдини олишга уринган. Лекин эски тузумнинг барча уринишлари бекор кетди. У охиروقибатда ўз-ўзини еб тугатди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ ягона давлат мулки ҳукмронлигини рад этиб, мулк шакллари хилма-хиллигига, жумладан хусусий мулкчиликка кенг йўл очди. Аини вақтда мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Мулксиз одам ўзига ҳам, ўзгага ҳам, жамиятга ҳам кўп фойда келтира олмайди. Энди қашшоқлик билан мақтаниш, уни пеш қилиб имтиёз сўраш замони ўтиб кетди. Аксинча, тадбиркорлар, мулкдорлар замони келди. Биз энди рақобатсиз ўсиш, юксалиш ва тараққиёт бўлмаслигини англаб етдик. Афсуски, тўрт мучаси бут, онгли, ақлли ва фаол одамнинг камбағал яшаши уят саналадиган даврда яшаётганини ҳали ҳамма ҳам англаб олгани йўқ.

Халқимизда «Беш қўл баробар эмас» деган нақл бор. Лекин собиқ тузум бунинкор этиб, барчани баробар қилиш шиори билан яшади. Бозор иқтисодиёти эса жамиятда маълум маънодаги табақаланишга олиб келиши табиий. Шу билан бирга, биз барпо этаётган жамиятда давлат халқнинг кескин табақаланиши ва ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик чоратадбирларини кўриб, бу борада ўзига хос кучли ижтимоий сиёсат юритмоқда. Аҳолининг энг кам ҳимояланган ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятининг кафолатидир. Ижтимоий ҳимоя чораларининг аҳолининг ҳаммасига эмас, балки ҳақиқатан муҳтож кишилар ва эҳтиёжманд қатламларга йўналтирилмоқда. Бу борада давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ҳам ишга солинмоқда. «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган нақл бежиз айтилмаган. Зеро, бу дунёда кўп нарса инсоннинг ўзига, унинг саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги кунда фаровон турмуш асоси — эркинлик, саломатлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик. Ушбу ҳақиқатни одамлар онгига сингдириш, барча аҳоли қатламларининг

ислоҳотлар моҳиятини англаб етишига ва унинг фаол ишти-
рокчисига айланишига эришмоғимиз даркор. Бу учун улар-
нинг дунёқарашини ва ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатини
тубдан ўзгартириш муҳим. Ўтган тузумда иқтисодийёт айрим
мутахассисларнинг иши бўлган эди, энди эса умумхалқ ва
умумжамият манфаатига дахлдор масала саналади. Бутун халқ
янги иқтисодий тафаккур билан қуролланмоқда. Бизнинг
мулкка, меҳнатга муносабатимиз тубдан ўзгара бошлади.
Миямизга сингиб қолган «давлат мулки» тушунчаси ёнига
бугун «хусусий мулк», «пайчилик жамиятлари», «ширкат»,
«фермер», «оила пудрати» каби тушунчалар қўшилди. Мам-
лакатимиз истиқлолга эришгач, ўта марказлашган ва якка-
ҳоқимлик асосида қурилган, ўзини оқламаган тизимга бар-
ҳам берилди. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги учун
конституциявий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит ва ка-
фолатлар яратилди. Мулкдорлар синфини шакллантириш,
уларнинг ҳуқуқини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш ва ка-
фолатлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни рағбатлантириш,
одамларда мулкка эгаллик ҳиссини тарбиялаш, кичик ва ўрта
корхоналарни изчил ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва
даромадларининг ортишида, ишсизлик муаммосини ечиш-
да катта аҳамият касб этмоқда. Бугун халқимизда мулкка эга-
лик ҳиссини шакллантириш, ўз кучига ишонч туйғуларини
камол топтириш ва кишиларнинг хўжалик юритишнинг за-
монавий усулларини ўзлаштиришларига эришиш миллий
ислоҳотларнинг энг устувор вазифаларидан биридир.

Маълумки, табиий бойликлар, ер ресурслари, мамлакат-
нинг иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжлари-
ни қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қоби-
лиятини рўёбга чиқаришнинг асосий омилларидир. Дунёдаги
кўпгина атоқли кишилар қозоқ ёзувчиси Абай эътироф этган
қуйидаги сўзларга тўла-тўқис қўшиладилар: «Ўзбеклар етиш-
тиролмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ.
Ер юзида ўзбек савдогарининг оёғи етмаган жой йўқ. Ўзбек-
лар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зеҳн, маҳор-
рат, абжирлик ва талбиркорлик — буларнинг ҳаммаси ўзбек-

ларга хос хусусиятдир». Дарҳақиқат, меҳнаткаш, миришкор ва ишнинг кўзини биладиган ўзбек халқи турмушини ўз қўли билан фаровон қилишга қодир. Ҳар бир инсон, оила бадавлат бўлса, жамият ҳамда давлат кучли ва қудратли бўлади, деган ҳақиқатга асосланган бугунги иқтисодий ислоҳотларимиз яқин келажакда албатта ўз мевасини беради.

Комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлиб, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, кишиларни ҳаммаша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг маънавий ҳаётни соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ҳам мозийнинг кўп асрлик сабоқларига ва жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг бир кўриниши. Миллий ўзликни англаш жамиятимиз ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Бу эса шахснинг, халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқ. Миллий ўзликни, ўз манфаатларини, ўз мамлакати истиқболини чуқур англаган инсон ва халқ кўпроқ ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган.

Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқ ёки миллатнинг келажакга йўқ. Улар таназзулга маҳкум.

Жамият тараққиётидаги юксалишлар, тараққиёт имкониятлари, комил инсоннинг шаклланиши муайян маънавий муҳит ва имкониятлар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда ижтимоий турғунлик ҳолатлари, иқтисодий, сиёсий инқирозлар маънавий буҳрон туфайли юзага келади. Шу боис жамият тараққиётидаги тушкунлик ва юксалишлар сабабини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омиллар билан бир қаторда кишиларнинг онги, эътиқоди, дунёқараши, комиллик даражасидан ҳам излаш керак.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири — ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш. Комил инсон эса озод шахс, эркин фикрловчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса, айниқса ёш авлодга тегишли»¹.

Комиллик — меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тadbиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатлар мажмуидир.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзу-си ҳамда миллат маънавиятининг узвий қисми бўлиб келган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсонни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил одамлар шахри аҳолиси ҳақидаги фикрларини илгари сураётган, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблаган.

Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билим билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам юксак маъно-мазмун касб этган. Одоблилик фақат бошқаларни эмас, ўзини ҳам ҳурмат қилиш дегани. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга кўра, инсоннинг комиллиги аввало унинг ахлоқий етуклигида, ажодлар меросини чуқур ўрганиб, уни бойитиш ва каттаю кичикка эҳтиром кўрсатиш борасидаги ҳаракатларида кўзга ташланади. Комиллик даражасини ҳар ким ўзича белгилай олмайди. У шахснинг ўзидан кўра бошқаларга яхшироқ маълум бўлади. Комил инсон — қуллик, мутелик ва боқимандалиқдан батамом халос бўлган шахс. Чунки инсон бировга қулдек эргашса, демак ижтимоий жиҳатдан у

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. — Т., 1996. — 224-б.

ҳеч нарсага эришмаган бўлади. Комил инсон ўз маслаги, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ордидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади.

Халқимизнинг қадим-қадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор. Юртга муҳаббат, она Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиш, ёлғон гапирмаслик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш шулар жумласидандир. Булар халқимизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маънавияти ва менталитетига сингиб кетган. Бундай ўйлаб қаралса, аждодларимизнинг юқоридаги талабларида жамият ва инсон учун энг зарур фазилатлар айтиб ўтилгани аён бўлади. Оққан дарё оқаверади деганларидек, эътиқоди мустаҳкам улуғ аждодларнинг авлодлари бу хусусиятларни ўзида жамулжам қилган муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар. Шу боис Ватанимиз ёш авлод ва уни тарбиялашга бор куч-имкониятини сарфламоқда.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўп. Масалан, Алпомиш халқимизнинг идеал қаҳрамони. У ақл, фаҳм-фаросат, жисмоний камолот, мардлик ва ватанпарварликнинг бадиий тимсоли. Ҳазрат Навоий учун идеал — Фарҳод образи. У ақлий ва жисмоний камолот эгаси. Фарҳод Нақшбандийнинг «Дил ба ёру, даст ба қор» тамойилини ўзида мужассам этган шахс. Ойбекнинг «Навоий» романида эса Навоий — идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсон.

Ҳозирги кунда Ватан ижодкорлар зиммасига ёшларга ибрат бўладиган янги баркамол инсонлар, замонавий қаҳрамонлар тимсолини яратиш вазифасини юкламоқда. Мустақил юртимизнинг олий мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни баркамол, эзгу ғояларни ҳаётий эътиқодига айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда. Ватанимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олгани, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор мақсадни амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардир.

3.4. Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик (толерантлик) ғояларининг Ўзбекистонда амалга ошаётганлиги

Ижтимоий ҳамкорлик — муроса фалсафаси. У хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик-тотувлик ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. Албатта, бундай даражага эришиш осон эмас. Турли ғояларни байроқ қилиб олган кучларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш ғоят мушкул. Лекин Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги мақсадга эришишни тақозо этади.

Қарашлар ранг-баранглиги, фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва фикрлар эркинлиги жамиятни соғломлаштирувчи ва мустаҳкамловчи ўта муҳим омиллар. Бироқ бу хаёлга келган гапни айтиш, кўнгил тусогаган ишни қилиш, ўз манфаати учун ҳамма нарсага тайёр туриш дегани эмас. Бундан ташқари, эркин фикр албатта тўғри дегани ҳам эмас. Эркинликнинг ўзи эса англаб олинган заруратдир. Демак, фикр эркинлиги умумманфаат, умумжамият тараққиёти йўлидаги соғлом ҳаракат, соғлом фикр юритиш, иймон-эътиқод юзасидан иш тутишдир. Улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий: «Агар фикрлари ва ҳаракатлари жамият манфаатларига хизмат қилмайдиган бўлса, мамлакатни бундай кишилардан тозалаш керак», — деб бежизга айтмаган. Минг йиллар мобайнида миллий давлатчилигимиз тарихий тажрибаларида синовдан ўтган бундай хулосалар ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Улар бугунги ва эртанги кунимиз учун ҳам албатта хизмат қилади.

Шўролар даврида якка ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура синфийлик ва партиявийлик шиори остида оламни фақат оқ-қора бўёқларда тасвирлашга, миллатни иккига бўлиб ташлашга сабаб бўлди. «Ёт синфлар», уларнинг «думлари», уларга «хайрихоҳлар» жисмонан йўқ қилинди. Бунинг сабаби **шўролар** мафкурасида синфий манфаатлар, ягона партия талаблари умуминсоний ғоялардан устун қўйилганида эди.

Жамият тараққиётида омма фикрини бир нуқтага жамлаб, унинг имкониятларини бир ўзанга солиб, умумий та-

раққиёт йўлига бошлаш жуда муҳим. Ўзбекистон истиқдолга эришгач Президент И.А.Каримов раҳбарлигида яқин ўтмишда кенг тарқалган иллатларга барҳам берилди. Ижтимоий-сиёсий муҳитни пароканда қиладиган ва одамлар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга чек қўйилди. Бунда энг аввало ўзимизга душман қидириш, жамиятни бўлиб юборишга йўл қўйилмади. Бизда бу – партократ, ана униси – коммунист, буниси – диндор ёхуд даҳрий деб ўзаро маломатлар ёғдириш оқибатида тўқнашувлар йўлидан борилмади. Аксинча, ўтмишдаги хатоликлар учун ҳам, халқимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳам барчамиз бирдек жавобгар эканлигимизни, муаммоларни фақат ҳамжиҳат бўлиб бартараф эта олиш мумкинлигини тўғри тушундик. Шу боис мамлакат ва халқ манфаати йўлида бирлашиш, кучларни уйғунлаштириш, эҳтиросларга берилмай, барча имкониятлардан ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тutilди. Оғир-вазминлик, мулоҳазакорлик, собитқадамлик, андиша, узоқни кўзлаб иш тутиш доимий ҳаракат тамойилига айланди.

Бугун мустақил Ўзбекистон ижтимоий плюрализм, ҳаётни эркинлаштириш, мулкнинг турли шакллари тенг ҳуқуқчилигини ҳуқуқий кафолатлаш йўлидан бормоқда. Бундай жамиятда эса турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар, синфлар бўлиши муқаррар. Уларнинг ўз иқтисодий ва сиёсий манфаатлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилиши ҳам табиий. Аммо бу ҳолат миллатни бўлиб юбормаслиги лозим. Ватанимизда олиб борилаётган сиёсат шунини турли инқилобий кескинликларсиз, ижтимоий адоватни авж олдирмасдан қарор топтириш имконини бериб, ҳамкорлик ва тинч-тотувлик учун шароит туғдирмоқда. Ижтимоий ҳамкорлик жамиятдаги барча кишилар, партиялар, тоифалар бир хил фикр юритсин дегани эмас. Аслида ҳар бир ижтимоий кучнинг дунёқараши, манфаатлари турлича бўлади, лекин умумий йўналиш ягона Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлиб қолишига эришиш ниҳоятда муҳим.

Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоялашга бел боғлаган, муайян дастурни эълон қилган партия ва жамоат ташкилотлари ўз фаолияти доирасидагина аъзолари манфаатини

ҳимоя қилиши мумкин, холос. Бироқ умумий манфаат — халқ, жамият, Ватан манфаати сингари энг олий қадриятлар борки, барча сиёсий партиялар, ғоялар ва мафкуралар ана шу умумий асосларда бирлашади. Жамият кимнинг қандай партия ёки ҳаракатга мансуб бўлганига қараб эмас, балки эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида қилаётган амалий ишларига қараб баҳо беради.

Миллий истиқлолимизнинг ижтимоий ҳамкорлик ғояси жамиятни сунъий равишда бўладиган ёки турли қарама-қаршиликларни мутлақлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, турли партия ва дин қатламига мансуб хилма-хил жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-барангликни уйғунлаштиради ва умумий тараққиёт манфаатига бўйсундиришга хизмат қилади. Хўш, бу қандай шаклларда амалга оширилади?

Биринчидан, жамиятнинг энг устувор мақсад ва манфаатларини ўзида мужассам этадиган илғор ғоялар миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Иккинчидан, жамиятдаги ҳар бир ижтимоий тоифа ёки гуруҳ ўзининг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини ана шу устувор ғоялар билан уйғунлаштириши миллий тараққиётнинг заруратига айланади. Учинчидан, ҳар бир шахс ижтимоий мавқеи, дунёқараши ва этиқодидан қатъи назар, жамиятнинг устувор мақсад ва манфаатларини акс эттирадиган миллий ғояларнинг амалга ошиши учун ўзини масъул деб билиши бу жараённинг асосий тамойили ҳисобланади.

Аҳолининг турли қатламлари орасидаги ижобий муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви барқарорликнинг бузилиши, ижтимоий беқарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ва миллий парокандаликларни келтириб чиқаради. Бундай ҳол халқ тилида «қош қўяман деб, кўз чиқариш» дейилади. Беқарорлик ўчоғига мой қуйганлар «ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади» қабилда иш тутадилар. Улар ўзгаларни ёндириб, ўзлари ҳам кулга айланадилар. Бу оддий ҳақиқатни барчамиз теран англаб етмоғимиз, бундайлардан огоҳ бўлмоғимиз лозим.

Ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳаммининг, биринчи гада давлат ва жамоат ташкилотлар ҳамда жамиятнинг илғор вакиллари бўлмиш зиёлилар зиммасига катта масъулият юклайди. Барчамиз Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий ҳамкорлик муҳитига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоғимиз даркор. Чунки шу азиз Ватан барчамизники. Ундаги ғам-ташвиш, ютуқ, камчилик ва муваффақиятлар ҳаммамизга тегишли.

Миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият. У турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бугун Ер юзида бмиллиарддан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида эса 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамокда. Ҳар бир миллат яратганнинг мўъжизасидир. Жаҳон динларининг муқаддас китобларида қайд этилишича, Оллоҳ аслида инсонни бир ота-онадан яратган. Бироқ у одамларни бир-бири билан мулоқот қилиш ва танишишлари учун миллатларга ажратган. Давлатлар бу борада кўпмиллатли (полиэтник) ва бирмиллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, бири биридан ўзига хослиги билан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакиллариининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши ёки уйғун бўлиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқ. Халқимизнинг «Кўшнинг тинч — сен тинч» деган мақолида айнан шу ҳақиқат назарда тутилган. Бутун дунёда, айниқса қўшни

мамлакатларда яшаётган этнослар орасида тинчлик, озо-йишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди.

Таъкидлаш лозимки, бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, уларнинг ривожини таъминлаш жуда мураккаб масала. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ғоя ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Шу боис мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда.

Президент И.А.Каримов Ўзбекистоннинг бу борадаги ўзига хос сиёсатини баён этиб, таъкидлаганларидек, Республика аҳолиси ўртасида кўпчиликни ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммоларнинг туғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда аҳамият касб этади.

Бир неча минг йиллик тарихимиз гувоҳлик берадаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу борадаги анъаналар авлоддан авлодга авайлаб ўтказиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик ғояси илгари сурилгани ва амалда бунга эришилгани Ўзбекистон ри-

вожида қўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Мамлакатимиз раҳбарияти миллий масалани оқилона, халқаро тамойилларга мос йўл билан ҳал этиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш чора-тадбирларини кўрди. Бу борада конституциявий талаблар асосида иш тутилди. Юртимизнинг кўпмиллатли халқи онгида «Ўзбекистон — ягона Ватан» деган ғоя асосида ҳақиқий ватандошлик туйғусини шакллантириш бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб аниқ белгилаб қўйилган. «Ўзбекистон халқи» тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос саналади. Бундан ташқари Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб таъкидланган. Бу борада кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Байналмилал маданият маркази» ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўшанда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган мазкур жамоат ташкилоти айна вақтда 100 дан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, олий ўқув юрглари ва мактабларда бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрланаётгани ва шу каби бошқа ишлар ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Қаерда миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади. Улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Ҳозирги кунда айрим минтақаларда содир бўлаётган миллий низолат шундан далолат бериб турибди.

Миллатлараро тотувлик ғоясини амалга оширишга ғов бўладиган энг хатарли тўсиқ тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай иллат ва зарарли ғоянинг тузоғига тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутади. Бунга узоқ ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, фашизм ғояси XX асрда инсоният бошига аввалги барча асрлардагидан кўра кўпроқ кулфат, офат ва балолар ёғдириб, охир-оқибатда ўзи ҳам ҳалокатга учради. Лекин ҳанузгача фашизм, большевизм, шовинизм, ирқчилик ғояларини тирилтириб, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ғоясига қарши «салиб юриши» уюштиришга уринаётган кучлар борлиги барчамизни ҳушёр торттириши лозим.

Ғақат миллатлараро тотувлик ғоясига таяниб, умумий мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигидек олижаноб мақсадларга эришиш мумкин.

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниетлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда акс эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бири. У дастлаб инсон ҳаётининг ибтидоий даврида вужудга келган ва ўша замонда яшаган инсонларнинг дунёқарашини ҳам акс эттирган. Дин – дунё, инсон ва бошқа мавжудотларнинг яралиши ҳамда келиб чиқиши, ҳаётнинг маъно-мазмунни, инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади қаби масалаларга илоҳий нуқтаи назардан жавоб берувчи дунёқараш шакли. У ҳозир ҳам ушбу вазифани адо этиб келмоқда. Дин диний дунёқараш ва маросимларни, шунингдек диний туйғуни ўз ичига олади. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ қаби) турларини ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўз таъсирини ўтказган. Қадим-қадимдан аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келган. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг шарофатидандир. Президент Ислом Каримовнинг сўзлари билан ифодалаганда, «дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кет-

ганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди»¹.

Диний эътиқодларнинг моҳияти умумий эканига қарамасдан, динларнинг кўриниши хилма-хилдир. Дунёда жуда содда, қадимий динлар билан бир қаторда умумбашарият аҳамиятига молик, мураккаб жаҳон динлари ҳам мавжуд. Улар тарихий заруратга қараб турли даврларда вужудга келган.

Мавжуд динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Жаҳондаги барча йирик динлар бу дунёни фоний, ўткинчи деб ҳисоблайди. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш, жаннат саодатига сазовор бўлиш деган ғояни тарғиб этади. Барча динларда инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни ҳамда кишилар ўртасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни тенглик ва адолат мезонлари асосида ўрнатиш масаласи озми-кўпми ўз аксини топган. Шу боис ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар, аввало динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини чуқур билишлари лозим. Шундагина гаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучлар уларни йўлдан чалғитолмайди.

Ватанимиз ҳудудида ислом дини қарор топганига қадар зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, христианлик, маздакийлик, шомонийлик сингари динлар мавжуд бўлган ва барчасининг синтези натижасида бетақрор маданият вужудга келган. Зардуштийлик таълимоти бўйича эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий курашда оралиқ йўл йўқ, шунинг учун ҳар бир одам бу курашнинг муайян томонида иштирок этишга мажбур. Зардуштийликнинг уч таянчи бўлиб, улар фикрлар софлиги, сўз собитлиги, амалларнинг инсонийлигидан иборат. Бу жиҳатлар зардуштийликда эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш тарзида ифодаланган.

Конфуцийлик таълимотига кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки ода-

¹ Қаримов И. А. Ёз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – 351-б.

мийлик, адолатпарварлик, ҳақиқатпарварлик, самимийлик каби юксак фазилатлар воситасида юксак камолотга эришишлари мумкин. Индуийлик фалсафасига кўра, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик қилса, оқибатсиз қолмайди, бунинг учун албатта жазо олади. «Беш қўл баробар эмас» мақолида ифодаланган ҳақиқат ҳам бу динда ўз ифодасини топган.

Ҳозирги замонда динлараро бағрикенглик ғояси нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади. У тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Азал-азалдан юртимизда ислом, насронийлик, иудавийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида ҳам улар орасида диний можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўплаганидан далолат беради.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмоқда. Қурилаётган жамиятнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва буни халқимиз қўллаб-қувватламоқда. Давлат қонуний асосда барча дин ва эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратган. Диний ташкилотлар билан муносабатларнинг қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминламоқда. Айни вақтда диний ташкилотлардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган тўғри йўлдир.

Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий кадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Тошкентда ўтказилган «Жаҳон динлари тинчлик йўлида» халқаро анжумани бунинг амалий исботидир.

Ҳозирги кунда юртимизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фао-

лиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга ошириш учун мустақкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1. «Ватанпарварлик» туйғусининг моҳиятини тушунтиринг.*
- 2. «Ватан равнақи» ва «юрт тинчлиги» тушунчаларнинг моҳиятини изоҳланг.*
- 3. Юрт фаровонлигига эришишда тинчликнинг қандай аҳамияти бор?*
- 4. «Комил инсон» тушунчасига изоҳ беринг.*
- 5. Ўзбекистонда «Баркамол авлод» дастурининг амалга оширилишидан кўзланган мақсад нима?*
- 6. «Диний бағрикенглик» тушунчасининг асосий моҳияти ҳақида маълумот беринг.*
- 7. «Ҳамкорлик», «ҳамжиҳатлик», «бағрикенглик» тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида нималарни биласиз?*

4-мавзу
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ
ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН
БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАР

- *«Маънавий хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти*
- *Тасаввуф таълимотидаги ғоялар*
- *Ўзбекистонда халқаро терроризм ва диний экстремизм-га қарши кураш*
- *Республикамизда давлат ва диний сиёсат масалалари*

4.1. «Маънавий хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти

Бўйсундирилаётган ёки босиб олинган мамлакат халқларининг маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш бузғунчи ғояларни тарғиб қилаётганлар учун ўзларига маъқул тартибларни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашга хизмат қилувчи азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий усуллардан биридир. Бузғунчи ғояларни тарғиб этаётган гуруҳлар ёки мамлакатлар итоат эттирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юбориш учун ўз мафкураси ва ғояларини мажбуран жорий этиш, уларнинг маданиятига шикаст етказиш ҳамда миллий тили, урф-одат ва қадриятлари ривожига йўл қўймасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил олдин ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: «Хоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий буҳронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилиқ кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди»¹. Маданият ва маънавиятни барбод этиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эт-

¹ Гусенов А. А. Великие моралисты. — М., 1995. — С.36.

тирилган халқни жоловда ушлаб туришнинг энг зарур ва нозик йўлларидан бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан режалаштириб қўйишади. Маънавий хавфсизликни таъминлаш жараёни ҳам айнан шу пайтда ўз аҳамиятига эга бўлади. Хўш, маънавий хавфсизликнинг ўзи нима? Маънавий хавфсизлик — мамлакатда яшаётган халқларнинг миллий тили, урф-одати ва қадриятларига эга бўлиши.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, одамлар ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб кетади. Ундай ўлкада ёки мамлакатда омманинг оломонлашуви, сиёсий манқуртлик, бепарволик бошланади. Охир-оқибатда миллий гурур, ифтихор, миллий қадриятлар аста-секин заифлаша бошлайди. Ана шунда ўлкани, мамлакатни, унинг халқини мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, итоаткор қулга айлантириш мумкин бўлади.

Чингизхон ҳам Ўрта Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва кўкларга кўтариб мақташни, маҳаллий халқларнинг ақлли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилишни буюрар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Табиийки, ўз маданиятидан ёхуд обрў-эътиборли ва доно вакилларидан жудо бўлган халқ маънавий раҳнамосиз қолиб, уюша олмайди.

Тарих шундан гувоҳлик берадики, ҳар доим ва ҳамма ерда босқинчи ҳукмдорлар ўзлари босиб олган мамлакатлар ҳудудларида Хитой донишманди ва Чингизхон айтган тарзда сиёсат юргизганлар. Бундан Ўрта Осиё ҳам мустасно эмас.

Маънавият ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истиқболини тушуниб етишига ёрдам беради, Ватанни севиш ва у билан фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши муросасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди.

Маънавият ёа маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни

ўзига эп кўради. Масалан, чор Россиясининг Туркистонга нисбатан сиёсати мисолида бунни кўриш мумкин. Чор Россияси амалдорлари миллий маънавий хавфсизликни яхши англаган ҳолда Туркистон халқларини маънавият, маърифат ва маданиятдан бебаҳра қолдириш масаласига алоҳида аҳамият бердилар, бу йўлда ҳеч тап тортмай инсофу диёнатни, раҳм-шафқатни бутунлай унутдилар.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни поймол этиш, миллий қадриятларни топташ ва буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди. Чоризм бу ўлкада саводсизлик, билимсизлик ҳолатини вужудга келтириш ва уни мустақкамлашдан кўпроқ манфаатдор эди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини Шарқда ваҳшийлик ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М. Д. Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиягини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди»¹, — деб «башорат» қилган эди. Унинг ана шу «доно» кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар учун асос бўлди. Чоризмнинг мақсади ғафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан беҳабар, онги паст, миллий гурури топталган халқни талаш ва эзишдан иборат эди.

Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини фош этган, халқни эрк ва озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий қадриятларимизни кўллаб-қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг «Туркистонда руслар» рисоласида: «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир... Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ишончли қоровуллари бўлгон эски Русия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими? Мана шу саволга «йўқ»дан бошқа бир жавобимиз йўқдир. Юртимиз эллик бир йил идораи аскарый остида турғони учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик,

¹ Туленов Ж., Фафуров З. Мустақиллик ва миллий гикланиш. — Т., 1996, — 138-б.

уларнинг ижтимоий ва иқтисодий фикрларидан истифода қилолмадик. Бизнинг кўзларимизни очирмаслик фикри учун фикри очиқ татар қариндошларимизнинг даҳи Туркистондан ер олмоқ ва Туркистонда мактаб очмоқлари ман этилди».

Ўзбекистонда ҳам албатта маданий-маърифий тараққиёт бўлди. Табиий ва ижтимоий фанлар анчагина ривожланди. Миллий зиёлилар сафи кенгайди. Иқтисодда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлди. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Лекин Ўзбекистон мустақиллигига қадар бўлган етмиш тўрт йил ичида маданий-маърифий тараққиётимиз имкониятларидан тўла фойдалана олмадик.

Мустабид тузум сиёсати талаби ва зўравонлиги асосида маънавиятимизнинг муҳим қирраси — имло кетма-кет уч марта ўзгартирилди. 1929 йилда араб алифбосидан лотинга ўтилди. Орадан ўн икки йил ўтгач, кирилл алифбоси қабул қилинди. Шу тариқа халқимиз ўзининг 1000-1200 йиллик қўҳна тарихи, ўтмиши ва маънавий меросидан маҳрум бўлди. Ота-боболаримиздан қолган китоблар асосан араб ва форс тилларида ёзилган. Имлонинг ўзгартирилиши натижасида ўша китобларни ўқий олмайдиган бўлиб қолдик. Яқин ўтмишимизнинг риёкор сиёсати натижасида мўғул босқини келтирган йўқотишдан ҳам каттароқ маънавий фалокатга учрадик. Бу тарихимиз, маданиятимиз ҳамда миллий маънавий меросимизни йўқотишнинг янгича усули эди.

Ўтмишда топталган, таҳқирланган маънавий ва маърифий меросимизга мустақиллик йилларида муносабат тубдан ўзгарди. Миллий маънавий меросимиз қайта тикланиб, халқимиз қалбида чуқур илдиз отмоқда. Мустақиллик туфайли бу борада амалга оширилган кўплаб ижобий ишларимиз олдинги мавзуларда ёритилганлигини ҳисобга олиб, мазкур маърузада ушбу масалага қайта тўхталмадик.

4.2. Тасаввуф таълимотидаги ғоялар

Шарқ халқларининг тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маърифатимизга чуқур таъсир ўтказган тасаввуф (сўфизм) таълимоти VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик (таркидунёчилик — бу дунё-

нинг ҳою ҳавасидан воз кечиш) ҳаракати кўринишида бўлиб, Бағдод, Басра, Куфа ва Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилган.

Аслида тасаввуф «сўфий» сўзидан, «сўфий» эса арабча «сўф» сўзидан ясалган. Сўф деб араблар жундан бўлган матони айтадилар. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутганлар бошқа оддий кишилардан ажралиб туриш учун жундан тикилган чакмон (ҳирқа) ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрвчилар, яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ва ғарибона турмуш кечириши, доимий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга кўшилишни мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қилади. Сўфий учун на бу дунёдан, на охиратдан тама бўлмаслиги керак. Ягона истак — Оллоҳнинг дийдорига етишиш. Фақирлик туйғусига эга инсон на бировга бандию, на бировга хожа. У ёлғиз Оллоҳга банда, фақатгина унга эҳтиёж сезади. Ҳамма нарсадан кечиш, охир-оқибатда ўзликдан воз кечиш — сўфийлик таълимотининг маъноси. Буюк сўфий Боязид Бистомий дейдиларки: «Ўзингдан ўтдинг, Оллоҳга етдинг». Ҳазрат хожа Баҳоуддин айтадиларки: «Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша «ҳеч нарса» кетидан югуриб ҳам ташвишда ҳам эмасмиз. Эгнимизда жанда, орқамизда гўристон. Агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас».

Тасаввуф — сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади. Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар ҳамда розолат дунёсига ҳирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс тамасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало жисм ва нафс эҳтиёжи ва тамасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсга кул қилиб қўяди. Дарвешлар ва сўфийлар нафсни рад этишади. Нафс барча фалокатларнинг сабабчиси, инсонни тубанлаштирувчи нарса. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийликда бунга дунё

моҳияти, ўзликни ва инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва бойликлар ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: «Ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир».

Демак, тасаввуф — инсон ҳақидаги, унинг қалбига сайқал берувчи илм. Биз ушбу илмдан етмиш йил давомида беҳабар эдик. Инчунин, биз неча замонлар инсондан беҳабар қолдик ва қалбимиздан файз кетди. Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Ифтихор билан қайд этиш лозимки, тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизмати беқиёс бўлган. Ал Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий, Хожа Абдуҳолиқ Фиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбандий каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳнамолари бўлдилар. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий-ахлоқий ғоялар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Чунончи, Аҳмад Яссавий ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиришда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги энг катта кураш — нафсни таслим этиш, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, нафсга мағлуб шоҳ — кул, нафсдан устунликка эришган ғариб шоҳдир. Нафс инсон учун катта ёв. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг гурури ва инсоний қадрқимматини ҳеч ким поймол қила олмайди.

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Ётса-турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур....

Аҳмад Яссавий яна нафс бандаларига қарата: «Нафсни тебгил, нафсни тебгил эй бадкирдор», — деб мурожаат этади ва:

«Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,
Термултириб халойиққа зор айлади»,

— деб нафс бандаларини танқид этади. Нафс инсондаги бутунликни, иймонни синдиради, маънавий жиҳатдан жарликка қулатади. Шу боис буюк аллома: «Нафсни тийиб меҳнат этса роҳат», — деб хитоб қилади. Бундай гоёлар ҳозирги кунимиз ҳамда тарбиямиз учун гоёат муҳим.

Мовароуннаҳр тасаввуф таълимотида Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам қайд этишимиз лозим. Нақшбандия таълимоти ҳайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий маъно ва моҳиятга, ҳаётий мазмунга эга.

Нақшбандия таълимотида хур фикрликка кенг ўрин берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшиликни раво кўриш каби фазилатларни афзал билганлар.

Баҳоуддин Нақшбандий: «Айбсиз одамнинг ўзи йўқ. Агар айбсиз дўст ахтарсак дўстсиз қоламиз», — деганлар. Бундан ташқари, одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, шам каби бўлгин ва одамларга ёруғлик бер, ўзинг эса қоронғуда бўл, деган эканлар.

Хожа Баҳоуддиннинг «Кўнглинг Оллоҳда, қўлинг эса меҳнатда бўлсин» каби бир қанча ҳикматларининг инсон маънавий дунёси таком依лидаги аҳамияти беқиёсдир.

Тасаввуф тариқатлари ҳақида гап кетганда, Нажмиддин Кубро асос солган Кубровия тўғрисида ҳам тўхтаб ўтиш ўринли бўлади. Нажмиддин Кубро сиймосида фақат тариқат йўлбошчисини эмас, балки ўз Ватани ва халқини дилдан севган инсонни ҳам кўриш мумкин. 1221 йилда босқинчи мўғул галалари қадами Хоразмга етиб боради. Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакатни, фуқароларни ўз ҳолига ташлаб қочади. Шу қалтис дамларда Урганчни ҳимоя қилишга 76 ёшли Нажмиддин Кубро бошчилик қилади ва жангда қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Унинг сиймоси халқ қаҳрамони сифатида асрлар оша яшаб келмоқда.

Нажмиддин Кубро асос солган Кубровия тариқатининг қоидалари ўнта. Уларда ушбу тариқат йўлини тутган сўфийнинг ички маънавий дунёси қандай бўлиши кўрсатилган.

Жумладан, инсоннинг сабр-тоқатли бўлиши, бойлик ва мол-мулкка муккасидан кетмаслик, ҳар қандай пастқашлик, риё, макр ва ҳийла-найрангга бормаслик ҳамда шаҳвоний ҳирсларга берилмаслик ғоялари илгари сурилади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф — инсон ҳақидаги илм. У инсон одоби, яъни маънавиятини янада кучайтирган бутун ислом ахлоқининг энг муҳим қадриятларини бир нуқтага жамлади. Шу тариқа тасаввуф комил инсон назарияси ва амалиётини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент Ислом университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармони ва унга шарҳда таъкидланганидек, ислом оммалашуви ва ривож сифатида вужудга келган тасаввуф ҳам Ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларини вужудга келтирдик, улар бутун ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида маънавий, маданий ривожланишида муҳим роль ўйнади.

4.3. Ўзбекистонда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш

XXI аср бошига келиб терроризм ва диний экстремизм кабиларнинг инсониятга таҳдиди авж олди. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатларга қарши жаҳон ҳамжамиятининг мурасасиз курашини Ўзбекистон тўла ва ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди. Чунончи, терроризм муаммолари билан шуғулланувчи экспертларнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда жаҳонда юзга яқин катта-кичик террорчилик ташкилотлари мавжуд. Улар кўпуровчилик ҳаракатларини содир этишга тайёргарлик кўришда молиявий таъминлаш ва маълумотлар алмашиш учун ўзаро алоқа боғлаб турадилар. Агар уларнинг майда гуруҳларини ҳам ҳисоблайдиган бўлсак, турли йўналишдаги бундай кичик гуруҳлар беш мингга яқинлашиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, терроризмга қарши курашда фақатгина бегуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатнинг олдини олиб бўлмаслигини англаш зарур. Президентимиз айтганидек, ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авва-

ламбор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор.

Ҳозирги замон терроризми ва диний экстремизмнинг ниҳоятда катта молиявий манбаларга эга эканлиги кейинги йилларда амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари натижасида тобора равшан бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Шанхай Ҳамкорлик Кенгашининг саммитида сўзлаган нутқида бу масала хусусида тўхталар экан, агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро терроризмнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, унинг молиявий таянчи бўлишини таъкидлади. Бунга қўшни Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятлар яққол мисол бўла олади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий беқарор шароитда терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси ўртасида ўзаро алоқалар вужудга келади.

Ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафқурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг биринчи навбатда ёшлар онгини захарлаб, ўсмирларни манқуртга айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабиҳ кучларнинг иллизини қирқиб ташлаш ҳамда уларга қарши кескин кураш олиб бориш керак.

Жамиятда дин ва диний тасаввурлар билан бирга дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам ёнма-ён яшаб келган. Демак, ҳаётнинг мазмунини тушунишга турлича, яъни диний ёки дунёвий ёндашувлар мавжуд бўлган. Аммо бугун ислом динининг ичида кескин қарама-қаршилиқлар мавжуд. Ислом динини ниқоб қилиб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган «Ал-Қоида» ёки «Ҳизб-уг-тахрир» каби жангари, энг ашаддий мугаассиб кучларга қарши курашишда бор куч ва салоҳиятни ишга солиб, маърифатли ислом динини тарғиб қилиш орқали ҳам муваффақиятга эришиш мумкин. Бунинг учун эса биринчи навбатда ҳар бир ватандошимиз, аynиқса ёшлар нафақат ислом дини ҳақида, балки дунёдаги мавжуд барча динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида

ҳам тасаввурга эга бўлишлари лозим. Улар дин билан дунёвий давлатнинг ўзаро муносабатини, улар ўртасида мўътадил алоқа бўлиши зарурлигини теран англаб етишлари шарт.

Халқаро терроризм, диний экстремизм ва радикализмнинг салбий иллат эканлиги, келажагимизга таҳдиди ҳақида куйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– терроризм демократияга, инсон ҳуқуқлари ҳамда бутун тинчликсевар инсониятга қарши қаратилган таҳдиддир. У беқарорлик ва нотинчликдан озиқланади. Шу боис ҳам террорчилик гуруҳлари тинч, барқарор ўлкаларда кўпуровчилик ҳаракатлари содир этиш, аҳолини ваҳимага солиш орқали беқарорлик ва нотинчлик келтириб чиқаришга уринадилар. Бу борадаги ҳар қандай сукут ёхуд ҳаракатсизлик, шахсий манфаатларга қараб иш тутиш терроризмга йўл очиш демак;

– терроризм, ваҳобийлик ва акромийлик башариятнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ҳамда диний эътиқодга бўлган интилишларидан фойдаланиб, муқаддас ислом дини ниқоби остида манфур ишларни амалга ошираётганлиги боис унга қарши кураш инсонларнинг демократияни, диннинг моҳиятини нечоғлик тўғри тушунишларига ва бунинг учун уларнинг ҳар куни муайян саъй-ҳаракат қилишларига боғлиқ;

– терроризм, ваҳобийлик, акромийлик нафақат кишиларга салбий таъсир этувчи мафкуравий асосларни, балки ўзининг кучли тарғибот ва ташвиқот тизимини ҳам яратган. Шу боис терроризмни мафкуравий асосларидан маҳрум этиш, бундай иллатларга қарши пухта ва илмий асосланган узлуксиз тарғибот-ташвиқот тизимини яратиш объектив зарурат;

– терроризм, ваҳобийлик, акромийликнинг молиявий ва ташкилий тузилмаларини аниқлаш ҳамда уларни барта раф этиш йўналишида жаҳон ҳамжамияти амалга ошираётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш ва уларни изчиллик билан давом эттириш керак;

– террорчилик қайси мақсадда, ким томонидан қаерда қўлланишидан қатъи назар инсонларнинг ҳаётига, ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилади. Жамият учун тиклаб бўлмас маънавий ва моддий зарар етказди. Миллатлар, турли динга эътиқод қилувчи ижтимоий гуруҳлар, ҳатто давлатлар ўрта-

сида низолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун унга қарши бутун инсоният бир тану жон бўлиб курашиши лозим.

Афсуски, ҳозирги кунга келиб айрим мамлакатларда, Президент И. А. Каримов ибораси билан айтганда, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман» деган ақидага асосланган тактика ҳам тобора хавфли тус олиб бормоқда. Бу ўз сиёсатини шу йўналишда олиб бораётган мамлакатларнинг аввало ўзига хавф туғдириши ва таҳдид солиши мумкин. Бундай тажовузкор кучлар билан «ўйин» қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четга олишга уриниш катта хатодир. Чунки ўз сиёсатини бу йўналиш асосида ташкил қилиш наркоагрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм учун «транзит» мамлакатга айланиб бориш хавфининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён юқоридаги каби иллатларга қарши курашмоқда. Мамлакатимиз ҳозирги даврга келиб оммавий қирғин қуролларига эга бўлишга интилаётган ёвуз кучларга имконият яратмаслик учун ҳам бор куч-ғайратини ишга солмоқда. Айниқса, Президент И. А. Каримовнинг Марказий Осиёни нафақат ядровий, балки ҳар қандай бошқа оммавий қирғин қуроллари, чунончи биологик ва кимёвий қуроллардан ҳам холи ҳудудга айлантириш лозимлиги ҳақидаги ташаббуси фикримизнинг далили бўла олади.

Юртимизда виждон ва эътиқод эркинлигига кенг йўл очиб берилганлигидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланган айрим ғаламис кимсалар ва тоифалар дин ниқоби остида бузғунчилик, ноҳақ қон тўкилиш каби салбий ҳолатларни авж олдириб юбордилар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитасининг маълумотига кўра, шундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган ташкилотлар қуйидагилар:

- Ҳизб-ут-таҳрир ал исломий (Ислом озодлик партияси);
- Ваҳҳобийлик диний-сиёсий оқими;
- Нурчилар;
- Акромийлар;
- Эъдод (Ваҳҳобийлик кўринишидаги оқим);
- Ҳизбун-нусра;

- Адолат диний-реакцион ташкилоти;
- Ислом лашкарлари;
- Ислом уйғониш партияси;
- Ислом биродарлари;
- Мусулмон биродарлар;
- Ўзбекистон мужоҳидлар уюшмаси;
- Таблиғ диний уюшмаси;
- Тавба.

4.4. Республикамизда давлат ва диний сиёсат масалалари

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмоқда. Қурилаётган жамиятнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган. Давлат қонуний асосда барча дин ва эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратиб берган. Бу Конституциямизнинг 31-моддасида ўз аксини топган. Унга асосан, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Конституциямизнинг 61-моддасига биноан, диний ташкилотлар билан муносабатларнинг қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борилаётгани эътиқод эркинлигини амалда таъминламоқда. Давлат диний ташкилотларнинг ишига аралашмайди. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (57-модда), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (202-модданинг 1-қисми: Файриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотнинг фаолиятида қатнашиш) ва Жиноят кодексларида (216-модда: Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш) мавжуд диний ташкилотлардан қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган тўғри йўлдир.

Республикамизда диний эътиқод эркинлиги бир қатор диний конфессияларнинг (confessionalis — эътиқодга оид, черковга тегишли деган маъноларни англатади) фаолият юритиши учун шароит яратди. Ҳозирда турли мазҳаб ва оқим-

лар ўз маслакдошларига эга. Булар адвентистлар, кришначилар, баптистлар, евангелистлар, иеговачилар, шиалар, буддавийлар, католиклар, яҳудийлар, лютеранлар, бахаилар, эллигинчилар (пятидесятниклар), янги ҳаворийлар, ислом диний бошқармаси (суннийлар), проваславлар бўлиб, ўз диний урф-одатларини эркин амалга оширадilar. Ўзбекистонда диний мазҳаб ва оқимлар кўп бўлишига қарамай, ўз нуфузи ва мавқеига кўра икки асосий конфессия мамлакат ижтимоий ҳаётида салмоқли ўрин тутди. Булар Ислом диний бошқармаси ва Рус проваслав черковидир. Мустақил Ўзбекистонда олий проваслав ўқув юрти – Тошкент диний семинарияси очилди. Келажакда у епархияни олий маълумотли дин пешволари билан таъминлайди. Марказий Осиёда энг йирик проваслав черкови ҳисобланувчи Самарқанддаги Авлиё Алексей соборининг қайта тикланиши юртимиздаги диний бағрикенгликнинг амалдаги исботидир.

Диний бағрикенглик руҳини тарбиялаш ва мустаҳкамлашдаги ютуқлар кўп жиҳатдан диний таълим тизимининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ. Бунга Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом маъҳади, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ҳузуридаги ўрта ўрта диний таълим мадрасасини, Рус проваслав черкови ҳузуридаги семинария ва протестант жамоалари учун яна бир неча диний муассасаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Тошкентда ўтказилган «Жаҳон динлари тинчлик йўлида» (2000 йил), «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» (2002 йил 5-6 июнь) халқаро анжуманлари бунинг амалий исботидир. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлиги соҳасида қуйидаги тамойилларга эътибор қаратилмоқда:

- 1) диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- 2) диний эътиқодларни фуқаролар ёки диний уюшмаларнинг хусусий иши деб тан олиш;
- 3) диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

4) маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш мақсадида улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

5) диндан бузғунчилик ва ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозир Республикамизда ўндан зиёд конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда (1998 йил 1 май) ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжиҳатда миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси — халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш орзусини амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1. Маънавий ҳавфсизликнинг аҳамияти нималарда акс этади?*
- 2. Мустамлакачилик сиёсатининг мақсадини тушунтиринг.*
- 3. Нима учун мустамлакачилар қарам халқни тарихидан, маънавиятидан маҳрум қилишга интилишларининг сабабини изоҳланг.*
- 4. Шўролар даврида ислом дини, диний қадриятлар, тарихимиз, маданиятимиз ва бой маънавий меросимизга нисбатан муносабат қандай эди?*
- 5. Мустақиллик ҳамда маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлида халқимизнинг олиб борган курашлари тўғрисида нималарни биласиз?*
- 6. Тасаввуф таълимоти намояндлари илгари сурган илғор ғоялар нималардан иборат?*
- 7. «Диний бағрикенглик» тушунчасига изоҳ беринг.*
- 8. Диний конфессиялар деганда нимани тушунасиз?*
- 9. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида виждон эркинлигининг ҳуқуқий кафолати сифатида нималар белгиланган?*
- 10. Халқаро терроризм, экстремизм, ваҳҳобийлик, акромийлик каби иллатларнинг салбий таъсирлари тўғрисида гапириб беринг.*


5-мавзу ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- *«Хавфсизлик» тушунчаси. Дунё хавфсизлик тизимининг халқаро ва минтақавий субъектлари*
- *Сиёсий, иқтисодий, ядровий, маънавий, экологик ва ин-формацион хавфсизлик тушунчаларининг илмий тавсифи*

5.1. «Хавфсизлик» тушунчаси. Дунё хавфсизлик тизимининг халқаро ва минтақавий субъектлари

«Хавфсизлик» шахс, жамият, давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи, барқарорлик, тинчлик, бунёдкорлик, яратувчанлик омилларининг мажмуини ифода этувчи тушунчадир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ



XXI аср бошида, «совуқ уруш» ва «икки кутбли дунё»нинг барҳам топиши натижаси сифатида, янги халқаро муносабатлар тизимининг бир қатор чизгилари намоён бўлмоқда.

Шаклланаётган янги халқаро муносабатлар моделининг асосий куч марказларини Фарб (АҚШ, НАТО, Европа), Россия, Япония, Хитой ҳамда унга кескин таъсир кўрсатаётган мусулмон дунёси ташкил этади. Шу билан бирга, ўн йил илгари шубҳасиз бўлиб туюлган АҚШ глобал лидерлиги концепцияси бугун «амалга ошмаган лоф» сифатида баҳоланмоқда.

Халқаро муносабатларнинг янги таркиби унинг қисм (компонент)лари орасида мураккаб тузилиш (конфигурация) ва мунтазам ўзаро таъсир билан белгиланади. Айни пайтда бутун жаҳон узра ҳам ҳамкорлик, ҳам рақобатчилик тенденциялари мавжуд. Умумий ва муштарак манфаатлар ёхуд фундаментал қарама-қаршиликлар ҳам юзага келмоқда. Бундай аҳвол халқаро хавфсизликни таъминлаш масалаларини янада мураккаблаштирамоқда.

Замонавий куч марказларининг ташқи сиёсатлари ва миллий хавфсизлик концепциялари геосиёсий омилларнинг тобора долзарблашиб бориши билан белгиланади. Борган сайин географик муҳитнинг зичлашиб бориши ҳамда жаҳон табиий ресурслари ва захираларининг тугаб бориши айни масаланинг асосини ташкил этади. Геостратегик мақсадлар табиий ресурслар ва захираларга бой минтақалар ҳамда мамлакатлар, транспорт коммуникациялари устидан назорат ўрнатиш, уларга ўз таъсирини ўтказишдан иборат бўлиб қолмоқда. Мисол учун Яқин Шарқ минтақасини Вашингтон АҚШнинг ҳаётий манфаатлари ҳудуди сифатида белгилаган. Фарб мамлакатларининг турли-туман «демократияни тарғиб этиш» лойиҳалари катта миқдорда нефть ва газ захиралари мавжуд минтақаларга қаратилган.

Глобал хавфсизлик субъектлари билан бирга, муайян минтақаларда нисбатан қудратли давлатлар мавжуд бўлиб, улар шу минтақадаги кучлар ва манфаатлар мувозанатини таъминлашда етакчи роль ўйнайди. Масалан, Лотин Америкасида Бразилиянинг нуфузи баланд; Туркия ва Эрон Яқин ва Ўрта Шарқда қудратли куч марказлари ҳисобланади; Покистон ва Ҳин-

дистон Жанубий Осиёнинг минтақавий гигантларидир. Улар ўртасида тез-тез юзага келадиган зиддиятлар ва можароларда глобал аҳамиятли кучлар иштирок этади. Масалан, ядровий хавфсизлик нуқтаи назаридан Покистон ва Ҳиндистон ядровий дастурларининг ривожланишига айнан ядровий мамлакатлар кўмаклашганлар. Бундай аҳвол эса олам узра минтақавий хавфсизлик масалаларини янада чигаллаштиради.

Хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ташкилотлар. Ҳар қандай давлатда жамиятнинг конституциявий асосларига таянган хавфсизлигини таъминлашга қаратилган институтлар ва идоралар тизими мавжуд бўлгани сингари, жаҳон миқёсида хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳам бир қанча ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар фаолият юритади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши, НАТО, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, МАГАТЭ шулар жумласидандир. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида мустақил миллий давлатлар (Nation-states) асосий ролни сақлаб қолганлар. Шуни таъкидлаш керакки, бугун миллий давлатлар халқаро аренада фаолият кўрсатувчи ягона иштирокчилар эмас. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб янги иштирокчилар — халқаро ташкилотлар, кўп томонлама дипломатия форумлари, кўпмиллатли йирик ташкилотлар ҳам халқаро муносабатлар тизимида тобора сезиларли ўрин эгалладилар.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1945 йил 24 октябрда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш орқали тинчликни барқарорлаштириш мақсадида 51 мамлакат иштирокида ташкил этилган. Айни вақтда 193 мамлакат, яъни дунёнинг қарийб барча мамлакатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо. БМТнинг асосий органлари — Бош Ассамблея ва Хавфсизлик кенгаши. Бош Ассамблея таркибига барча аъзо давлатлар киради. Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун асосий масъулиятни бўйнига олади. Барча аъзо давлатлар унинг қарорларига бўйсунди.

Хавфсизлик Кенгашининг асосий хусусияти шундан иборатки, унинг ўнта доимий бўлмаган ва бешта доимий аъзолари (Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой) мав-

жуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳар қандай қарорни Вето ҳуқуқи асосида рад этиши мумкин. Аввало бу тамойил иккинчи жаҳон уруши натижаларига кўра голиб чиққан давлатни дунёда тинчликни сақлаб туриш учун бўлган ҳаракати сифатида юзага келган ва «совуқ уруш» даврида инсоният тинчлиги ва тақдирини белгилашда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Аммо ҳозирги кун воқеликлари ушбу тамойилни қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирмоқда. Айнан «совуқ уруш» даврида юзага келган БМТ, хусусан, унинг Хавфсизлик Кенгаши бугун ислоҳотлар ўтказишни талаб этмоқда. Куч-қудрати жиҳатдан бошқа куч марказларидан қолишмайдиган Япония ва Германия бундай ислоҳотлар натижасида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сирасига киришга интилмоқда. Буни бир нечта мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон ҳам қўллаб-қувватламоқда. Кейинги йилларда Ҳиндистон ҳам Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлишни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этмоқда.

NATO (North Atlantic Treaty Organization). Иккинчи жаҳон Урушидан кейин ўша даврдаги буюк давлатлар ичидан энг қудратлиси АҚШ Фарбий Европа мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий тикланиши учун бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. 1947–1952 йиллар мобайнида АҚШ ҳукумати Маршалл режасига биноан Фарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётига йирик молиявий сармоялар ажратди. 1949 йил Вашингтон шартномаси асосида тузилган НАТО, яъни Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилотининг бош стратегик мақсади аъзо мамлакатлар ҳудудини ҳар қандай шаклдаги тажовузлардан биргаликда муҳофаза қилиш ҳамда демократияни ривожлантириш ва иқтисодий ўсиш учун хавфсизликни таъминлаш эди. Шимолий блокка асос солган давлатлар (Бельгия, Буюк Британия, Дания, Исландия, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, АҚШ ҳамда Франция) ҳарбий тажовуз шароитида бир-бирларини муҳофаза қилиш мажбуриятини олдилар.

Собиқ Совет Иттифоқида ҳукм сурган коммунизм мафкураси, компартиянинг сиёсий мақсадлари, йўриқлари ҳамда ҳарбий салоҳияти Фарб мамлакатлари ҳукуматларини безов-

талантирди. 50-йилларнинг бошларида Корея урушига олиб келган халқаро воқеалар ривож Шимолий блокнинг собиқ СССРга нисбатан гумонларини тасдиқлади. Амалда Шимолий Америка ҳарбий қўшинларининг Европа ҳудудида пайдо бўлиши собиқ СССР ҳарбий қудрати таҳдидини бирмунча «живовлаб туриш» имконини яратди. Шу билан бирга Шимолий блок аъзоларининг сафи ҳам кенгайиб борди. 1952 йилда Греция ва Туркия, уч йилдан сўнг Германия Федератив Республикаси, 1982 йилда эса Испания бирин-кетин НАТОнинг тўла ҳуқуқли аъзоларига айландилар.

«Совуқ уруш» тугаши билан НАТО иттифоқчилари мудофаа учун харажатларни 25%гача қисқартиришди. Ҳолбуки, ҳарбий тажовуз таҳдиди камайган бўлса-да, Европада тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун янги ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик шакллари зарурат туғилди. Шу билан бирга инқирозларни барқарорлаштириш, тинчлик ўрнатиш ва осойишталикни таъминлаб туриш операцияларини амалга ошириш сингари янги вазифаларни бажариш учун ҳарбий тузилмалар, кучлар ва воситаларни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашга эҳтиёж юзага келди.

НАТОнинг таркибий тузилмалари ўзаро маслаҳатларнинг узвийлигини таъминлайди, аъзо давлатлар ўртасида хавфсизликни таъминлаш учун сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ва мувофиқликни амалга оширади. Бундан ташқари, аъзо давлатлар илм-фан ва ахборот соҳаларида, атроф-муҳит тозалигини таъминлаш, табиий фалокатлар ва таназзулларда ёрдам бериш мақсадида кенг қамровли ҳамкорлик олиб борадилар.

НАТОнинг олий органи Шимолий Атлантика Кенгаши бўлиб, унда ҳар бир аъзо давлатдан биттадан элчи рангига эга вакил иштирок этади. Кенгаш ҳафтада камида бир марта йиғилади. Бундан ташқари, тез-тез ташқи ишлар вазирлари, мудофаа вазирлари даражасида ҳамда вақти-вақти билан давлат ва ҳукумат бошлиқлари даражасида Кенгаш йиғинлари бўлиб туради. НАТО раҳбари — Бош котиб тахминан тўрт йил муддатга тайинланади. Блокнинг доимий фаолиятини бошқаришда Бош котиб НАТОга аъзо мамлакатларнинг эк-

спертлари ва расмий шахсларидан ташкил топган халқаро котибиятга таянади.

1991 йилда ташкил топган Шимолий Атлантика ҳамкорлиги Кенгаши НАТОга аъзо мамлакатлар билан унга аъзо бўлмаган бошқа Евроатлантика мамлакатлари ўртасида консультация ва ҳамкорлик учун ўзига хос форумга айланди.

1994 йилда йўлга қўйилган янги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуридан кўзланган мақсад ҳамкор мамлакатлар қуролли кучларини қайта қуриш ва ислоҳ қилишда ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг тинчлик ўрнатиш операцияларида қатнашиш салоҳиятларини оширишдир. Дастурга биноан ҳар бир мамлакатнинг индивидуал эҳтиёжлари ҳисобга олинади ва турли соҳаларда амалий ҳамкорлик учун имконият яратилади. Бундай фаолият турларига ҳарбий ўқув машғулоти, симпозиумлар, семинарлар ёки ўқув курсларини ташкил қилиш киради. 1995 йилда Ўртаер денгизи минтақасининг олти мамлакати – Миср, Исроил, Иордания, Мавритания, Марокко ва Тунис ҳамда НАТО иштирокида Ўртаер денгизи диалоги дастури яратилди. 2000 йилда бунга Жазоир ҳам аъзо бўлди. Дастурдан кўзланган асосий мақсад минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлашдир. Ушбу дастурга кўра юқоридаги мамлакатлар вакиллари тез-тез НАТОнинг Германиядаги Обераммергау мактаби ва Италиянинг Рим шаҳридаги мудофаа коллежида ўқишга таклиф қилинадилар. 1997 йилдан бери махсус икки томонлама муносабатлар ва консультациялар учун Россия – НАТО Қўшма доимий Кенгаши (2002 йилдан Россия – НАТО Кенгаши) ва НАТО – Украина Комиссиялари фаолият кўрсатмоқда.

1999 йилнинг мартида НАТО аъзолари сафига Венгрия, Польша ва Чехия давлатлари қўшилди. 2002 йил Шимолий Атлантика иттифоқининг Прага саммитидаги қарорга биноан яна етти мамлакат (Болгария, Латвия, Литва, Руминия, Словакия, Словения ва Эстония) аъзоликка таклиф этилди. Улар 2004 йил март ойидан бошлаб Альянснинг расмий аъзоларига айландилар.

НАТО экспертларининг фикрича, бу блок амалда муайян минтақаларда ва умуман, бутун жаҳонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун зарур сиёсий, иқтисодий, ҳар-

бий, илмий ва бошқа ресурсларга эга бўлган ягона халқаро тузилма бўлиб қолмоқда. Замоनावий халқаро муносабатлар воқеликлари, халқаро терроризмга қарши кураш устуворлиги НАТО анъанавий масъулият ҳудудининг Евроатлантика чегараларидан ташқарига қараб кенгайишига олиб келди. Аини пайтда нафақат ҳарбий-сиёсий, балки оммавий-ижтимоий ташкилот ҳисобланувчи НАТОнинг таркибий ва концептуал трансформацияси аввало Евроосиёда кенг хавфсизлик тизимини барпо этиш зарурати билан боғлиқ. НАТО дунёнинг ҳар қандай нуқтасида кенг миқёсли ҳарбий операциялар олиб бориш, ўз салоҳиятини кенгайтириш имкониятларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу боис геостратегик минтақаларда хавфсиз коммуникация тизимларини барпо этиш, тезкор-ўнғай кучларни такомиллаштириш, аъзо ва ҳамкор мамлакатлар орасида ўзаро алоқа механизмларини ривожлантириш НАТОнинг бош вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

НАТО экспертларининг фикрича, йирик можароларнинг вужудга келиш эҳтимоли кам ва янги таҳдидларга тайёргарликни ошириш лозим. Шунга кўра, Альянс можароларнинг олдини олиш ва инқирозларга тезкор жавоб бериш ҳамда уларни бартараф этишда ўз ҳиссасини қўшади (Мудофаа салоҳияти ташаббуси). Тезкор жавоб қўшинлари уч тамойил асосида фаолият кўрсатади: можароларнинг олдини олиш, уларни минималлаштириш ва бартараф қилиш.

НАТО ва ҳамкор мамлакатлар ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ҳамкорлик масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда ҳамкор мамлакатлар иштирокини ошириш, сиёсий консултациялар олиб боришнинг янги механизмларини киритиш ва сиёсий бошқарувни амалга ошириш кабилар Евроатлантика Ҳамкорлиги Кенгаши (ЕАҲК) доирасидаги чораларнинг анчагина фаоллашувига олиб келиши мумкин. ЕАҲК самарадорлигининг ошиши НАТОга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги билан ҳамкор давлатлар хавфсизлигининг чамбарчас боғлиқлиги ҳамда Альянснинг Евроатлантика барқарорлигини таъминлашдан манфаатдорлигини тасдиқлайди.

Аини маҳалда кенгайган ва кенгаётган НАТО блоки бугун ўзини ўзи бошқариш ва ягона ҳарбий-стратегик сиёсат олиб

бориш, жумладан умумевропа ва умумжаҳон хавфсизлик саҳнида ўз ўрнини топиш ҳамда трансатлантик келишмовчиликларнинг кучайиши сингари фундаментал муаммоларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, АҚШ ҳукумати европалик ҳамкорлар ажратаётган молиявий воситалардан қониқмаяпти.

Бошқа томондан, таҳлилчиларнинг фикрича, НАТОдаги ички низолар 90-йилларгача ҳарбий операциялар ўтказмаган ташкилотнинг янги даъватлар таъсиридаги табиий эволюция жараёнидир. НАТОда европалик иттифоқдошлар салмоғининг ошиши Европанинг келгуси халқаро муносабатлар тизимида бошқа бир марказга айланишидан иборат тарихий жараёни тасдиқлайди. Шу боис ҳам ESDP (Европа хавфсизлик мудофааси сиёсати) Европа ҳудудида тобора кенгроқ мавқега эга бўлиб боради. Европа НАТОнинг салмоғи улкан бўлиши кутилган янги глобал хавфсизлик тизимининг қудратли макони бўлиб қолаверади.

2004 йил июнда НАТОнинг Истамбул саммити бўлиб ўтди. Унда оламшумул қарорлар қабул қилинган бўлмаса-да, саммитнинг ўзига хослиги янги иттифоқдошларнинг иштироки бўлди. Истамбул саммити якунларига биноан, Афғонистонда ҳарбий контингентни кенгайтиришга қарор қилинди.

Халқаро воқеликлар шунинг кўрсатмоқдаки, НАТО раҳбарлари ва экспертлари юзага келган глобал ва минтақавий хавфсизликка оид чақириқларга муносиб жавоб қайтариш, ички келишмовчиликлар ва низоларни бартараф этиш бўйича улкан тадқиқотлар ва муайян ишлар олиб бормоқда. НАТОнинг бўлажак глобал хавфсизлик тизимидаги ўрни ва мавқеи аввало аъзо давлатлар ташқи сиёсий стратегиялари ва миллий манфаатларининг эҳтиёжи ва мамлакатларнинг имкониятларига боғлиқ.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ). Ушбу ташкилотнинг фаолияти Европада хавфсизлик ва тинчликни таъминлашга қаратилган. Ҳозирги кунда ЕХХТ га 39 давлат аъзо.

Кўшилмаслик ҳаракати. Жаҳон сиёсатининг аҳамиятли омилига айланган Кўшилмаслик ҳаракатига 1955 йилда асос солинган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин асосий фаолияти-

ни «учинчи дунё»ни озод қилишган қаратган мазкур ташкилотнинг бугунги таркиби 114 давлатдан иборат бўлиб, БМТга аъзо давлатларнинг 60%ни ташкил қилади. Юздан ортиқ аъзо давлатлар ягона сиёсий маслакка эга бўлмасалар-да, уларни куйидаги умумий тамойиллар бирлаштиради: ҳеч қандай сиёсий-ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслик, аксилколониализм, тинч-тотувлик, халқаро қуролсизланиш ҳамда давлатлар яхлитлиги ва суверенитетига ҳурмат. Унинг қарорлари консенсус асосида қабул қилинади. Замонавий шароитларда мазкур ташкилот ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ). Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳозирги вақтда дунё хавфсизлик тизимини таъминлашда фаол қатнашаётган ташкилотлардан биридир. Унинг асосий вазифаси регионал миқёсдаги хавфсизликни таъминлашдир. Дастлаб ушбу ташкилот 1996 йил 26 апрелда Россия, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатларидан иборат «Шанхай бешлиги» номи билан ташкил топган. Унинг асосий мақсади хавфсизлик тизимини таъминлаш, регионал миқёсда тинчликни таъминлаш ҳамда терроризмга қарши кураш олиб боришдан иборат. Айни вақтда ШХТга олти давлат – Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо. Ушбу ташкилотга аъзо давлат раҳбарлари йилда бир марта йиғилиб турадилар. Унинг штаб квартираси Шанхайда, терроризмга қарши антикоалицион маркази Тошкентда жойлашган.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг бош вазифаларига куйидагилар киради:

- хавфсизликни таъминлаш;
- минтақавий барқарорликни таъминлаш;
- экология муаммоларини биргаликда ҳал этиш;
- савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш;
- илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш ва бошқа ҳаётий муҳим йўналишлардан иборат. Бу вазифаларни бажариш борасида давлатлар ўртасида алоқалар яхши ривожланиб бормоқда. Масалан, 2020 йилгача бўлган даврда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган.

Гуманитар ташкилотлар. Бугун халқаро гуманитар ташкилотлар сони бир неча ўн мингга ташкил қилади. Улар турли йўналишларда фаолият кўрсатадилар. Хусусан, табиий офатлардан талафот кўрган мамлакатлар ва халқларга ёрдам кўрсатиш, инсон ҳуқуқлари поймол қилинишининг олдини олиш, кишиларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳисса қўшиш ва бошқа соҳаларда уларнинг фаоллик даражаси юқори. Улар ўзларини сиёсатдан ташқари ташкилотлар деб атасаларда, амалда турли манфаатларга хизмат кўрсатадилар.

Кишилар жамоаси хавфсизлиги асосан беш жабҳа — ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омиллар таъсирида бўлади. Соддароқ қилиб айтганда, ҳарбий хавфсизлик жабҳаси мамлакат ҳужум ва мудофаа қуроли кучларининг ўзаро икки даражали ҳамкорлиги ҳамда давлатлар ўртасида бир-бирининг маслақларини қабул қилишни ўз ичига олади. Сиёсий хавфсизлик жабҳаси давлатлар, ҳукумат тизимлари ёки сиёсий режим ва мафкураларнинг қонунийлигини таъминловчи ташкилий барқарорликдир. Иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлик жабҳаси инсоннинг турмуш даражасини таъминлаб беришга қаратилган давлат фаолиятидир. Экологик хавфсизлик жабҳаси инсоннинг бошқа барча фаолияти боғлиқ бўлган асосий таъминлаш тизими сифатида маҳаллий биосфера ва ер биосферасини сақлашдир. Юқоридаги беш бўлим бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўлмайди. Уларнинг ҳар бири хавфсизлик концепцияси муаммоси доирасида ўзи учун марказий масалани ҳамда устувор йўналишларни белгилаб олади. Амалда улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Геосиёсат. Хавфсизликни таъминлаш жабҳасидаги асосий тушунчалардан бири геосиёсат бўлиб, унинг марказий предмети умумий хавфсизлик назариясидир. Геосиёсат — сиёсий фанлар тизимида муҳим ўрин эгаллаган ёш илмий йўналиш. У яшаш фазосининг тобора зичлашиб бориши, умумий, глобал бозор фазосининг шаклланиши, халқаро ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий рақобатларнинг авж олиши оқибатида юзага келади.

Геосиёсат сиёсий жуғрофияга боғлиқ бўлса-да, кўпроқ сиёсий амалиёт мақсадларига мослаштирилган. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, сиёсий жуғрофия давлатни (демак,

сиёсатни ҳам) фазо нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳолайди ҳамда кўпроқ жуғрофияга яқинлиги туфайли шундай ҳодисаларга алоҳида урғу беради, яъни уларга сиёсий талқин беради, ҳодисаларнинг сиёсий жиҳатларини таҳлил қилади. Геосиёсат, аксинча, сиёсатга яқинлиги туфайли эътиборни кўпроқ сиёсий ҳодисаларга қаратади ва уларга жуғрофий талқин бериш ва ҳодисалар шу жиҳатдан таҳлил қилишга интилади.

Асрлар давомида олимлар миллатлар ва давлатларнинг ташқи сиёсий стратегиялари, анъаналари ва ўзига хосликлари нимага асосланади, жамиятлар ва цивилизациялар тараққиёти, тарихий жараённинг ривожланиши қандай омиллар таъсири остида кечади, деган саволларга жавоб топишга интилганлар. Мазкур масалаларни ўрганиш олимларни бир қатор хулосаларга олиб келди. Биринчидан, ҳар қандай давлат учта зарур компонентларни ўз ичига олади — ҳудуд, халқ ҳамда сиёсий ташкилот. Иккинчидан, кишилар қаерда истиқомат қилишидан қатъи назар, уларнинг фаолияти ташқи жисмоний муҳитга чамбарчас боғлиқ. Инсонлар фаолиятига бевосита таъсир кўрсатувчи жуғрофий омиллар (гарчи давлатларнинг ҳудудий-жуғрофий жойлашуви ўзгармаса ҳам) мамлакатлар сиёсатининг давомийлигига асос бўлади. Учинчидан, ҳар қандай давлатнинг жуғрофий жойлашуви қайтарилмасдир. Унинг ҳудуди ўзига хос табиий манзара, шакл, узунлик, катталиқ ва табиий неъматларга эга. Бу ўзига хосликлар ҳар бир мамлакатнинг тарихий ривожланишини бевосита белгилайди.

Швед олими Рудольф Челлен («геосиёсат» атамасини илмий таомилга киритган киши)нинг таърифига кўра, геосиёсат давлатни фазода қарор топган жуғрофий организм сифатида ўрганувчи фан. Қайд этиш лозимки, кўплаб олимлар давлатни тирик организмларга қиёслашади. Немис олими Карл Хаусхофернинг таъкидлашича, геосиёсат замин ва сиёсий жараёнлар ўртасидаги муносабатларни ўрғанади. У жуғрофиянинг кенг пойдеворига, аввало фазодаги сиёсий организмлар ва уларнинг таркибий тузилиши ҳақидаги сиёсий жуғрофия фанига асосланади. Геосиёсат сиёсий аъмолларни энг муҳим йўриқномалар билан таъминлаш ва умумий сиёсий ҳаётни йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб

қўяди. Бу билан геосиёсат «амалий сиёсатни бошқариш санъати»га айланади. Демак, «геосиёсат, — дейди К.Хаусхофер, — давлатнинг миясидир».

Франциялик олим Ив Лакостнинг фикрича, геосиёсат жуғрофий омилларнинг давлат сиёсатига таъсирини ўрганувчи фан. Рус олими Вадим Кожиновнинг фикрича, «геосиёсат» атамаси (қадимги юнонча) «ер» ҳамда «давлатни бошқариш» сўзлари бирикмасидан ташкил топган бўлиб, бунда гап муайян жой, фазо, маълум (боқий) ҳудуд билан шу заминда қарор топган давлат ёки давлатлар мажмуасининг бир бутунлиги, муштараклиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги ҳақида боради.

Геосиёсат мафкуравий эътиқодлардан холи бўлса-да, мақсадга эришишда этник компонентни ҳисобга олади. А. Дугиннинг фикрича, геосиёсат ҳокимият нуқтаи назаридан келиб чиқадиган дунёқараш бўлиб, ҳокимият хусусидаги ва ҳокимият учун муҳим фан. Демак, юқорида келтириб ўтилган таърифлар асосида таъкидлаш мумкинки, геосиёсатнинг олий функцияси — жамиятни ички ва ташқи душманлардан муҳофаза қилишдан иборат давлат сиёсатининг жуғрофий омилларга боғлиқлиги. Яъни, геосиёсат ландшафт хусусиятлардан келиб чиқиб амалга ошириладиган давлат сиёсати, айни маҳалда, давлат ва у қарор топган фазонинг яхлитлиги, бир бутунлиги геосиёсатнинг асосий таҳлил манбаи. У жуғрофий сиёсат эмас, балки жуғрофий омилларни ҳисобга олган ҳолда тарихий жараёни сиёсий бошқаришдир.

Геосиёсий таҳлиллар асосида миллий хавфсизлик концепциялари яратилади. Мустақил давлатнинг манфаатлари ва мақсадлари геосиёсий омиллар устуворлигидан келиб чиқади. Геосиёсий таҳлил жуғрофий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва шу каби бошқа омиллардан иборат бўлиб, бунда этник, диний, демографик омиллар алоҳида аҳамиятга эга.

Жуғрофий омиллар сирасига фазовий ўлчамлар киради. Таҳлил қилинадиган ҳудуднинг ўлчами ва таркибий тузилмалари, чегараларининг узунлиги, сарҳади ёки чегараолди ҳудудлари, бошқа давлатларга нисбатан жойлашуви, денгизга чиқиш йўллари, рельефи ва иқлими кабилар шулар жумласидандир.

Сиёсий омиллар ёрдамида қуйидагилар ёритилади: мамлакатнинг давлатчилик шакли, бошқарувнинг ташкилий тузилиши ва ҳукумат органлари, жамиятнинг ижтимоий таркиби ва тузилиши, партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг мавжудлиги, уларнинг сиёсий фаоллиги, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, давлатлараро (икки томонлама) муносабатлар, халқаро ҳуқуқий аҳднома ва келишувлар, мамлакатнинг иттифоқлар ва халқаро ташкилотларда қатнашуви ҳамда бошқа давлатлар билан бўлган можаро ва муаммолари, халқаро муносабатлар тизимидаги умумий мавқеи, аҳволи, ташқи сиёсат йўналиши, чегараларнинг хусусиятлари ва ишлаш режими.

Иқтисодий омилларга аҳолининг яшаш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик, қайта ишлаш, транспорт, алоқа тизимлари, коммуникациявий инфратузилмалари, моддий тармоқларнинг аҳволи кабилар киради.

Ҳарбий омилларга қуrolли кучларнинг ривожланиш даражаси, стратегик ва умумий вазифали урушга тайёрлиги ва лаёқати, жангга кириш шиддати, чегараолди инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, ҳарбий кадрлар сони ва сифати, захирада зобитларнинг мавжудлиги, замонавий қуrol-яроққа эгалик, қайси давлатлар билан ҳарбий-техникавий ва мудофаага доир шартномалар битилган, қуrolланишни чеклаш ва камайтириш тўғрисидаги давлатлараро шартномалар, янги қуrolлар ва ҳарбий техникаларни синаш кабилар киради.

Энергетика омилларига аҳоли томонидан ва хўжалик тизимида энергиянинг ишлатилиши, энергия ресурслари, унинг манбалари ва ишлаб чиқариш турлари, мамлакатни компьютерлаштириш даражаси кабилар киради.

Экологик омиллар сирасига мамлакат демографик ривожланишининг ресурслар салоҳиятининг чекланганлигига боғлиқлиги, хом ашё ресурсларидан фойдаланиш чегаралари, давлат ва инсоннинг яшаш шароитлари, ҳаётий муҳитни таъминлаш тизими учун жавобгарлиги, радиоактив, захарли қуrolларнинг мавжудлиги, табиий офатлар ва саноат таназзулидан муҳофаза қилиш инфратузилмалари ки-

ради. Аксарият экспертларнинг фикрича, экологик таҳдидлар борган сайин нафақат айрим минтақалардаги вазиятларга, балки умумбашарий даражада беқарорликни юзага келтиришга қодир ўта хавфли омиллар қаторига чиқди.

Халқ (аҳоли) ёки демографик омиллар таъсири диний, маданий, миллий, руҳий ва маиший анъаналар ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари, аҳоли зичлиги ва таркиби, унинг ривожланиш суръатлари, маҳаллий миллатларнинг манфатлари, миллий озчиликларнинг жойлашуви, тиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа давлатларда диаспораларнинг борлиги, уларнинг миқдори ва зичлиги, тили ва маданий анъаналарининг ўзга давлатлар халқларига яқинлиги, миллий лобби, таълим, илм ва соғлиқни сақлашнинг ривожланиш даражаси, урбанизациянинг хусусияти ва сифатлари, жиноятчилик даражаси ҳамда ҳозирги вазият, бошқа давлатлар ёки нодавлат ташкилотлар ўртасида алоқаларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Геосиёсий таҳлилда тарихий, сиёсий ва жуғрофий маълумотлар синтезланади. Бунда учта марказий жабҳани ажратиб кўрсатиш мумкин: ижтимоий-тарихий вазиятни муайян жуғрофий ва даврий шарт-шароитлар ва уларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; муайян ҳудуд тўғрисидаги аниқ маълумотларни турли-туман ва кўпинча қарама-қарши тасаввурлар билан солиштириш; ҳудуд, маскан, макон, фазони сиёсий ўзгартиш стратегиясини қай тарзда амалга ошириш ҳақида истиқболли белгилаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Геосиёсий таҳлилнинг асосий категориялари — ҳудуд, маскан, макон, фазо. Булардан ташқари, геосиёсат масалаларига бағишланган адабиётларда биз теллуократия (куруқлик қудрати) ва талассократия (денгиз қудрати), ички қитъавий макон ёки Хартленд (Heartland), ички ва континентал ярим ой, қирғоқ зоналари (Rimland), ташқи ярим ой ёки орол ярим ойи, геосиёсий чегаралар, геостратегик минтақа, геосиёсий минтақа, давлатлар иттифоқ (блок)и, давлат, буфер давлат, геосиёсий иттифоқдошлар, буюк давлат (Super power), кучлар маркази, геосиёсий чизиқлар, фронтал рақобат, геосиёсий вазият, геостратегик вазият ҳамда миллий қудрат каби тушунчаларни учратишимиз мумкин.

Геостратегик минтақа — глобал аҳамиятга ва таъсирга эга йирик жуғрофий фазо. У жойлашув сифати, савдо ва маданий-мафкуравий алоқаларнинг йўналиши ва тезкорлиги каби хусусиятларга боғлиқ. Бундай минтақанинг энг асосий белгилловчилари сувда ва қуруқликдаги муҳим стратегик йўллар ва ўтиш жойларидир.

Геосиёсий минтақа геостратегик минтақанинг таркибий қисми бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва савдо алоқаларининг изчиллиги билан фарқланади. Унда сиёсий бирликлар юзма-юз келади ва ҳаёт учун зарур ресурслар бир-бирини ўзаро тўлдиради ҳамда биргаликдаги сиёсий ва иқтисодий ҳаракатлар доираси белгиланади. Бундай минтақаларга Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мисол бўлади. Ўз навбатида, геосиёсий минтақа сиёсий минтақаларга бўлинади. Бу давлатлар чегарасига мос келади. Унинг энг муҳим қирралари муштараклик ва яхлитликдир. Ички таркиби эса марказ, марказнинг барча қисмлари ва унинг чегараларини белгилаб ҳамда асослаб берувчи кўрсаткичлар билан алоқа чизигидан таркиб топган. Ҳозирги кунда мавжуд давлат чегараларининг юзага келиши ва шаклланиши миллий давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши даврида амалга ошган. Чегаралар миллий давлатни ўраб турган муҳитнинг геосиёсий шаклига айланади. Илмий адабиётда «табиий» ва «сунъий чегаралар» тушунчалари учрайди. *Табиий чегаралар* табиат яратган сарҳадлардир. *Сунъий чегаралар* инсонларнинг онгли равишдаги ижоди ва давлатларнинг ўзаро таъсири маҳсулидир. *Сиёсий чегаралар* одатда инсон томонидан яратилиб, давлат ривожининг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Чегаралар сиёсий, мудофаа, ҳарбий-стратегик каби асосий вазифаларни бажаради.

Давлатлар орасидаги ўзаро алоқалар *фронтал рақобатга* олиб келиши мумкин бўлиб, барча бир-бирига зид манфатларни қамраб олади. Фронтал рақобат фронт чизиқлари билан белгиланиб, улар асосий рақобатчи кучларнинг фазовий жойлашувини аниқлаб беради.

Геосиёсий рақобат ҳам горизонтал, ҳам вертикал хусусиятга эга бўлиши мумкин. *Горизантал рақобат* денгиз ва қуруқ-

ликда кечади. У сувдаги ва қуруқликдаги рақобатларга бўли-
нади. XX асрнинг иккинчи ярмида эса ҳаво ва коинотда қурол-
ланиш пойгаси билан боғлиқ *вертикал рақобат* юзага келди.

Геосиёсий чизиқлар қуруқлик, денгиз ва ҳаводаги энг му-
ҳим коммуникациялар билан боғлиқ. Улар юк ташиш йўна-
лишлари ва ҳарбий қўшинлар кўчишининг асосий йўналиш-
ларини такрорлайди. Бундай чизиқларга Яқин Шарқ нефти-
нинг Европа ва АҚШга ташиш йўллари мисол қилиб кел-
тириш мумкин. Геосиёсий чизиқларда геосиёсий алоқалар-
нинг турли элементлари учрайди. Геосиёсий чизиқлар дунё
геосиёсий харитасининг бирлаштирувчи аввалги элементлари
бўлиб, улар давлатлар ва давлатлар иттифоқи ўртасидаги
кучлар мувозанати тизимини аниқлаб, тартибга келтиради.
Геостратегик вазиятни геосиёсий вазият белгилайди. Бунда
маҳаллий инқирозлар мавжудлиги аҳамиятга эга.

5.2. Сиёсий, иқтисодий, ядровий, маънавий, экологик ва информацион хавфсизлик тушунчаларининг илмий тавсифи

Ҳар қандай давлат учун фундаментал аҳамият касб этувчи
хавфсизликнинг кенг маънодаги таърифи шундан иборатки,
у шахс, жамият ва давлатнинг ташқи ва ички таҳдидлар, хавф-
хатарлардан муҳофазаланганлиги ҳолатидир. Давлатларнинг
ҳаётий манфаатлари шундай ҳолат ва шароитларни доимий
равишда таъминлашга қаратилган. Мазкур таъриф иқтисодий,
ахборот, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, маънавий жабҳаларни
ўз ичига олиб, «миллий хавфсизлик» тушунчасига айнан мос
келади. Шу билан бирга, минтақавий ва умумбашарий (гло-
бал) хавфсизлик тушунчалари маълум минтақа ва ер юзида
энг юқори даражада тинчлик ва барқарорликка интилишни
англайди. Умумлаштириб айтсак, хавфсизлик масаласи ўз-
ўзидан умумбашарий ва муваққат воқелик. Ҳар қандай давлат-
нинг энг олий мақсади шахс, жамият ва давлатни ички ва
ташқи душманлардан муҳофаза қилишдир.

Айни пайтда «хавфсизлик» тушунчасининг кўлами ҳам
кенгайиб, ҳам мураккаблашиб бормоқда. Джозеф Балачнинг
таърифига кўра, халқаро хавфсизлик умумий жабҳаларда

тизимнинг ўзига хослиги, ташқи ҳолатларга боғлиқ бўлган даражада турли ижтимоий тизимларнинг ички ва ташқи хавфсизлиги билан белгиланади. Унинг асосий вазифаси муайян бошқарувчи синфни сиёсий ва иқтисодий ҳокимият билан таъминлаш ёки ижтимоий тизимнинг омон қолишига эришишдир. Миллий хавфсизлик эса ҳар бир миллатнинг ўз миллий манфаатларини муваффақиятли ҳимоя қилиши ва уларни (дунёнинг ҳар қандай нуқтасида) қанчалик даражада тушунишига боғлиқдир. Канада Миллий мудрофаа коллежи олимларининг таърифига кўра, миллий хавфсизлик инсонларни қониқтирувчи ва бошқаларнинг эҳтиёж ва қонуний истакларига мувофиқ келадиган ҳаёт тарзини сақлашдир. У ҳарбий босқин, куч ишлатиш ёки ички тўнтаришлардан ҳимояланиш ва юқори сифатли ҳаётни таъминлаш учун аҳамиятга эга бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қадриятларнинг парчаланишидан асрашни ҳам ўз ичига олади.

Ўз аҳамияти ва миқёсига кўра хавфсизлик глобал, минтақавий ва миллий турлардан ташкил топади. Бу уларни бири-бирига қарши қўйиш дегани эмас, чунки бугунги дунёда хавфсизлик бўлинмас тушунча. Аксинча, улар тобора бири-бирига боғланиб бормоқда. Масалан, минтақавий хавфсизликка нисбатан ҳар қандай таҳдид мазкур минтақада жойлашган давлатга бевосита таъсир кўрсатади, айти пайтда глобал хавфсизлик тарзда ҳам акс этади.

Умумбашарий ва миллий хавфсизлик олдида пайдо бўлган янги таҳдидлар халқаро муносабатларнинг анъанавий асослари ҳисобланган категориялар, тушунчалар, мезонларни шубҳа остига қўйди. Бугун, бир томондан, мавжуд халқаро хавфсизлик концепциялари ва механизмлари инқирозга юз тутган бўлса, бошқа томондан бўлажак халқаро муносабатлар тизими тамойиллари, механизмлари ва таркибий тузилмалари эндигина юзага келмоқда.

Глобал ва минтақавий йирик давлатлар хавфсизлик концепциялари ва устувор йўналишларининг қайта идрок этилиши стратегик муносабатлар тизимининг изчиллик билан ўзгаришига олиб келмоқда. Бундай фундаментал ўзгаришлар халқаро муносабатлар ва давлатлар сиёсатига бево-

сита таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Марказий Осиё давлатларининг ўз тақдирларини белгилаш жараёни ва минтақавий хавфсизлик тизимининг шаклланиши бу ерда ҳарбий-сиёсий ва халқаро ташкилотлар фаоллигининг ошиши билан характерланади.

Муаммоларнинг ҳайбати ва янгилигини олимлар бутун жаҳон узра кечаётган глобаллашув жараёнлари билан боғламоқдалар. Улар сафига ҳудудий яхлитлик ва сиёсий барқарорлик каби анъанавий ҳарбий-сиёсий мақсадлар билан бир қаторда ташқи сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, мафкуравий, диний жабҳалари ҳам кўшилди.

Ҳозирги даврдаги ўзгаришлар кўлами ва чуқурлиги, минтақалар билан айрим давлатлар ўртасида ўзаро глобал боғлиқликнинг кучайиши инсониятга таҳдид солувчи хавфларни таҳлил этишни талаб қилади. Хавфсизлик тизимлари қарама-қаршилиги истиқболни аниқлаб бўлмайдиган даражада кескинлашув ёки мувозанатни эмас, балки сўзсиз халқаро ҳамкорлик асосида куриш талабини олдинга суради.

Бугун дунё ва минтақалар хавфсизлиги манфаатлари олдида улкан ва мисли кўрилмаган муаммолар юзага келди. Инсоният турмушининг тобора мураккаблашиб бориши ҳамда жамиятлар ва давлатлар орасида ўзаро боғлиқликнинг ошиб бориши шуни тақозо этадики, «замонавий хавфсизлик» тушунчаси фақатгина ҳарбий тайёргарлик ва халқаро иттифоқларнинг самарадорлигидан иборат эмас. Замонавий сиёсатчилар, ўтмишда ажодлар дуч келган муаммолардан фарқли ўлароқ, нисбатан тартибсиз, кўп миқдорли ва ноаниқ ҳолатларни таққослашга мажбурдирлар. Давлатлар яқин ва узоқдаги хавф-хатар манбаларига, яқин кўшнилари ҳамда йироқдаги қудрат ва молия марказларидан келаётган таҳдидларнинг турли-туманлигига дуч келмоқдалар. Бугун хавфсизлик ҳар қачонгидан ҳам тутқич бермас, у глобал ва маҳаллий кучларнинг ўзаро ҳамкорлигига таянади.

Хавфсизликни таъминлаш йўллари борасида давлат ва жамият баъзан уйғунликда, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши бўлади. Бунда омон қолиш масаласи энг асосий бўлсада, бундай изланиш яшаш шароитлари ҳақидаги бир қатор

масалаларни ўз ичига олади. Айнан хавфсизлик деб аталмиш ҳолатга эришиш заруратига жавоб бермай қолиш ва ҳаётнинг доимий ноаниқлиги қисмига айланиш вазияти бу концепцияни ишлаб чиқиш жараёнида юзага келувчи қийинчиликлардан биридир.

Хавфсизлик аввало кишилар жамоаси тақдири ва ундан кейингина муайян шахсларнинг шахсий хавфсизлигидир. Бундан аёнки, замонавий халқаро тизимда «хавфсизлик» тушунчаси таърифнинг стандарт меъёрий бирлиги бу ҳудудий суверен давлатдир. Ҳолбуки, аксарият ҳолларда миллат ва давлат чегаралари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермаганлиги туфайли нодавлат жамоалар, айниқса миллатлар таҳлил қилиш пайтида муҳим меъёр ҳисобланади. Халқаро тизим таркибий тузилиши архаик бўлганлиги, яъни муайян олий ҳукуматнинг мавжуд эмаслиги туфайли кўпгина ташкилий меъёрларда шундай аталмиш «бирлик»лар хавфсизлик муаммоларининг табиий марказига айланади. Баъзи ҳарбий ва экологик таҳдидлар бутун сайёрада омон қолишга таъсир қилиши туфайли «хавфсизлик» тушунчасини умуман инсоният ҳамжамиятига татбиқ қилиш катта аҳамият касб этади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

- 1. «Хавфсизлик» тушунчасининг замонавий талқини ҳақида нималарни биласиз?*
- 2. Дунё хавфсизлик тизимининг халқаро субъектлари тўғрисида сўз юритинг.*
- 3. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик тизими нималарга асосланган?*
- 4. Цивилизациялар тўқнашуви, цивилизациялар мулоқоти ғояларининг мазмуни ҳақида фикр юритинг.*
- 5. Сиёсий, иқтисодий, ядровий, экологик ва маънавий хавфсизлик тушунчаларини изоҳланг.*

6-мавзу
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДАВЛАТ ВА
НОДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИ

- *Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари*
- *Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари*
- *Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари*
- *Миллий хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти*

6.1. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунга биноан амалга оширилади. У сиёсий йўналишдаги масалаларни ҳамда тегишли қонунлар, қонуности ҳужжатларни тайёрлашда асос бўладиган норматив-ҳуқуқий атамалар, принципларни ўз ичига олади. Мазкур Концепцияда давлатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш масаласига доир расмий қарашлар ўз ифодасини топган ва шунга биноан бу Концепция хавфсизлик муаммоси, уни ҳал этишнинг стратегияси ва тактикасига доир, жумладан қонунчилик соҳасига тааллуқли яхлит, умумдавлат қарашлар тизимини ўзида мужассам этган ҳужжатдир¹.

Концепцияда диний экстремизм, миллатлараро ва этник зиддиятларнинг кучайиши, қуроолларнинг авж олиши, наркотик моддаларнинг тарқалиши ҳамда экологик таназзул кўринишидаги минтақавий ва ялпи таҳдидларнинг мавжудлиги таъкидланади.

¹ Қаранг: *Турсунов А. С.* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Мудофаа ва хавфсизлик. – Т., 2005. – 20-б.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Концепция давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири — миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва ялпи хавфсизлигини таъминловчи коллектив ҳамкорлик тизимига киритишни тақозо этади¹.

Концепциянинг биринчи қисмида ҳозирги даврнинг хусусиятлари, Ўзбекистоннинг геополитик ҳолати, жумладан Марказий Осиёдаги мавқеи билан боғлиқ омиллар, халқаро ҳамкорлик соҳасидаги вазифалари баён қилинган. Иккинчи қисмида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари мазмуни очиб берилган. Учинчи қисмида миллий хавфсизлик масалалари баён этилган. Тўртинчи қисмида миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари, бешинчи қисмда эса миллий хавфсизликни таъминлашнинг тизими ва принциплари ҳақида сўз юритилган.

Концепцияда миллий хавфсизликнинг мақсадга мувофиқ тизимини яратишнинг асосий ғояси, амалий принциплари очиб берилган. Унга таянган ҳолда тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизм шакллантирилади, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ўртасида ҳамкорлик тизимига асос солинади. Энг муҳими, ушбу Концепция Конституция сингари муаммони тушуниш ва унинг ечимини топишга бир хил ёндашишга имконият яратади. Масалан, унда «миллий хавфсизлик», «миллий манфаат», «таҳдид» сингари тушунчаларнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикасига татбиқ қилиниши атрофлича талқин этилади².

Шуни таъкидлаш лозимки, Концепцияда шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳам, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий, экологик, илмий-техникавий, технологик ва ахборот соҳаларида туғиладиган миллий хавфсизликка таҳдидлар ҳам батафсил ёритилган. Миллий хавфсизликнинг асосий йўналишлари, давлатнинг фаолияти худди

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005. — 383-б.

² Қаранг: *Турсунов А. С.* Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Мудофаа ва хавфсизлик. — Т., 2005. — 20-б.

ана шу қоидалар билан мувофиқлаштирилиши, қонунчилик эса тегишли тарзда ривожлантирилиб бориши керак¹.

Хавфсизликнинг ҳар бир соҳаси таркибий турларга эга бўлиб, улар замонавий ижтимоий муносабатларнинг юксак интеграцияси шароитида бошқа соҳалар билан мувофиқлаштирилади. Масалан, озиқ-овқат хавфсизлиги фақатгина иқтисодий масала эмас, айти пайтда, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий-санитария ва экологик масала ҳамдир. Шу сабабли хавфсизликнинг турларга бўлиниши шартли эканлигини доимо назарда тутиш зарур².

Қонунчилик ҳамда давлат бошқарувини тўғри ташкил этиш учун хавфсизликнинг бундай бўлиниши ўзини оқлайди. Хусусан, миллий хавфсизликка таҳдидларни табақалаштириш ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг соҳалар бўйича асосий йўналишлари (сиёсий ва ташқи сиёсий, иқтисодий, давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий, илмий-техникавий, технология, ахборот, экология соҳалари) кўп жиҳатдан қонунчиликнинг тегишли тармоқларини ўзида ифода этади. Мазкур соҳалар тармоқлараро нормалар мажмуининг торроқ доирада ўрганувчи йўналишларини белгилайди ва махсус институтларнинг шакллантирилишини тақозо этади.

Масалан, сиёсий соҳада хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий нормалари асосан кафолат, ҳимоя ёки муҳофаза хусусиятига эга бўлиб, моҳият эътибори билан мураккаб тармоқлараро институт ҳосил қилади. Сиёсий хавфсизлик куйидаги нормалар билан назорат қилинади:

– халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатларининг ташқи сиёсат соҳасида амал қилувчи ва Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашидан, унинг суверенитетига тажовуз қилишдан ҳимоя этадиган ва умуман халқаро муносабатлар тизимида миллий манфаатларни ҳимоялашга қаратилган нормалар;

– терроризмга қарши курашга доир қонун ҳужжатлари;

– конституциявий тузумни ҳимоя қилиш тўғрисидаги, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар тўғри-

¹ Ўша манба. – 21-б.

² Ўша манба. – 22-б.

сидаги, ОАВ тўғрисидаги, сўз эркинлигини ҳимоялаш бўйича қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этувчи, демократик институтларнинг такомиллашувини таъминловчи ва кафолатловчи гуманитар, сайловга оид ва бошқа қонун ҳужжатлари;

— агрессив миллатчилик ва миллатлараро низо кучайишининг олдини оловчи нормалар;

— диний экстремизм тарқалишининг олдини оловчи қонунлар;

— давлат ҳокимияти ва бошқарувида коррупция, тўрачилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари вужудга келишининг олдини олиш ва уларга қарши курашга оид қонунлар¹.

Тегишли ҳуқуқ нормалари воситасида олди олинадиган шундай таҳдидлар борки, улар турли моҳиятга ва ҳар хил предметга эга. Бироқ уларнинг субъектлари сиёсий муносабатлар доирасида ҳаракат қилади, ўз сиёсий мақсадларига эга ёки ушбу таҳдидларни амалга ошириш орқали сиёсий ва конституциявий тузумга жиддий зарар етказди. Бошқа томондан, юқорида санаб ўтилган ҳар бир йўналиш ўзига хос ҳужжатларга эга. Таъбир жоиз бўлса, «суб-институтлар» шаклида (масалан, терроризмга қарши кураш институти, ОАВ да сўз эркинлигини ҳимоялаш ва кафолатлаш институти кабилар) намоён бўлиши мумкин².

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асосларига биринчи ўринда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси киради. Фарбий ҳуқуқ манбалари орасида Конституция алоҳида ўрин тутди. Унинг 125, 126-моддалари бевосита хавфсизлик ва мудофаа масалаларига бағишланган бўлса, 52, 57, 93-моддаларида бу масалаларга тааллуқли қоидалар ўз аксини топган.

Конституциянинг 125 ва 126-моддалари Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ҳамда хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши лозимлигини таъкидлайди. Конс-

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

титуциянинг 93-моддаси 20-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ, Президент Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Ушбу модданинг 18-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритиш ҳам Республика Президенти ваколатига кириши белгилаб қўйилган.

Конституциянинг 52-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Шундай қилиб, Конституция ҳарбий ҳуқуқнинг энг муҳим манбаси ҳисобланади¹. Ҳарбий ҳуқуқнинг бошқа манбалари қаторига «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегаралари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий низомлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси (мазкур Концепция асосида Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди) ва шу каби ҳужжатлар киради.

Мамлакатимизда мудофаанинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш уч босқичда ўтди. Биринчи босқичда «Республика ёшларини ҳарбий хизматга чақириш ва ҳарбий хизматни ўташни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекис-

¹ Ўша манба. — 26-б.

тон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Президент фармонлари эълон қилинди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тезкор, яхши тайёргарликдан ўтган ва замонавий қуролланган армияни ташкил этиш ҳарбий ислохотнинг бош йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик кенгаши (Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисида»ги фармонига биноан) тузилди. 1995 йилнинг 30 августидан эса Ҳарбий доктрина қабул қилинди. Унда давлатлараро ҳарбий можаро ва зиддиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фаол қатнашиш белгиланган бўлиб, қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви сабабларини дипломатик йўл билан ҳал этишга алоҳида урғу берилган.

Давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлашда Ҳарбий доктрина катта аҳамиятга эга. У расмий қоидалар мажмуасидан иборат бўлиб, ҳарбий хавфсизликнинг сиёсий, стратегик ва иқтисодий асосларини белгилайди, умумий қоидаларни, сиёсий ва ҳарбий-ташкилий жиҳатларни қамраб олади.

Унинг сиёсий қисмида республикамизнинг урушга муносабати, уруш чиқишини бартараф этиш соҳасидаги халқаро фаолиятининг асосий вазифалари, йўналишлари ва мезонлари қайд этилади.

Ҳарбий доктринанинг сиёсий-ҳарбий қисмида Марказий Осиё минтақасининг ҳарбий-стратегик хусусиятлари баён этилиб, ҳарбий хавф-хатарнинг потенциал манбалари кўрсатилган. Ҳозирги замон урушларининг стратегик хусусияти ва оқибатларига баҳо бериш асосида Доктринада бош ҳарбий-стратегик вазифалар, Қуролли Кучларнинг қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари, шунингдек улардан фойдаланиш шартлари тилга олинади, шунингдек республика иқтисодиёти, ҳудуди ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш масалалари ҳам ўз ифодасини топади¹.

Ҳарбий қонунчиликни ривожлантириш сиёсати ўзида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, бошқа қўшинлар, ҳарбий тузилмалар ва органлар тизимининг қурилиш

¹ Ўша манба. — 28-б.

жараёнини акс эттиради. Бу «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»-ги қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси», мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси умумҳарбий низомини тасдиқлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустақкамлашга доир чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонларида ўз ифодасини топди.

Ҳарбий қонунчилик тараққиётининг учинчи босқичи 1999 йилда содир бўлган воқеалар билан боғлиқ ҳарбий ислохотдан бошланди. Бу ислохотнинг моҳияти ҳарбий қурилиш муаммоларини ҳал этишга янгича ёндашувлар ва мамлакат Қуролли Кучларини сифатли модернизация қилишдан иборат¹.

Ҳарбий ислохотнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис сессияларида қилган қатор маърузаларида чуқур очиб берилди ва миллий армиянинг тузилишини ўзгартириш таклиф этилди. Бунда асосан гап шартнома асосида ҳарбий хизмат қилишга ўтиш орқали миллий армияни қисқартириш хусусида борди. Шу тариқа Марказий Осиё шароитида самарали жанговар ҳаракатлар олиб боришга қодир профессионал армияга асос солинди.

Минтақамиз ва мамлакатимиз чегаралари яқинидаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият, жаҳонда экстремистик кучлар кўпайганлиги Президентимизнинг 2000 йил 7 февраль фармони билан тасдиқланган янги Мудофаа доктринасини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Унга мувофиқ, мамлакат Қуролли Кучлари ўзида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг махсус бўлинмалари ва бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини бирлаштирди.

Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказиш ҳамда ривожланган демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучлар устидан самарали фуқаролик назоратини ўрнатиш мақсадида Мудофаа вазирлиги ҳамда республиканинг мудофаа ва хавф-

¹ Ўша манба. — 30-б.

сизликни таъминловчи бошқа тузилмаларининг вазифалари қайта кўриб чиқилди. Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди ва у мамлакатимизнинг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш бўйича қарорлар ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органига айланди¹.

Компьютер технологиялари, моделлаштирилган чалғитиш методлари ва бошқа замонавий таълим шаклларида фойдалана оладиган ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари ҳисобланадиган сержантлар мактаблари ва тайёрлов марказлари жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам шуларга мувофиқ ривож топди. Эндиликда хавфсизликни таъминлаш масаласига тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлаш алоҳида назоратга олинган.

1999 йилдан бошлаб «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида» (1999 йил 20 август), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» (2000 йил 26 май), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» (2000 йил 15 декабрь), янги таҳрирдаги «Мудофаа тўғрисида» (2000 йил 11 май), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» (2002 йил 12 декабрь) ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги (2003 йил 25 апрель) ва шу каби қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида»ги ва бошқа фармонлари ҳам эълон қилинди².

Марказий Осиёда юзага келган мураккаб вазият Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти, яъни сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маънавий куч-қудратининг ташқи тажовузлардан ҳимояланишга тайёргарлик даражасини, шунингдек минтақада барқарорликни таъминлашни долзарб масалага айлантирди.

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. —Т., 2005. — 379-б.

Марказий Осиё минтақасида, қолаверса, бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни қарор топишига тарафдор бўлган Ўзбекистоннинг асосий мақсади мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишнинг кафолатли имкониятларини яратишдан иборат. Ўзбекистоннинг мудофаа сиёсати давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, республика манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқимизнинг тинч ҳаёт кечиришига қаратилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 125-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши қонун билан белгиланади», деб қайд этилган. Ушбу конституциявий нормада таъкидланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбиру амаллар йиғиндиси «мамлакат мудофааси» деган туншунчада намоён бўлади.

Инсоният урушдан ўз муаммоларини ҳал этишнинг воситаси сифатида воз кечмаган шу кунларда жаҳонда нотинчлик ҳолати сақланиб қолмоқда. Ер куррасининг бир қанча нуқталарида уруш ўчоқлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Ҳатто унинг шакллари янгиланиб, уруш олиб бориш усуллари ва қуроллари такомиллашиб бормоқда. Боз устига, сўнги пайтларда экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишлари фаолашаётгани кузатилмоқда, халқаро ва минтақавий можароларни ҳал этишда қурол ишлатиш ҳоллари содир бўлиб турибди. Мана шундай мураккаб вазиятда ёш, мустақил Ўзбекистон давлатининг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари долзарблик касб этади.

Мамлакат мудофаасининг асосий мақсадларига, «Мудофаа тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда қуролли ҳимояланишни уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шароитини яратиш орқали эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Ғарбий доктринасига мувофиқ, мамлакатни мудофаа қилиш Қуролли Кучлар, иқтисодиёт,

аҳоли ва ҳудуднинг тажовузни бартараф этишга доимо тайёрлигига асосланади. Қўшинларнинг кундалик ҳаёти ва ички тартиб-интизоми Қуроли Кучлар низомлари асосида тартибга солинади. Ҳарбий қурилишни ташкил этиш ва Қуроли Кучларни қўллаш ҳамда мудофаа сиёсатининг принциплари мазкур доктринада белгиланган бўлиб, унда асосий стратегик йўналиш сифатида урушга тайёргарлик эмас, аксинча, уруш ва ҳарбий тажовузларнинг олдини олиш эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси Қуроли Кучлар тузилишида мудофааланиш етарли даражада бўлиши қоидасига асосланади ва давлатимиз:

1) урушни халқро муаммоларни ҳал этишнинг усули сифатида тан олмайди;

2) бетарафлик йўлини тутишга интилади ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик, сотиб олмаслик қоидасига риоя этишга ҳаракат қилади;

3) биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмайди ва биронта ҳам халқни душман деб билмайди;

4) башарти ўзи тажовуз объекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламайди¹.

Президент И.А.Каримов 2005 йил Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган нутқида мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида гапириб, шундай деган эди: «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз»².

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

– ҳарбий сиёсат, ҳарбий доктринани ишлаб чиқиш ва ҳарбий фанни ривожлантириш;

– тажовузларнинг олдини олиш юзасидан халқро майдонда тегишли тадбирларни амалга ошириш, хавфсизлик-

¹ Ўша жойда.

² Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005. – 196-б.

нинг жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

— давлат чегараларини кўриқлаш;

— ҳарбий-техника сиёсати, ҳарбий-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш ва Куролли Кучларни қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий техника ашёлари, озик-овқат ҳамда бошқа моддий техника воситалари билан тўла-тўқис таъминлаб туриш;

— халқ хўжалиги, давлат идоралари, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлаш;

— аҳоли ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлаш;

— Куролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркиби ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарликлари, Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ҳарбий ифвогарликларнинг пайини қирқиш ва тажовузларни даф этишни таъминлайдиган даражада бўлиш;

— мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қонун йўли билан тартибга солиб бориш¹.

Мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив базанинг яратилиши 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг таъсис этилганлиги, эндиликда мустақил равишда мудофаа сиёсати юритилиши таъкидланди. Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дислокация қилинган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги 1992 йил 14 январь қарорининг қабул қилинишидан бошланди. Унга кўра, собиқ Иттифоқ Куролли Кучларининг Ўзбекистон Республикасида аввал жойлаштирилган ҳарбий қисм, кўшилма, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса, ташкилот ва бошқа ҳарбий тузилмалари мустақил давлатимиз юрисдикциясига ўтказилди.

¹ Қаранг: Абдусаломов М. Ю. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. — Т., 1995. — 297-б.

Ҳозир Ўзбекистон Қуролли Кучларининг муваффақиятли ривожланиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур норматив-ҳуқуқий асос яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни (2001 йил 11 май), Олий Мажлиснинг «Ҳарбий Қасамёд тўғрисида»ги қарори (1992 йил 3 июль), Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (1992 йил 3 июль) ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги (1992 йил) қонунлари, Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг жанговар байроғи тўғрисида»ги (1993 йил 22 ноябрь) ва «Миллий хавфсизлик кенгашини тузиш тўғрисида»ги (1995 йил 1 май) фармонлари, Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги қарори (1995 йил 30 август), «Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун (1997 йил 29 август), Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг низомлари (1996 йил декабрь) шулар жумласидандир.

Юқорида санаб ўтилган нормалар ҳарбий сиёсат ва ҳарбий қурилиш принциплари, Қуролли Кучларнинг таркибий тузилмаси, уларни кадрлар билан тўлдириш, кадрлар тайёрлаш ҳамда бошқариш принципларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни Қуролли Кучлар фаолиятининг қуйидаги принципларини белгилайди:

- қонуннинг устунлиги;
- марказлаштирилган бошқарув ва яккабошчилик;
- доимий жанговар ва сафарбарликка шайлик;
- партиядан холилик;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳоказо.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

Мамлакат Қуролли Кучлари давлат идоралари тизимининг муҳим таркибий бўғини бўлиб, давлатнинг мустақамлиги, барқарорлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги гаровидир. Қуролли Кучларнинг юксак ташкилий ва жанговар ҳолати, давлат му-

дофаасини таъминлашга қодирлиги мамлакатнинг тақдири ва ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Мустақил давлат ўз суверенитети ва хавфсизлигини муҳофаза эта олиши лозим. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришгач, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, халқнинг тинч ҳаёти, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида Қуролли Кучларни тузишини эълон қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги (1991 йил 31 август) қонунда юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, Миллий гвардияни ташкил этиш ва Мудофаа ишлари вазирлигини таъсис этиш зарурлиги таъкидланган эди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тузиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Республика ҳукуматининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, ташкилий тузилиши ва низоми тасдиқланди. Ушбу вазирлик маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, фуқаро мудофааси штаби, мудофаа ишлари ва сафдан ташқари хизмат махсус бошқармалари негизда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги қарори алоҳида аҳамият касб этди. Унга кўра, собиқ иттифоқ Қуролли Кучларининг республикамиз ҳудудида жойлашган барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси юридикциясига олинди, яъни уларнинг бутунлай Ўзбекистон қонунлари ва мамлакат раҳбариятига бўйсунуши ҳамда бошқа давлат ёки ташқи ҳарбий тузилмаларга итоат этмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаб қўйилди. Ҳар йили бу кун Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳодимларининг байрами сифатида расмий равишда мамлакатда кенг миқёсда байрам қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Конституциямизда замонавий маърифий давлатларга хос демократик,

адолатли нормада ҳуқуқий мақом олди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизилигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга» (126-модда). Бу ўринда қатъий императив маъно бор, яъни Ўзбекистон ўз хавфсизлиги ва мудофаасини таъминлаш учун зарур даражада армияга эга бўлишга ҳақли дейилмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши (2001 йил 11 май) юқоридаги конституциявий нормани муфассаллаштиришда, Қуролли Кучларнинг шакллантирилиши, мустаҳкамланиши ва бошқарувининг такомиллаштирилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қуруқликдаги кўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари, махсус ва миллий гвардия кўшинларидан иборат. Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини миллий хавфсизлик хизматининг чегара кўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички кўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар².

Қуролли Кучларни мамлакат миқёсида жойлаштириш Республика Олий Бош Қўмондони (яъни, Ўзбекистон Президенти) раҳбарлигида Мудофаа вазирлиги, унинг Бош штаби томонидан ишлаб чиқилган схема бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, чегаралари ҳамда ҳаво чегараларининг ишончли ҳимоя қилинишини назарда тутувчи стратегик режа ҳарбий доктрина талаблари, стратегик, оператив ва кўшинларни жанг олдидан сафарбар этиб жойлаштириш режалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий соҳадаги ваколатлари анча кенг. У Республика Қуролли Кучлари-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005. — 382-б.

² Основы законодательства Республики Узбекистан: Хрестоматия. — Т., 2000. — С. 228.

нинг Олий Бош Қўмондони сифатида Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонларни беради¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тажовуздан бири-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилишга ҳақли. У бу қарорни уч кун мобайнида Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади, раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси).

Қуролли Кучларни тузиш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ амалга оширилади. Армияни сақлаб туриш, молиявий, моддий-техникавий таъминлаш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Мудофаага ажратиладиган маблағлар миқдори ҳар йили Олий Мажлис томонидан тасдиқланади, яъни мамлакат мудофааси учун кетадиган маблағлар мамлакатнинг олий вакиллик органи билан баҳамжиҳатликда амалга оширилади. Солиқ қонунчилигига мувофиқ Қуролли Кучлар тизими ходимлари даромад солиғига тортилмайдилар. Шунингдек, мудофаа эҳтиёжлари учун давлат буюртмаларини бажаришда солиқни камайтириш ёки ундан озод қилиш, кредит бериш ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади².

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини бошқариш республика Президенти билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам амалга оширилади. Қуролли Кучларнинг ҳарбий тайёргарлик ва моддий-техникавий соҳадаги эҳтиёжларини таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муайян ваколатларга эга.

¹ Қаранг: Абдусаломов М. Ю. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – 433-б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – 383-б.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ватанимизнинг минтақавий хавфсизликнинг муҳим омили сифатидаги нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга. Мамлакат мудофаа қобилиятини ривожлантириш ва мустақкамлаш, Қуролли Кучларни тараққий эттиришда Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий соҳадаги халқаро алоқаларини чуқурлаштириш алоҳида ўрин тутаети¹.

6.3. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

Ички ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари органлари «Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги вақтинчалик низом (1991 йил 25 октябрь) асосида фаолият юритади. Ички ишлар органлари тўғрисида махсус қонун қабул қилинмаган бўлса-да, аммо бу соҳани такомиллаштириб бориш тўғрисида юртбошимизнинг қатор фармонлари мавжуд. Ана шу фармонлардан кўзланган асосий мақсад қуйидагилар:

– мустақил Ўзбекистонимизнинг ички ишлар идоралари ходимларини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш юзасидан амалга оширилаётган хизматларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

– ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларини ёки давлат, жамият, халқ учун хавф туғдирадиган жиноятларнинг зудлик билан олдини олиш ва фош этишда ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан ҳамкорлигини яхшилаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири бўлган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фаол иштирок этиш;

– милиция таянч пунктлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда маҳалла посбонлари, чегара посбонлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари каби жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини яхшилашда бевосита иштирок этиш ва амалий ҳамкорлик қилиш;

¹ Ўша жойда.

– ички ишлар идораларининг энг юқори тизимларидан пастигача ўрганиб чиқиб, мавжуд эскирган тузилмаларни замон талаблари асосида қайта кўриб чиқиш, ИИВ марказий аппаратида штатлар сонини камайтириш ҳисобига ички ишлар идораларининг қуйи тизимларини мустақкамлаш, шунингдек бир-бирларининг вазифаларини такрорловчи айрим бўлинма ва тизимларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш.

Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди ҳамда жиноятчиликка қарши кураш олиб боради.

Вазирлик ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматига бўйсунди. Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташкил этилади ва тугатилади. Президентнинг ИИВни ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги фармони Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлик ўз фаолиятини сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан холи равишда амалга оширади¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– республика ички ишлар органлари фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаш;

– ички ишлар органлари фаолиятини умумий бошқариш, мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-методик ва фаолиятининг самарадорлиги таъминланишига ёрдам бериш;

– ИИВ тизимига кирувчи органлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

– ички қўшинларнинг ҳарбий ва сафарбарлик жиҳатдан тайёрлигини таъминлаш;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибинини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил қилиш;

¹ Қаранг: *Рустамбоев М. Х., Никифорова Е. Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик.* – Т., 2005. – 417-б.

– фан-техника ютуқлари, самарали тажрибалар, бошқаришнинг прогрессив шакллари ва ишлаш усулларини жорий қилиш;

– ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

– органларда кадрлар билан ишлашнинг юқори даражасини ташкил қилиш;

– ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш;

– уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни ташкил қилиш¹.

ИИВ ўзининг вазифа ва функцияларини амалга оширишда қуйидаги принципларга асосланади:

– коллегиялик ва яққабошчилик;

– қонунийлик, шахсни ҳурмат қилиш, интернационаллик;

– ошқоралик;

– давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан алоқа қилиш, жамоат фикрини ҳисобга олиш;

– миллати, тили ва маҳаллийлигига кўра ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқларининг чекланишига йўл қўймаслик².

Вазирлик ҳуқуқий фаолиятининг асосини қуйидагилар ташкил қилади:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

– Ўзбекистон Республикаси қонунлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

– Вазирлар Маҳкамасининг норматив актлари;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив актлари;

Вазирлик ўз ваколати доирасида норматив актлар ва уларни ижро этиш мақсадида қарор, кўрсатма, йўриқномалар қабул қилади ва қоидаларни белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, аҳоли ва оммавий ахборот воситаларини республикадаги вазият, ички ишлар

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

органларининг тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти ҳамда вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида хабардор қилиб боради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролардан вазирликнинг вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни талаб қилиб олишга, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўз фаолиятини биргаликда амалга оширишга ва мувофиқлаштириб боришга ҳақли¹.

Вазирликнинг бошқа ваколатлари унга юклатилган вазифалардан келиб чиқади ва у:

— ички ишлар органлари ходимларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги фаолиятини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик профилактикасида, кадрлар билан ишлашда ва қонунийликни мустаҳкамлашда умумий бошқарувни ва назоратни таъминлайди;

— жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат дастурини тайёрлайди ва амалга оширади, бу йўналиш бўйича дастур ишлаб чиқишда иштирок этади;

— ички ишлар органлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий мақомини таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ички ишлар органларига тегишли ўқув юртларида бошқарувни амалга оширади;

— жиноятчилик ва жамиятга қарши қаратилган бошқа қилмишлардан огоҳлантириш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, вазирликлар, муассаса, корхона ва ташкилотларни жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларни вужудга келтирувчи ва содир этилишига шароит яратувчи сабаблар ҳақида огоҳлантиради, бартараф қилиш бўйича таклифлар беради;

— фуқаролар, давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларнинг иқтисодий манфаатларини ғаразли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлайди;

¹ Ўша жойда.

– оператив қидирув фаолиятни ташкил қилади ва амалга оширади;

– қонунчиликка асосан тергови ички ишлар органларига тегишли бўлган жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговни таъминлайди;

– тергов ва суддан яширинган айбланувчилар, ҳукми ижро этиш ва жазони ўташдан бўйин товлаётган маҳкумлар, бедарак йўқолганлар ва қонунда кўрсатилган бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил қилади;

– бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича ишларни амалга оширади;

– қонунга асосан ички ишлар органларига ижро этиш вазифаси юклатилган суд ажримлари, прокурор қарорлари ва терговчининг прокурор рухсати олинган қарорлари, суриштирувни амалга ошираётган шахсларнинг шахсни ушлаб туриш ҳақидаги хулосаси, шунингдек бошқа мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлар ижросини таъминлайди;

– ушланганлар ва қамоққа олинган шахсларни кўриқлаш ва кузатув ишларининг ташкил қилинишини таъминлайди;

– қонунда ички ишлар органлари томонидан ижро этилиши кўрсатилган, судларнинг озодликдан маҳрум этиш, сургун қилиш ва бошқа жазо турларига ҳукм қилинган шахслар устидан чиқарган ҳукмлари ижросини ташкил этишни таъминлайди;

– судланганларни қайта тарбиялаш борасидаги ишларни ташкил қилади, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилганларнинг белгиланган тартибга қатъий риоя қилишларини, улар билан сиёсий-тарбиявий ишларни амалга оширишни таъминлайди. Вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда судланганларнинг умумтарбиявий ва касбий-техник тайёргарлигини амалга оширади. Маҳкумларнинг шахсий хусусиятлари, жиноятнинг характери, шахснинг меҳнатга муносабати ва ижтимоий хавфлилигини ҳисобга олиб, уларга нисбатан қўлланиладиган тарбия воситалари ва тарбиявий ишларни амалга оширишда педагогика, психология ва бошқа фан ютуқларини қўллаган ҳолда индивидуал ёндашишни таъминлайди;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг ишга жойлашиши ва маиший таъминланишига ёрдам беради, улар устидан маъмурий назоратнинг амалга оширилишини таъминлайди, шунингдек шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан шартли озод қилинганлар устидан қонунга мувофиқ назоратни амалга оширади;

– шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишни тартибга солади, вазирликлар, муассаса ва транспорт корхоналари томонидан автотранспорт ва шаҳар электротранспорти ҳодисаларининг олдини олиш тадбирлари ўтказилишини таъминлайди;

– фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларга тегишли автотранспорт воситаларини рўйхатга олади ва ҳисоблайди, шунингдек уларнинг техник ҳолати устидан назорат олиб боради;

– кўчаларни, автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларини назорат қилади, ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди, йўл ва транспорт воситалардан фойдаланиш шартларини яхшилаш бўйича чоралар кўради, белгиланган тартибда кўчаларнинг алоҳида жойларида, автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигига таҳдид бўлганда тартиб ўрнатиш мақсадида автотранспорт, пиёдалар ҳаракатини чеклайди ва тақиқлайди;

– белгиланган тартибда корхона, муассаса ва бошқа объектларни, фуқароларнинг уйларини қўриқлашни ташкил қилади ва амалга оширади, шунингдек бирор корхонага тегишли қўриқлаш хизматини текширади, уларнинг қўриқлаш ишончлилигини ошириш ва харажатларини камайтириш чораларини кўради;

– давлатга қарши қаратилган ўта хавфли жиноятларга қарши курашишда давлат хавфсизлигини таъминлаш бора-сидаги тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

– Ўзбекистон Республикаси ИИВ ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади;

– жамоат бирлашмалари, ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади;

– «На посту», «Постда» газеталари ҳамда «Қалқон», «Шыт» журналларини нашр қилади;

– ўз ваколати доирасида ҳарбий сафарбарлик ишлари ва фуқаролар ҳимояси бўйича тадбирларни амалга оширади;

– фуқароларнинг ариза ва таклифларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини ташкил қилади;

– икки ёки кўп томонлама шартномаларнинг шартларида кўрсатилган тадбирларни амалга оширади¹.

ИИВни Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида лавозимига тасдиқланувчи ва озод этилувчи вазир бошқаради. Вазирнинг ваколатлари «Ички ишлар вазирлиги тўғрисида»ги низомда белгиланган. Вазир бўлмаган ҳолларда унинг мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари амалга оширади.

Ички ишлар вазирлигида вазифаларни келишилган ҳолда ҳал қилиш ва функцияларни амалга ошириш учун ҳайъат тузилади. Ҳайъат қарори вазир томонидан имзоланади ва унинг бажарилиши ички ишлар органлари учун мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик ҳайъати бошқа вазирлик ва идоралар билан бирга қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Бундай қарорлар қоида бўйича Ички ишлар вазири ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларининг биргаликда чиқарган буйруғи асосида ҳаётга татбиқ этилади.

Миллий хавфсизлик хизмати

МХХ ва унинг жойлардаги органлари чет эл давлатлари ва ташкилотларининг Ўзбекистонга қарши қарагилган разведка-қўпурувчилик фаолиятларига қарши курашади, Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, иқтисоди, илмий-техникавий ва мудофаа потенциалини қонунларга хилоф тажовузлардан ҳимоялайди. «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавф-

¹ Қаранг: *Рустамбоев М. Х., Никифорова Е. Н.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т., 2005. – 418-б.

сизлик хизмати тўғрисида»ги низом МХХ фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси МХХ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, алоҳида шаҳар ва туманларда бошқармаларини ташкил қилади.

МХХ Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятини душманлик кайфиятидаги давлатларнинг махсус хизматлари ва конституциявий тузумга қарши йўналтирилган ички кучларнинг жиноий тажовузлари таъсиридан самарали ҳимоя қилишни таъминлаш учун масъулдир ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга мунтазам ҳисоб бериб туради. Ўзбекистон Республикаси МХХ Конституция ва қонунларга зид келмайдиган буйруқ ва кўрсатмаларга асосан тезкор қидирув ва бошқа хизмат фаолиятларини амалга оширади.

МХХни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис томонидан тасдиқланадиган фармони асосида тайинланадиган раис бошқаради. МХХ раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари МХХ раиси тақдимига асосан Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тайинланади.

МХХ раиси ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунлар, Президент фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан ва уларни ижро этиш мақсадида буйруқ, кўрсатма ва йўриқномалар қабул қилади.

Хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини ташкил қилиш масаласини ҳал қилиш учун МХХ раиси (ҳайъат раиси) ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимлар таркибидан иборат ҳайъатни ташкил қилади. Ҳайъат аъзолари таркиби МХХ раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

МХХнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси манфаатлари асосида разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳисобланади.

¹ Ўша жойда.

МХХ органлари уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш олиб боради, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва суверенитетини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоялайди, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари хавфсизлигини таъминлайди, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва у ерда бўлган вақтларида хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради¹.

МХХ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари билан ҳамкорликда давлат чегарасининг дахлсизлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, давлат сирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Корхона, муассаса ва ташкилотларга тижорат сирларини сақлашда ёрдам кўрсатади.

МХХ органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари қарорига асосан, ички ишлар органлари билан бирга, фуқароларни ҳимоя қилиш, алоқа ва транспорт воситалари объектларини кўриқлаш, аҳолининг осойишталигини таъминлаш, муҳим халқ хўжалиги, ҳарбий объектлар, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни сақлаш, оммавий тартибсизликлар ва халқаро келишмовчиликларнинг олдини олиш, махсус шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида биргаликда чора кўриш юзасидан давлат органлари билан ҳамкорлик қилади, ҳарбий ҳолат вақтида миллий хавфсизлик хизмати органларининг сафарбарлик тадбирларини таъминлайди, давлат сирларини кўриқлаш, божхона қоидалари, ўқ-дори ва қуролларни олиш ва сақлаш қоидалари масалаларига бағишланган давлат миқёсидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолияти қонунийлик, барчанинг қонун олдида тенглиги ҳамда шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонпарварлик ва интернационализм принципларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати органлари зиммасига юклатилган *вазифаларни бажариш учун:*

¹ Ўша жойда.

1) белгиланган тартибда ошкора ёки ошкор қилмаган ҳолда оператив қидирув тадбирларини ўтказади. Жумладан, Ўзбекистон қонунчилигига асосан миллий хавфсизлик органлари томонидан тергов қилиниши лозим бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва очиш мақсадида техник воситалар ва далиллардан фойдаланади;

2) фуқароларнинг розилиги асосида ошкора ёки ошкор қилмаган ҳолда уларнинг ёрдамларидан фойдаланади. Шу билан бирга, фуқароларни ихтиёрий равишда хавфсизлик органларига штатсиз ишга қабул қилади;

3) прокурор рухсати билан алоҳида шахсларнинг почта жўнатмаларини назорат қилади ҳамда телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан фойдаланилган ҳолатларда уларнинг сўзлашувларини эшитади. Шунингдек, ушбу шахслар фойдаланадиган алоқанинг техник каналларидан жиноят содир этиш ва тайёргарлик кўриш ҳақида етарли маълумотлар бўлганда, Ўзбекистон қонунчилигига асосан хавфсизлик органлари юритувига тегишли бўлган ишларни юқорида санаб ўтилган чораларни қўллаш натижасида жиноят иши бўйича далил бўла оладиган хабарлар олиш мумкин бўлган ҳолларда маълумотлар олади;

4) ички ишлар органлари билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва очиш юзасидан оператив қидирув ишларини олиб боради;

5) хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ўтказишда ички ишлар органлари билан келишган ҳолда уларнинг куч ва воситаларини жалб қилади;

6) назорат қилиниши, амалдаги қонунчилик бўйича, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жиноятни содир этишда гумон қилиш учун етарли асос бўлган ёки жиноят содир этган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, шунингдек текшириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни текширади;

7) хизмат мақсадларида корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ёки фуқароларга тегишли (кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда) алоқа воситаларидан фойдаланади;

8) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда жиноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этган ёки содир этишда гумон қили-

наётган шахсларни кузатиш ва ушлаш, тез тиббий ёрдамга муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек воқеа ёки фалокат содир бўлган жойга етиб боришда корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларга тегишли (чет давлатга тегишли дипломатик ваколатхона, консуллик ва бошқа муассасаларникидан ташқари) транспортдан фойдаланиши мумкин;

9) қонунга асосан давлат хавфсизлик органлари юритуви-га тааллуқли бўлган жиноятларнинг бевосита олдини олиш ёхуд уларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни қидиришда, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда, хавфсизликка таҳдид солаётганда прокурордан бир сутка давомида рухсат олиш шarti билан куннинг исталган вақтида фуқароларга тегишли уйларга ёки корхона, муассаса ва ташкилотларга тегишли бино ва уларнинг ҳудудларига ҳеч қандай тўсиқларсиз киришга ва кўздан кечиришга ҳақли;

10) Ўзбекистон Республикасининг юқори органлари қарорига асосан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлаш тадбирларини ўтказиши ва бунда милиция ходимларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланади;

11) қонунга асосан миллий хавфсизлик органлари юритуви-га тегишли бўлган жиноятлар профилактикасини амалга оширади;

12) қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилган ёхуд хавфсизлик органлари жиноят содир этишда гумон қилиб ушланган шахсларни, алоҳида ҳолларда эса прокурор санкцияси асосида ички ишлар органлари, прокурор ва судлар томонидан ушланган ва қамоққа олинганларни, шунингдек қонунда кўрсатилган ҳолларда маҳкумларни сақлаш учун тергов изолаторлари ва бошқа ушлаб туриш жойларига эга бўлади;

13) ўз ваколатлари доирасида давлат сирларини, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, муассасалар, корхона ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари ва қонунда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий муассасаларига тегишли масалаларнинг хавфсизлигини таъминланишини ташкил этиш ва назорат қилишни амалга ошира-

ди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар чиқаради, тегишли чоралар кўрилиши ва унинг ижроси ҳақида ички ишлар органларини хабардор қилишни талаб қилади;

14) давлат кўмиталари, муассасалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифасини бажариш учун белгиланган тартибни тасдиқлайди ва улардан маълумотлар олади;

15) хавфсизлик органларига тегишли тезкор, тергов ва бошқа маълумотларнинг давлат сақловини амалга оширади ва уларнинг ҳисобини юритиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини белгилайди ва маълумотлар тизимини яратади.

МХХ раиси бўлимларнинг вазифаларини белгилайди, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман органлари штатлар сони ва структурасини тасдиқлайди. МХХ органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари раис томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик органларида офицерлар таркиби аттестациядан ўтказилади. Навбатдаги ва навбатдан ташқари ҳарбий унвонларни бериш масаласини ҳал қилиш учун аттестация комиссияси ташкил этилади.

Офицерлар ва сержантлар МХХда шартнома асосида, ҳарбий хизматчи кадрлар амалдаги захирада ёки МХХнинг захирасида Мудофаа вазирлиги рўйхатидан чиққан ҳолда бўладилар¹.

Давлат миллий хавфсизлик органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кафолатлайди. Миллий хавфсизлик хизматида ҳарбий хизматни ўтаётганлар давлат бюджети ҳисобидан мажбурий шахсий ижтимоий суғурга қилинади. Тўланадиган суғурга миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Миллий хавфсизлик хизмати органларида ҳарбий хизматни ўтаётганларнинг мулкига етказилган зарар уларнинг хизмат вазифаси ёки бурчини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлса тўлиқ миқдорда қопланади.

¹ Ўша манба. — 427-б.

Давлат божхона қўмитаси

Иқтисодий хавфсизлик масаласи мамлакат миллий хавфсизлигининг таркибий қисми ҳисобланади. Замонавий иқтисодий ривожланишни давлатларнинг ўзаро алоқаларисиз, халқаро иқтисодий муносабатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу соҳадаги муаммоларни қонуний ҳал этиш мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг гаровидир.

Сўнгги пайтларда давлатнинг товарлар, хизматлар ва ахборотларни халқаро айирбошлашдаги аҳамияти ошиб бормоқда. Давлат товарлар ва транспорт воситаларини чегарадан олиб кириш тартиби, божхона тўловлари ва солиқларни ўрнатади, ташқи иқтисодий муносабат иштирокчиларига божхона қоидалари ва уларни бошқаришни тартибга солишнинг бошқа шакллари аниқ ҳуқуқий актга асосланган ҳолда белгилайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ҳамда божхона постлари божхона органларидир. Улар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун ва соҳага тегишли бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларга амал қиладилар.

Божхона органлари божхона сиёсатини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. Божхона назорати божхона органларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларга амал қилинишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган қатор чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Божхона ишини ташкил қилишнинг асосий элементларидан бири божхона хизматининг фаолияти тузилишини танлаш ва уларнинг давлат ҳудудида тўғри жойлашишини белгилаш ҳисобланади. Божхона хизмати Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ягона тизими асосида қурилади.

¹ Қаранг: *Рустамбоев М. Х., Никифорова Е. Н.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. — Т., 2005. — 428-б.

ди ва амалга оширилади. Божхона органларининг ягона тизимини белгилаш ва ривожлантириш 1997 йилда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун ва Божхона кодекси билан бевосита боғлиқ.

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадilar. Уларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт.

Божхона хизмати давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимининг ҳарбий элементи бўлиб, ўз ваколатига кирувчи жиноятларга қарши курашиш ва божхона қоидаларини бузишнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Бироқ бу босқичда божхона органлари олдида давлат бюджети даромадининг бир қисмини шакллантириш, иқтисодий суверенитет иқтисодий хавфсизликни таъминлаш каби юксак масъулиятли вазифалар туради¹.

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

— Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

— божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

— божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

— божхона тўловларини ундириш;

— божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситаларининг назоратдан ўтказилишини таъминлаш;

— божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва қонунбузарликларга чек қўйиш;

¹ Ўша манба. — 418-б.

– ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикаси ҳамда товар номенклатурасини юритиш;

– Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

Божхона органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни қонун доирасида амалга ошириш учун кенг доирадаги ҳуқуқларга эга. Божхона органлари юридик ва жисмоний шахсларнинг товарлари ҳамда транспорт воситалари, уларнинг ҳужжатлари, жумладан уларнинг ўзларини ҳам текширишга ҳақли. Улар валюта назоратини амалга оширишга, молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларига доир маълумотларни қонунда белгиланган тартибда олишга ҳақлидирлар¹.

Божхона органлари оператив қидирув фаолиятни юритади ва суриштирувни амалга оширади. Шу билан боғлиқ равишда уларнинг фаолиятни самарали амалга оширишлари учун бир қатор ҳуқуқлари мавжуд. *Бу ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат:*

– товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахсларнинг ўзларини текшириш;

– юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситалари ёхуд зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

– валюта назоратини амалга ошириш;

– молия, банк ва бошқа ташкилотлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотларни олиш;

– божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;

– божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудлар ва биноларга белгиланган тартибда кириш;

¹ Қаранг: *Рустамбоев М. Х., Никифорова Е. Н.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. – Т., 2005. – 419-б.

– божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;

– божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;

– экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда, шунингдек акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон ҳудудида олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

– суриштирув ўтказиш ва оператив қидирув фаолиятини амалга ошириш;

– божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга («Божхона хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси).

Божхона органлари қуйидагиларга мажбурдирлар:

1) ягона давлат божхона сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

2) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

3) давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, агрёфмуҳитни муҳофаза этиш чора-тадбирларининг амалга оширилишига қўмаклашиш;

4) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши бўйича белгиланган тартибда услубий кўрсатма ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни нашр этиш;

5) юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш ҳамда божхона чегарасидан

ўтиш вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

б) ўз хизмат вазифаларини бажаришлари натижасида аён бўлган давлат ва тижорат сирларини ошкор этмаслик.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида давлат ҳокимияти вакиллари ҳисобланадилар ва уларнинг боғхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш борасидаги талабларини барча юридик ва жисмоний шахслар бажаришлари шарт.

Божхона органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятларига аралашшига ҳеч ким ҳақли эмас. Уларнинг қонуний талабларини бажармаслик, хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиш, ўз вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилик кўрсатиш, таҳдид, зўрлик қилиш ёки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш вақтида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда табель ўқотар куроли ҳамда махсус воситаларни сақлаш, олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқига эгалар.

Божхона органларида хизматни ўташ, боғхона органларининг мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Божхона фаолиятини ташкил этиш, ягона боғхона сиёсатини ўтказиш, унинг фаолияти тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва боғхона соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлда «Ўзбекистон Республикаси боғхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш ва унинг тузилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга асосан белгиланади.

Давлат боғхона қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланади ва Олий Мажлис тасдиғига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқармалари, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар бошқармалари ва махсус божхона комплекслари бошлиқлари Давлат божхона қўмитаси раисининг тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тайинланади.

Давлат божхона қўмитаси (ДБҚ) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан давлат бошқарув органи ҳисобланади. Қўмита ўз ваколатлари доирасида ягона божхона сиёсати юритилишини, божхона фаолиятида қонунчиликка амал қилинишини, Давлат божхона қўмитаси органлари самарадорлигини таъминлайди¹.

ДБҚнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– белгиланган тартибда республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

– Республиканинг божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– божхона қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

– божхона ишларини амалга оширишда фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш;

– божхона қонунчилигининг бузилиши ҳамда контрабандага қарши кураш, Ўзбекистон чегараларидан ноқонуний равишда наркотик, психотроп ва портловчи моддалар ўтказиш, қурол, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи тасвирий санъат, тарихий-маданий ва археологик мерос предметлари ҳамда интеллектуал мулк объектларининг олиб чиқиб кетилишини бартараф этиш;

– Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро шартнома келишувларида мустаҳкамланган бошқа вазифалар².

ДБҚ ўзига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидагиларни амалга оширади:

– ягона божхона сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий-иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқади,

¹ Ўша манба. – 419-б.

² Қаранг: *Рустамбоев М. Х., Никифорова Е. Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик.* – Т., 2005. – 420-б.

уларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлайди, божхона соҳасидаги қонун ва норматив актларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ишлаб чиқишда иштирок этади, ўз ваколатлари доирасида ва белгиланган тартибда божхона масалалари бўйича халқаро шартномаларни имзолайди;

– давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоялаш, республика божхона ҳудудини ўраб турувчи муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг амалга оширилишига таъсир кўрсатади;

– мустақил ёки давлатнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда контрабанда, божхона ва ўз ваколатлари доирасида солиқ қонунчилигининг бузилишига шунингдек, халқаро терроризмга қарши кураш ҳамда Ўзбекистон аэропортларида халқаро фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиларга таъсир этиш чораларини ишлаб чиқади;

– божхона органлари тегишли ишлар бўйича суриштирувни амалга оширади ва қонунга асосан божхона қоидаларини бузишга доир ишларни юритади;

– жисмоний ва юридик шахсларга қонунда назарда тутилган божхона қоидаларини бузганлиги учун белгиланган тартибда таъсир чораларини кўради;

– республика чегарасидан ноқонуний тарзда наркотик, психотроп ва портловчи моддалар ҳамда қурооллар олиб ўтилишининг олдини олиш мақсадида тегишли тадбирлар ишлаб чиқади ва уларни амалда қўллайди;

– республика ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда назорат остига олинган наркотик моддалар ва психотроп воситаларни ташишни амалга оширади;

– миллий хавфсизлик ва ички ишлар органлари билан ҳамкорликда қонунда белгиланган тартибда оператив қидирув фаолиятини амалга оширади;

– қоидабузарлик фактлари бўйича айбдорни жавобгарликка тортиш масаласи божхона органлари ваколатидан ташқарида

бўлган ҳолларда материалларни тергов, суд ва бошқа органларга беради;

– божхона органлари мансабдор шахсларининг қонунга риоя қилишларини назорат қилади, уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоят ва протестларни кўради;

– ташқи савдо юкларини расмийлаштириш пунктлари ва бошқа божхона инфратузилмаларининг сетини ўз ичига олган ҳолда божхона органларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқади;

– республика ҳудудида божхона ишларини ривожлантириш мақсадидаги тадбирларни ДБҚнинг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кутилмаган харажатларни қоплаш учун тузилган махсус фондлари ҳисобига молиялаштиради;

– хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мулк, портловчи моддалар ва буюмларнинг назоратини амалга оширади.

Тегишли қонунга асосан Давлат божхона кўмитаси зиммасига бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин. ДБҚ уларнинг самарали бажарилишини таъминлаш учун қонунда белгиланган қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– божхона ҳуқуқбузарликларини аниқлаш учун техника ва махсус воситаларни қўллаш;

– божхона органлари ваколатига кирувчи ишлар бўйича суриштирувни амалга ошириш;

– божхона қондаларини бузишга оид ишларни юритиш, кўриб чиқиш ва божхона қонунларини бузган юридик ва жисмоний шахсларга таъсир чораларини қўллаш, уларнинг профилактикаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– оператив қидирув фаолиятини амалга ошириш;

– божхона назоратидан ўтиши керак бўлган товар ва транспорт воситалари ҳамда уларнинг ҳужжатларини кўриш (қайта кўриш)ни талаб қилиш;

– товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек етарли асослар бўлган ҳолларда жисмоний шахсларни текшириш (қайта текшириш);

– товарлар, транспорт воситалари ва бевосита божхона ҳуқуқбузарлиги ашёларини ушлаш ва йўқ қилиш;

– божхона органларининг розилигисиз Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудини тарқ этган транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш, дарё, денгиз ва ҳаво кемаларини қайтариш;

– муҳрларни бузиш, юкхоналарнинг қулфли қурилмалари, юк бўлмалари, транспорт воситаларининг кузовлари, контейнер ва шу кабиларни очиш;

– божхона назоратига тегишли товарлар ва транспорт воситалари мавжуд бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қарашли бинолар ва ҳудудларга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш, шунингдек божхона органларига тегишли бўлган фаолият ва назоратни амалга ошириш;

– пробалар, товар намуналари ва бошқа предметларни олиб қўйиш, уларнинг текширувларини (экспертиза) ўтказиш;

– шахсдан унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатини талаб қилиш;

– вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан (мулкчилик шаклидан қатъи назар) божхона ишлари (назорати)ни амалга ошириш учун зарур маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

– божхона органларининг ходимлари ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида шахсий ҳимоя воситалари ва ўқотар қуролларни олиб юриш, қўллаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар¹.

Давлат божхона кўмитасида кўмита раиси – Ҳайъат раиси, унинг ўринбосарлари ва бошқа раҳбар ходимларни ўз таркибига олувчи ўқишдан иборат кенгаш тузилади. Ҳайъат таркиби ДБҚ раиси тақдимига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

ДБҚ ҳайъати иш регламенти унинг раиси томонидан белгиланади. Ҳайъатнинг қарори ДБҚ раиси буйруғи билан амалга оширилади. Бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қабул қилинган ҳайъат қарори эса ДБҚ раиси ҳамда

¹ Ўша манба. – 422-б.

тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг биргаликдаги буйруқлари билан амалга оширилади.

Божхона органларининг фаолияти, илмий, моддий-техникавий ривожланиши, бошқарув ва кадрлар билан таъминлаш масалаларини комплекс ҳал қилиш ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида фаолият низоми ДБҚ раиси томонидан тасдиқланувчи кенгаш ва комиссиялар тузилади.

6.4. Миллий хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли

Ўзбекистон Республикаси мудофаа салоҳиятини кучайтиришда унга кўмаклашувчи тузилмаларнинг аҳамияти катта. Масалан, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти ёшларни ҳарбийликка тайёрлаш ишларида мудофаа ишлари бўйича тегишли органларга ёрдам беради. Ҳарбий ўқув юртларида ўқиш хоҳишини билдирган фуқаролар ҳарбий лицейларда, умумтаълим ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар), Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятида, ҳарбий ўқув юртлари қошида ташкил этилган тайёрлов курсларида ёки мустақил тайёрланадилар¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Терроризм юртимизга илк маротаба ўзининг манфур башарасини намён қилган 1999 йилда янграган «Ўз уйингни ўзинг асра!» деган чақириқ миллионлаб юртдошларимизнинг қалбида акс-садо берди. Ўтган йиллар давомида Ватанимизда мустаҳкам тинчлик ва осойишталикнинг сақлангани ҳам бу даъватнинг ҳаётда ўз ифодасини топганини исботлайди. Бунда, айниқса маҳаллаларнинг фаол иштирокени алоҳида таъкидламоқ керак. Террор

¹ Қаранг: *Таджиханов У., Саидов А. Х.* Основы законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2000. – С.237.

хавфига қарши ўйлаб топилган энг замонавий техник воситалар билан бирга, халқимизнинг асрий қадриятига айланган маҳалла фуқаролар йиғини ҳам бу ишда ўзининг нақадар самарадорлигини исботлади.

Бироқ яқинда содир этилган террорчиликлар тинчликни мустаҳкамлаш борасида қилинган ишлардан бажарилиши керак бўлган ишлар кўплигини кўрсатмоқда. Чунки, халқаро террорчилик «ўчоқлари» Ўзбекистондан ташқарида жойлашган бўлса-да, афсуски, у ерларда бизнинг айрим фуқароларимиз (уларнинг аксарияти ёшлар) тайёргарликдан ўтишмоқда ва юртига қайтиб келиб, террорчилик актларини содир этмоқдалар. Демак, хорижда уларнинг раҳнамоларигина кўним топган, холос. Уларнинг кўлида эса айрим миллатимиз вакиллари «қўғирчоқ» бўлиб қолмоқда. Бунда, тан олиш керак бизнинг ҳам айбимиз бор. Уларга мактабларда, ўқув юртларида, маҳаллаларда ва энг муҳими оилада етарли тарбия берилмаган, эътибордан четда қолганлар. Аксарият ҳолларда оиланинг, маҳалланинг эътиборсизлиги туфайли ёт ғоялар кириб келади, бузғунчи ғояларни мазкур маҳалла ва оилага бегона шахслар олиб келади. Уларнинг фаолият юртишига қарши бутун маҳалла аҳли курашиши керак.

Очигини айтганда, айрим ота-оналар ўз вазифасини фарзандига нон топиб ёйишни ўргатишу тирикчилик сабоғини беришдан иборат деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бундай ишларни ҳар қандай парандаю дарранда ҳам қилади. Инсонга ота-она бўлиш катта масъулият юклайди, яъни ҳар бир боланинг аввало одам бўлиши, Ватани ва миллатини таниши, шу юрт ва элга муносиб фарзанд бўлиб вояга етишида биринчи навбатда ота-она масъул эканини асло унутмаслик керак.

Шу боис мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш масаласи нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифаси, балки ҳар бир юртимиз фуқаросининг муқаддаси бурчи ҳисобланади. Тўғри, миллий хавфсизлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Давлат божхона кўмитаси каби ваколатли органларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Аммо бу масалала фуқаролик жамияти

институтларининг, улар ичида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи кўшма мажлисида таъкидлаганидек, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган принципни ифода этиш, бунда авваламбор ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга кўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг аҳамияти ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозим¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрель қонунига кўра, шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятларининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чоратадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларда ижтимоий мослашув марказларига кўмаклашиш каби ваколатларни амалга оширади.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — 181-б.

Хукуматимиз томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг таклифига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибидаги мавжуд педагог-тарбиячи лавозими ўрнига диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан маъқулланди¹. Бу фармон асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий қилинди. Ушбу маслаҳатчини тайинлаш фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатига киритилди².

Маҳалла — аҳолининг умумий яшаш қоидалари ва ўзаро бирдамлик аънаналари билан боғланган маскан. Маҳаллалар минг йиллар давомида касб-ҳунар ёки миллий белгилар асосида таркиб топган. Масалан, Тошкент шаҳрида Профессорлар маҳалласи, Пичоқчилар маҳалласи, Заргарлик маҳалласи ва бошқа номлар билан аталган маҳаллалар мавжуд³.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин дейилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ёхуд «Маҳалла посбони», «Чегара посбони», «Ка-

¹ Қаранг: «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // Халқ сўзи. — 2004 й. — 27 май.

² Қаранг: «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2004. — № 5. — 90-м.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005. — 350-б.

молот» каби жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар. Жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш фаолиятидаги иштирокининг айрим турлари ва тартиби қонунчилик нормаларида аниқ кўрсатилган. Масалан, жиноят процессининг принципларидан бири жамоатчиликнинг жиноят ишларини юритишдаги иштирокидир. Жиноят ишларини тергов қилишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят содир этилишининг ҳолатларини ўрганиш, жиноятчиларни қидириб топиш ва ушлаш, уларни фош этиш ҳамда жиноятларнинг сабаблари ва содир бўлишига ёрдам берган шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш учун ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Бундай нормалар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Божхона кодекси, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун ва шу каби қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Қонунчиликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши кураш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнигина эмас, балки бутун жамиятимизнинг умумий вазифасидир¹.

Халқаро хавфсизлик тизимининг таркибий қисми бўлган мамлакат миллий хавфсизлигига кескин таҳдид солувчи хавфлардан бири терроризмдир. Терроризмнинг шафқатсиз оқибатларини ўз бошидан ўтказган мамлакатимизда ҳозирги кунда бу ёвуз иллатга қарши кураш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Унга қарши курашнинг қонунчилик асослари яратилди ва доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ана шундай ҳуқуқий асосга Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонунини кiritишимиз мумкин. Унда терроризмга қарши курашнинг асосий мақсад ва вазифалари, тушунчаси, принциплари, давлат органларининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари, терроризмга қарши курашда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, терроризмга қарши

¹ Қаранг: Абдусаломов М. Ю. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т., 2001. – 564-б.

операцияларнинг ўтказилиши каби масалалар ўзининг ҳуқуқий асосини топган. Ушбу ҳужжатга асосан терроризмга қарши кураш бўйича давлат органларига қуйидагилар кириди:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ва-

зирлиги.

Терроризмга қарши курашда иштирок этаётган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш борасида ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади (қонуннинг 8-моддаси).

Терроризмга қарши курашда Миллий хавфсизлик хизматининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

– террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш йўли билан терроризмга, жумладан халқаро терроризмга қарши курашни амалга ошириш;

– террорчилар, уларнинг гуруҳлари ва террорчилик ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш, улардан келиб чиқаётган таҳдиднинг миллий хавфсизликка қай даражада хавфи мавжуд эканлигини баҳолаш, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга маълумотлар тақдим этиш.

Терроризмга қарши курашда ҳар бир шахснинг огоҳ бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига қўмаклашадилар ва зарур ёрдам берадилар¹, деб кўрсатиб ўтилган.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – 184-б.

Биз миллий хавфсизликни таъминлаш, унга хавф солувчи омилларга қарши курашиш жараёнида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти ҳамда ваколатлари тўғрисида гапириб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифалар фақатгина давлатнинг тегишли ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан амалга оширилишини алоҳида таъкидлаб ўтишишимиз лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон Конституциясининг 121-моддасида шундай кўрсатилади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатиши мумкин».

90-йилларнинг бошларида Наманган шаҳрида «Адолат» деб номлаган жиноий гуруҳ жиноятчиликка қарши курашни ўзининг ваколоти деб эълон қилди. Мазкур жиноий гуруҳ вакиллари ҳеч қандай судсиз ва терговсиз ўзларига ёқмаган фуқароларни тутиб олиб, уларни ўзларича сўроқ қилиш, суд қилиш каби ноқонуний ҳаракатлар содир этдилар. Улар хатти-ҳаракатларининг оқибати шу билан яқунландики, ҳеч қандай айблари бўлмаган кўплаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўпол равишда топталди, жиноятчилик, айниқса рекет кучайиб кетди. Натижада ҳукуматнинг саъй-ҳаракати билан ноқонуний тузилмага барҳам берилди. Унинг аъзолари эса тегишли жавобгарликка тортилдилар. Бундан хулоса шуки, жиноятнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарар қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш, одил

судловни амалга ошириш фақатгина тегишли ваколатли органлар ва бу соҳада етарли билим ва малакага эга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим. Фуқаролар, жамоат бирлашмалари эса бу жараёнда уларга ёрдам кўрсатишлари керак.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. *Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?*

2. *Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясининг моҳиятини изоҳланг.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринасининг аҳамияти ҳақида сўз юритинг.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг хавфсизлик тизимидаги фаолияти нималардан иборат?*

5. *Нодавлат ташкилотлар ва уларнинг хавфсизлик борасидаги фаолияти тўғрисида фикр юритинг.*

6. *Миллий хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг қандай аҳамияти бор?*

7. *Президент И. А. Каримов асарларида хавфсизлик масалаларининг ёритилиши ҳақида фикр юритинг.*

8. *Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва ички омилларга қарши курашда фуқароларнинг ўрни қандай?*

9. *Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини муваффақиятли ривож ва фаолият кўрсатиши учун мавжуд норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапириб беринг.*

7-мавзу

ЎЗБЕКИСТОН ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ИНФОРМАЦИОН ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

- *Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида*
- *Глобаллашув инсоният тараққиётининг маҳсули сифатида ва унинг муаммолари.*
- *Глобаллашув инсоният тараққиётининг маҳсули сифатида ва унинг муаммолари*
- *Глобаллашувнинг турли кўринишлардан бири -- ахборот глобаллашуви*
- *Ўзбекистонга қарши қаратилган информацион бўҳтонлар ва улар ортига яширинган манфаатлар*

7.1. Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида

Ўзбекистон миллий хавфсизлигига хуруж қилувчи таҳдидлар ичида кейинги пайтларда информацион (ахборот) таҳдидларнинг хавфи жамиятнинг сиёсий-маънавий, иқтисодий асосларига нисбатан янада ортиб бормоқда. Бу таҳдидлар, бир томондан, баъзи давлатлар ва сиёсий кучларнинг сиёсий манфаатлари асосида, иккинчи томондан, мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг мустақил, демократик субъекти сифатида ўз чегараларини дунё учун кенг очиши XXI асрнинг ўзига хос кўринишларидан бўлган глобаллашув жараёнининг айрим салбий таъсирлари остида кучайиб бормоқда.

Инсоният цивилизацияси ютуқларидан ҳисобланган ахборот ва ахборот воситаларининг тараққиёти ҳозирги кунда жамият ривожланишининг энг муҳим талабларидан бирига айланди. XXI асрнинг ўзига хос хусусияти бу даврнинг ахборотлар учун кураш асри эканлигидир. Айни вақтда кимнинг қўлида ахборот ва уни бошқариш ричаги бўлса, у бевосита

ҳукмрон кучнинг эгасига айланади. Бир қанча халқаро жарёнлар бунга мисол бўла олади.

Инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, миллат барҳаётлигида қадим-қадимдан муҳим бир жиҳат доимий амал қиладики, бугун унинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бунда гап: а) макон ва ушбу маконда асрлар оша таркиб топган жамият, унинг аъзолари, яъни одамлар ўртасидаги алоқа; б) яшаш ва ривожланишнинг узлуксизлигини таъминлаш йўлида маконда мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланиш учун маконнинг жамият томонидан назорат қилиниши; в) макон ҳамда унда мавжуд ресурслар устидан давлат ёки сиёсий ҳокимият субъекти томонидан зарур назоратнинг ўрнатилиши билан боғлиқ масалалар тўғрисида бормоқда¹. Яқин вақтгача муайян жамият томонидан маконни, ундаги ресурсларни миллат тараққиётига ишлатиш мақсадида назорат қилиш ва уларни «ушлаб туриш» бугунгига қараганда унчалик мураккаб бўлмаган. Бу иш анъанавий воситалар ва услубларга таяниб амалга оширилган. Чунки макон нисбатан яхлит бўлиб, у айна вақтдагидек ҳаддан зиёд диверсификация, яъни қисмлар, қатламларга ажралишни бошидан кечирмаган эди. Эндиликда вазият ўзгармоқда. Янги омиллар ва ўзгаришлар натижасида маконда жиддий ўзгаришлар, яъни ажралиш тенденцияси кучайдики, бу ҳаётдагина эмас, балки фан ва илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳозирги пайтда олимлар ижтимоий ривожланиш ҳамда фан ютуқларига асосланиб, маконни тўрт асосий қатламга ажратмоқдалар. Яъни, маконнинг физик ҳолатини акс эттирувчи географик макон билан бир қаторда, иқтисодий, мафкуравий ва информацион маконларга ажратиб тасаввур қилишмоқда².

Юқоридагилар ичида кейинги пайтларда аҳамияти жиҳатидан муҳимлиги ортиб бораётганларидан бири информацион макон ҳисобланади. Зотан, уни назорат қила олмаслик ва ундан унумли фойдалана билмаслик ёки, энг хавfli жиҳати, «миллатнинг маконга нисбатан ҳис этиш қобилияти»нинг заифлашуви — давлат заифлашувининг яққол белгилари.

¹ Қаранг: *Мирносиров М.* Информацион макон — миллий хавфсизликнинг муҳим жабҳаси // *Жамият ва бошқарув.* — 2003. — № 3. — 43-б.

² Ўша жойда.

ридан биридир¹. Бунда гап муайян давлат ёки миллатнинг нафақат информатсион, балки миллий хавфсизлиги ҳақида ҳам бормоқда. Масалан, АҚШ қонунчилигида информатсион маконни муҳофаза қилиш иши анъанавий, биринчи ўринда ҳимояланиши лозим бўлган почта, телеграф ва телефон билан тенглаштириб қўйилган. Ушбу давлат ҳар йили ўз ҳудудидаги интернет хавфсизлигини таъминлаш мақсадида беш миллиард доллардан ортиқ маблағ ажратиб келган бўлса, ички локал тармоқлар хавфсизлиги учун камида уч миллиард доллар сарфлар экан². 2002йил 11сентябрь воқеаларидан кейин ушбу харажатни яна икки миллиардга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши қошида ихтисослаштирилган Информатсион хавфсизлик қўмитаси ташкил этилганлиги ва бошқа тадбирлар мамлакат келажаги учун информатсион макон қанчалик улкан аҳамият касб этаётганлигини равшан кўрсатувчи фактлардир³.

Ўзбекистонда ҳам ўз миллий информатсион маконига эга бўлиш ва уни назорат қилиш қобилиятини ошириш шу кунда, айниқса долзарблик касб этмоқда. Давлатнинг мудофаа қобилиятини оширишдан тортиб, то миллийлигимизни муҳофаза этишгача бўлган барча тадбирлар ана шу сиёсатга боғлиқ.

«Ахборот хавфсизлиги» — жамият ахборот майдонини ҳимоя қиладиган, инсонга, фуқарога, давлатга хизмат қиладиган тушунча. Буни тўғри ва тўла англаш учун «ахборот», «ахборот майдони» нима эканлигини билиш лозим. Ахборот — бирор нарса тўғрисида олинган маълумотлар. Маълумот эса тўлиқ ёки қисқа, ҳолисона ёки ноҳолис, ижобий ёки салбий, қизиқарли ёки зерикарли, долзарб ёки оддий, фойдали ёки фойдасиз, самимий ёки ғаразли ва ҳоказо мазмунларда бўлиши мумкин. Ҳақиқий ахборотни сохта ахборотдан ажрата билиш эса чуқур билим ва иқтидорни талаб этади⁴.

¹ *Комлева Т. А.* Геополитическое сжатие // *Мировая экономика и международные отношения.* — 2003. — № 2. — С.66.

² Қаранг: *Мирносиров М.* Информатсион макон — миллий хавфсизликнинг муҳим жабҳаси // *Жамият ва бошқарув.* — 2003. — № 3. — 43-б.

³ Ўша жойда.

⁴ Қаранг: *Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати.* — Т., 2005. — 109-б.

Президентимиз айтганидек, хавфсизлик ҳадсиз-ҳудудсиздир. Шундай экан, информатсион хавфсизликни таъминлаш ишида макро ва микро даражада бир хил масъулиятли иш олиб борилиши даркор. Бу борадаги халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари ва чора-тадбирлари ҳар бир алоҳида олинган катта-кичик давлатларнинг геосиёсий имкониятларини кенгайтиришда сезиларли ўрин эгаллайди¹. Негаки, классик интервенция, яъни янги ҳудудларни босиб олиш йўли билан муайян давлатнинг ўз макони мавқеини оширишга интилиши зарарли бир ҳодисага айланган шу кунларда информатсион макон барча халқаро субъектларнинг мавқеи ва имиджининг ошишига хизмат қилиши лозим.

Информатсион макондаги адолатли халқаро сиёсат у ёки бу мамлакатнинг қийин бир ҳолатга тушиши, яъни геосиёсий қўламининг торайишига эмас, аксинча, геосиёсий имконияти ва таъсирининг маърифий кенгайишига хизмат қилиши лозим. Зеро, ҳар бир мустақил давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам глобал информатсион маконнинг геосиёсий тўқнашувлар эмас, балки ўзаро ҳамкорлик имкониятларининг кенгайиши майдони бўлиб қолишидан манфаатдордир.

Афсуски, ҳанузгача айрим қудратли давлатларнинг информатсион сиёсатида баъзи салбий ҳолатлар яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, информатсион ҳужумлардан классик маънодаги экспансия учун қулай имконият ёки қурол сифатида фойдаланиш давом этмоқда. XX аср воқеликларига тубдан зид равишда ахборот ва коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда информатсион манипуляция орқали янги-янги ҳудудларни қарамликда ушлаб туриш сиёсати олиб борилмоқда. Информатсион-коммуникацион экспансия нисбатан талафотсиз бўлгани туфайли ҳам қудратли куч марказлари ана шу йўлга ўтиб олишмоқда. Мутлақ сиёсий-маданий таъсир ёки бошқарувни қўлга киритиш бугунги информатсион интервенциянинг энг асосий мақсадларидан бирига айланмоқда².

¹ Қаранг: *Мирносиров М.* Информатсион макон — миллий хавфсизликнинг муҳим жабҳаси // *Жамият ва бошқарув.* — 2003. — № 3. — 44-б.

² Ўша жойда.

Миллий манфаатларни таъминлаш баҳонасида бир томоннинг информация-коммуникация ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиши иккинчи томоннинг мағлубияти, имкониятларини бой бериши билан якунланмоқда. Информация соҳасидаги имкониятлар бошқа мамлакатларнинг бошқарув тизими, аҳолисининг онги, руҳияти ва хулқ-атворини ўзгартиришга сабаб бўлишдан ташқари, келгусида иқтисодиётнинг фақат информация ва коммуникация воситаларига асосланган батамом янги тармоқларининг пайдо бўлиши ва унга таянган ҳолда анъанавий хўжалик тармоқлари даражасида қолишда давом этаётган маконларга тазйиқнинг кучайтирилиши эҳтимолини ҳам туғдирмоқда. Масалан, америкалик иқтисодчи олим Л.Туроу ХХI асрни сунъий интеллект уал ресурслар тараққиётига боғлиқ иқтисодиёт соҳалари равнақ топадиган аср бўлади, дея башорат қилиб, у ёки бу давлатнинг геосиёсий куч-қудратини айнан шу соҳалар белгилаб беришини айтади¹. Чунки информация-коммуникация имкониятлари юқорида айтилган ўзгаришлар асосини ташкил этиши бугун ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бу далил ва шарҳлар эса келажакда информация соҳасида тараққиётнинг олдинги чизигига чиқиб олган давлатларгина бошқаларга геосиёсий таъсир этиш борасида улкан имкониятларни қўлга киритади, деган хулосага олиб келади².

Жамиятда демократик тамойиллар тобора чуқурлашган сари сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг турли кўринишдаги намоёни, айниқса таъсир этиш кучи ошиб боради. Бу ҳолат сиёсий курашлар, ғоявий тўқнашувлар ва мафкуравий қарама-қаршиликлар силсиласида янада кескин, муросасиз тус олади. Маълумки, сиёсий курашлар даврида унинг қуролларидан бири сифатида сиёсий технологиялар катта аҳамиятга эга. Сиёсий технологияларни инструментал восита сифатида қайд этиш билан бирга, уларнинг умум эътироф қилинган кўриниши баъзан ноанъанавий, баъзида эса этика ва эстетикага зид ҳолатла-

¹ Қаранг: *Иноземцев В.* Переосмысливая грядущее // *Мировая экономика и международные отношения.* – 1998. – № 11. – С.18.

² Қаранг: *Мир, осиров М.* Информацион макон – миллий хавфсизликнинг муҳим жабҳаси // *Жамият ва бошқарув.* – 2003. – № 3. – 44-б.

ри ҳам мавжудлигини унутмаслик даркор. Бу ҳолатлар эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ахборот маконларига салбий таъсир кўрсатувчи деструктив сиёсий технологиялар, бошқача айтганда «қора PR» усуллардир.

ОАВ — сиёсий коммуникацияларнинг ажралмас элементи ҳамда оммага таъсир кучи беқиёс бўлгани боис, деструктив технологиялар энг аввало ахборот маконида татбиқ этилади. Чунки матбуот сиёсий манипуляция қуроли сифатида кишиларнинг онгига таъсир кўрсатувчи муайян усуллардан фойдаланади. Унга кўра, ҳар қандай ахборот ёки маълумотни: а) қалбакилаштириш орқали уни ҳаққоний қилиб кўрсатиш; б) моҳиятини бузиб, тўлиқ бўлмаган ҳолда ва бир томонлама бериш; в) таҳрир қилиб, унга ўз шарҳи ва уйдирмаларни қўшиш; г) манипулятор манфаатига мос равишда таҳлил қилиш; д) муҳим жиҳатларини, аҳамиятли деталларини яшириш орқали мўлжалланган мақсадларга эришиш мумкин¹. Бундай манипуляция қилиш усуллари рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Айрим фактларни яшириб, бошқаларини бўрттириш ҳисобига реал воқеликни қасдан нотўғри кўрсатиш, ёлғон ва бўҳтон асосига қурилган аудиовизуал воситалар ва босма сўзлар ёрдамида аудиторияда салбий кайфият уйғотиш ва бу орқали тегишли нохуш психологик кўникмаларни ҳосил қилиш бундаги якуний мақсад ҳисобланади².

Ҳозирги фан ва технологиялар равнақи даврида бошқа кишиларнинг онги ва қалбига яширин, ғаразли мақсадлар билан таъсир кўрсатишни ифодалашда «манипуляция» сўзи ишлатилмоқда. Манипуляцияда, биринчидан, шахсга нисбатан зўрлик ёки куч ишлатилмайди, у маънавий, психологик хусусиятга эга бўлади, иккинчидан, бундай таъсирда асл мақсад яширин қолади (шу боис «ислом дини ниқобиди» деган ибора ишлатилади), учинчидан, ғоявий манипуляция зимдан таъсир кўрсатувчидан маҳорат ва билим талаб қилади. Шундай экан, ғоявий манипуляцияни мафкуравий қураш, ёт маф-

¹ Қаранг: *Алихонов Б.* Ҳозирги замон Ўзбекистон ахборот маконига сиёсий технологияларнинг таъсири: таҳдид ва ҳимоя // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. — 2004. — № 11. — 60-б.

² Ўша жойда.

кура вакиллари томонидан қўлланилаётган таъсир технологиясининг таркибий қисми деб аташ мумкин¹.

Гоявий манипуляция қандай кечади? Бунда турли усуллар қўлланилади ва ҳар хил сиёсий технологиялардан фойдаланилади. Улар ичида кейинги пайтларда сиёсатшунослар, журналистлар ичида жуда «мода» бўлиб қолган PR (Public relations) ҳам мавжуд. PR каби сиёсий қуроллардан фойдаланишнинг салбий оқибатлари шундан иборатки, бунда сиёсий ўйинларнинг асосий объекти бўлмиш халқ оммасининг онги жабрланади. Жамиятда одоб-ахлоқ ва маънавий тушунчаларга путур етади. Одамлардаги ишонч ва анъанавий кўникмалар йўқола боради. Сиёсий технологияларнинг деструктив усуллари нафақат давлат ва жамият тузилиши ҳамда фуқароларнинг онги ва эркинлигига, балки ахборот маконига ҳам хавф солади.

7.2. Глобаллашув инсоният тараққиётининг маҳсули сифатида ва унинг муаммолари

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўлиқ ҳимояланган бирорта ҳам давлат йўқ деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда турман деган мамлакат унинг таъсирига кўпроқ тушиб қолиши мумкин². Бундай ғайриихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга таъсири ҳам хилма-хил. Бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Жаҳонда бўлаётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаетган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳоди-

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси / Масъул муҳаррир И. Эргашев. – Т., 2005. – 99-б.

² Ўша манба. – 80-б.

санинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Акс ҳолда унга мослашиш, керак бўлганда унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарёнинг оқимига бошқарувсиз қайиқни топшириб қўйиш билан баравар бўлади¹.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаятган тадқиқотларнинг таҳлили бу борада ишлар эндигина бошланаётганлигидан гувоҳлик беради. Глобаллашув миллий маънавиятга ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар қандай сиёсат, жумладан иқтисодиёт ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина муваффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари ва хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Демак, глобаллашув турли мамлакатларнинг иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир².

Француз тадқиқотчиси Б.Банди глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканлигига урғу беради. Жумладан, глобаллашув

- муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- жаҳоннинг гомогенлашув ва универсаллашув жараёни;
- миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни³.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва миллий маънавиятига кўрсатадиган ижобий ва салбий таъсирлари тўғрисида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Ганди шундай деган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки

¹ Ўша манба. — 80-б.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлашини, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман»¹.

Шундай гоёлар борки, улар очиқ чеҳра билан эшигимизни тақиллатиб, кириб келади. Айримлари эса «ўғри» каби туйнук қидиради. Эшик қоқиб келадиган гоёлар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу гоёлардир. Зеро, миллий маънавиятлар ўзаро таъсир жараёнида ривожланади. Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқиндаги қўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб боради. Мамлакатимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. XX асрнинг бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Буни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, ўша «эшик»дан ёки «туйнук»дан миллий маънавиятга салбий таъсир кўрсатувчи гоёлар ҳам киришга ҳаракат қилади. Улар тарихий шакланган миллий қадриятларимизга, миллий маънавиятимизга ва маънавий ўзлгимизга таҳдид солишга ва уларни емиришга ҳаракат қилади.

Юқоридаги таҳдидларга қарши туриш ва курашиш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун халқимизни бирлаштирадиган, унинг асрий эзгу мақсадлари бўлган «келажаги буюк давлат»ни барпо этиш, ҳар бир шахснинг ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий мафқурани яратиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шартига айланмоқда. «Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафқуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, гоёвий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт гоёларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга ет-

¹ Миллий истиқлол гоёси / Масъул муҳаррир И. Эргашев. –Т., 2005. – 81-б.

казиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этмоқда»¹. Яъни, миллий маънавиятимиз ва маънавий ўзлигимизни бундай таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий истиқлол ғоясидан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқлигини Президентимиз И. А. Каримов мазкур фикр билан асослаб берган.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштиришга, ижтимоий тараққиёт кўндаланг кўяётган масалаларни ҳал қилишга ва четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимояланишга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари миллий ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтирди. Аслини олганда, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имкон даражада ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни долзарблаштирмас эди.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти шундаки, у одамларнинг онги ва хотирасида ғоялигича қолмай, амалда, ҳаётда акс этган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади².

Глобаллашувнинг салбий таъсирларига мустақил давлатчилик қуриш йўлига ўтган мамлакатларнинг ривожланишига тўсқинликларни ва уларни ўзи танлаган мустақил йўлдан қайтаришга, баъзи кучли давлатларнинг ўз манфаатлари асосида таъсир этишга уринишларини ҳам киритиш мумкин.

Глобаллашувнинг салбий кўринишларидан яна бири террорчиликнинг глобаллашувидир. Террорчилик кейинги йилларда миллий чегаралардан чиқиб, халқаро ҳодисага айланди. И. А. Каримов 1999 йили ЕХХТнинг Истамбул саммитидаги чиқишида шундай деган эди: «Бугунги кунда халқаро майдонда «совуқ уруш» кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб тобора кенг кўламда ва ҳужумкор моҳият касб

¹ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001. – 220-б.

² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси / Масъул муҳаррир И. Эргашев. – Т., 2005. – 87-б.

этаётган ашаддий миллий давлатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Буларнинг барчаси Марказий Осиё ва бошқа минтақалар мисолида яққол кўриниб турибди»¹. Мутахассис олимларнинг фикрича, жаҳонда 500 дан зиёд террорчилик ташкилотлари ва гуруҳлари бор. Мавжуд расмий маълумотларга кўра, 1975 йилдан 2004 йилгача, яъни ўттиз йил мобайнида улар томонидан ўн мингдан зиёд террорчилик ҳаракатлари дунёнинг деярли барча мамлакатларида содир этилган².

Маълумки, АҚШда 2001 йил 11 сентябрь воқеалари юз берган биринчи соатлардан бошлабоқ айбдорларни «қидирувчилар» ҳеч иккиланмай ушбу қонли террорчиликнинг жавобгарлигини мусулмон дунёсига қаратишга урина бошладилар. Европа ва Америкада ислом дунёсини «қора» қилиб кўрсатишни оддий халққа сингдириш каби ҳолатлар кузатилди. Ҳақиқий террорчиларнинг асли кимлиги бир ёқда қолиб, турли динларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга уринилди. Буларнинг салбий оқибатлари эса Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ғоявий зиддиятларни янада чуқурлаштирмоқда.

Жаҳон миқёсида терроризмнинг ашаддийлашиб бораётгани фақат бугун маълум бўлган ҳақиқат эмас. Терроризм айрим мамлакатларга ёки маълум динларгагина хос нарса ҳам эмас. У баъзан дин ниқобида, гоҳо сиёсат либосида, баъзан эса тўғридан-тўғри, очиқ разиллик кўринишларида амал қилиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида, ҳозирги кундаги АҚШ – Эрон муносабатлари, Исроил – Фаластин муносабатлари устида кетаётган халқаро баҳс ва мунозараларни ёки Дания матбуотида пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг карикатура қилиниши муносабати билан мусулмон дунёсининг ғазабга келиши ва бунинг оқибатида кўплаб мамлакатларда тартибсизликлар келиб чиқишини мисол келтиришимиз мумкин. Қайд этилган мисоллар Шарқ ва Ғарб ўртасида кескин-

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – 83-б.

² Сафарова Н. О. Террорчилик глобаллашувининг баъзи сабаблари // Халқаро муносабатлар. – 2005. – № 1. – 35-б.

лик кучайиб бораётганини кўрсатади. Бундай ҳолатларни баъзи олимлар сиёсатшунос С.Ханггинтоннинг «Цивилизациялар тўқнашуви» назариясига қиёс қилмоқдалар. Бу эса, албатта халқаро муносабатлар ва хавфсизлик масалаларида салбий башоратлар қилинишига олиб келмоқда.

Куръони каримда урушга, тинч аҳолининг қони тўкилишига сабаб бўлувчи фитнанинг нақадар катта гуноҳ эканлиги алоҳида таъкидланади: Масалан, «Фитна қотилликдан ҳам ашддийроқдир» («Бақара» сураси 191-оят), яъни одам ўлдиргандан ҳам ёмонроқдир, дейилади. Чунки қотил бир инсонни ўлдирса, фитначилар тарқатган бузғунчи ғоялар ва нотўғри таълимотлар оқибатида дунёдаги мамлакатлар, халқлар, турли дин вакиллари орасидаги узоқ ва машаққатли меҳнатлар натижасида эришилган тинчлик ва дўстлик алоқаларининг издан чиқиши, беғуноҳ одамларнинг қони тўкилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Фарбдаги айрим сиёсатдонларнинг мавжуд умумбашарий муаммоларни фақат диний омиллар билан боғлаши, оммавий ахборот воситаларининг ушбу ғояларни масаланинг моҳиятига етмай юзаки ва бир ёқлама ёритиши вазиятни янада кескинлаштирамоқда. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг баъзилар ҳатто халқаро терроризмни «цивилизациялар ва динларнинг тўқнашуви», яъни Шимол-Жануб, бойлар-камбағаллар, христианлар-мусулмонлар қарама-қаршичилигининг маҳсули деб эътироф эта бошладилар¹. Бундай чиқишлар «исломophobia» (исломга ғайирлик) кайфиятлари шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мутаассиб гуруҳларга қўл келиб, уларнинг гўё «жавоб» тариқасида ўта радикаллашуви ва, демакки, ёвузликнинг янги босқичи бошланишига замин яратмоқда².

Айни чоғда, Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгандан сўнг, уларнинг ҳудуди кўпгина христиан йўналишлари учун ўзига хос «очилмаган кўриққа» айланди. Миссионер ташкилотлар, асосан аралаш миллат вакиллари

¹ Қаранг: *Ҳуснидинов З. М.* Минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда диний омилнинг ўрни ва аҳамияти // *Халқаро муносабатлар.* – 2005. – № 1. – 12-б.

² Ўша жойда.

иборат оила аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка учраган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож бўлган инсонларга турли шаклда ёрдам кўрсатиш орқали уларни ўз динларига оғдириб олишга уринмоқдалар. Қолаверса, улар маҳаллий тилларда чоп этилган, христианликни тарғиб қилувчи адабиёт, аудио-видео кассеталарни бепул тақдим этиш, спорт мусобақалари уюштириб, қатнашчиларга буклетлар тарқатиш ва совғалар бериш, тиббиёт, таълим-тарбия соҳасидаги мутахассислар юбориш орқали ҳам фаолият олиб бормоқдалар.

Айниқса, миссионерлар ёшларни ўз динларига оғдиришга, хусусан болалар ва талабалар учун дам олиш масканлари ташкил қилиб, уларга диний ишлов беришга ҳаракат қилаётганликлари жиддий эътиборга молик. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда миссионерларнинг фаолияти туб миллат вакиллари оилаларида келишмовчиликлар, мусулмон ва прозелитлар орасида ўзаро низолар келиб чиқишига сабаб бўлди¹. Ўзбекистон ислом маданиятининг нафақат минтақа, балки дунёдаги асосий марказларидан бири бўлиши билан бирга, унинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашдаги мавқеи ишончли экани хорижий таҳлилчилар томонидан эътироф этилмоқда².

7.3. Глобаллашувнинг турли кўринишлардан бири — ахборот глобаллашуви

Глобаллашувнинг кўринишлардан бири ахборот глобаллашувидир. Ахборот глобаллашуви XXI асрга келиб минтақалараро коммуникация каналлари ва тармоқларининг ташкил этилиши, бу асрни робототехника, голография ва симсиз ахборот узатиш (шиша толали оптика)нинг ўзига хос қисмидан келиб чиқадиган телетрансляцион, трансчегаравий компьютерлар ва мегайўлдошли алоқа тизимлари асрига айлантирмоқда. Глобаллашувнинг бундай таҳлили янада фазовий кенгликни эгаллаб бориш, қуёш ва сув энергияси

¹ Ўша манба. — 14-б

² Ўша жойда.

ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон йўналишлари талабларига мос равишда суперкорпоратив тузилмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Аммо, юқоридагилар бошқа салбий ижтимоий жараёнлар — ишсизлик, экологик муаммолар, ахборотнинг ҳаддан ташқари зичлашиб кетиши ва электрон ахборот воситалари билан эҳтиётсизларча муомалада бўлиш кабиларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларни ҳал этишнинг мураккаблиги уларнинг жуда тез тарқалиши билан ҳам кучайиб бормоқда. Бу жараёнларни бошқариш эса борган сари мураккаблашиб борапти. Оқибатда ахборот воситаларига эгалик учун кураш кучайган ҳозирги кунда мазкур масала янада долзарблик касб этмоқда. Айни вақтда ривожланган давлатлар илғор ахборот воситаларига эга бўлган ҳолда ахборотларга эгалик қилиб, уларни ўз манфаатлари йўлида бошқармоқдалар. Илғор ахборот воситаларига етарли даражада эга бўлмаган (ривожланмаган ёки ривожланаётган) давлатлар албатта ҳозирги замоннинг бундай шитобдаги ахбороти учун курашда мағлубиятга учрамоқдалар. Бугун *информацион монополия* янада кучаймоқда. Информацион монополия ОАВнинг йирик корпорациялар, яъни медиамонополияларга бўйсуншидир¹. Бундай медиамонополиялар ўз навбатида трансмиллий олигополияларга айланмоқда. Яъни, уларнинг ҳокимияти бир давлат ҳудудидан ташқарига чиқмоқда. Улар томонидан тарқатилаётган ва бошқарилаётган ахборот эса бошқа давлатлар ҳудудига бевосита кириб бормоқда. Аммо, ҳозирги пайтда бундай *информацион монополизмга «янги халқаро информацион тартибот»* тарафдорлари қарши чиқмоқдалар².

Глобаллашув телевизион кўрсатувлар сонининг анча кўпайишига ёрдам беради ва уларни бошқаришни мураккаблаштиради. Шу билан бирга, ички ижтимоий соҳаларга сезиларли даражада зарар етказилади³. Монро Прайс глобалла-

¹ *Землянова Л. М.* Зарубежная коммунистическая в преддверии информационного общества: Толковый словарь терминов и концепций. — М., 1999. — С.72.

² Ўша жойда.

³ *Прайс Монро.* Телевидение, телекоммуникации и переходный период: право, общество и национальная идентичность. — М., 2000. — С.52.

шувнинг ахборот маконидаги таъсири тўғрисида қуйидаги икки асосни келтиради:

– глобаллашув демократик жараёнларни жиддий қўллаб-қувватлайди;

– глобаллашув демократик жараёнларга қарши¹.

Биринчи ҳолатда глобаллашув глобал рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади ва унда турли телевидениелар иштирок эта олишини назарда тутса, иккинчисида йўлдошлар орқали олиб берилаётган кўрсатувлар бошқа кўрсатувларни ҳамда мамлакат ичидаги рақобат қилмоқчи бўлган овозларни кучсизлантиради, муайян мамлакатнинг ички ахборот маконига ҳукмрон ахборот сифатида таъсир кўрсатади. Бунда ички ахборот четга чиқмайди ва глобал ахборот билан кенг майдонда рақобат қилиш имконияти камаяди. Андижон воқеаларини ёритиш билан боғлиқ муаммолар бунга яққол мисол бўла олади.

1992 йил Вашингтондаги тадбиркорлик бўйича Америка институти ташаббуси билан ўтказилган конференцияда олимлар мамлакатнинг оммавий маданияти ва глобал таъсир кўрсатишини муҳокама қилдилар. Улар кенг тарқалган Америка дастурларини посткоммунистик ўтиш жамиятларидаги демократиянинг ривожланишига таъсирини эътироф этдилар. Залда йиғилган олимлар, ахборот етказиб берувчилар, журналистлар Американинг поп маданияти электрон ОАВ билан биргаликда Шарқий Европа ва собиқ Совет Иттифоқидаги сиёсий ўзгаришлар жараёнларига катта таъсир кўрсатганлиги ҳақидаги хулосага келдилар². Шу билан бирга, эҳтиёткорона консенсус (мураса) қатор хавотирли хулосаларга келишга сабаб бўлди. Давом этаётган ва тезлашаётган Америка маданиятининг тўлқини келажакда мустақкам демократик институтларнинг ривожланиши учун таҳдид солиши мумкин³.

Инсоният бошидан кечирган ахборот инқилобларининг энг сўнггиси сифатида эътироф этилаётган интернет ва глобал телекоммуникациялар тизими шиддат билан ривожлан-

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

моқда. Компьютер технологиялари воситасида коинотга сунъий йўлдошлар чиқарилмоқда, ўзга сайёраларни тадқиқ этувчи космик аппаратлар бошқарилмоқда, ядро синтезлари, электр қуввати тақсимоти ва мураккаб тажрибалар амалга оширилмоқда. Ахборот-компьютер технологияларининг нафақат илмий-техника тараққиётига, балки дунёдаги сиёсий жараёнлар, инсонларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига ҳам ижобий таъсири кун сайин ортиб борапти. Ер юзидаги глобал ахборотлаштириш жараёни жаҳон халқларини ахборот жамияти сари етакламоқда. Бу интилиш йўлида янгидан-янги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлиши табиий.

Бироқ ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш ривожлангани сайин мазкур соҳадаги жиноятчилик ҳам ортиб, халқаро тус олмоқда. Бу соҳанинг жадал суръатларда такомиллашуви турли минтақалардаги жиноятчиларнинг ўзаро алоқаларига йўл очиши, уюшишига олиб келиши мумкин. Айни чоғда, дунё банк-молия тизимининг энг замонавий ахборот технологиялари асосида фаолият юритиши бир қанча салбий оқибатларга ҳам олиб келди. Халқаро жиноий битимлар тузиш фактлари бунга мисол¹.

Ахборот глобаллашуви ҳар бир давлатнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий асосларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Компьютер, интернет тармоғи маълум давлат ёки жамият ривожланишининг инкор этиб бўлмас элементига айланиши мумкин. Шу билан бирга, ундан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлиш ҳам талаб этилади. Компьютер жиноятчилигининг объекти бир давлатда, унинг ижрочиси эса бошқа давлатда бўлиши мумкин. Маълумотларга қараганда, компьютер жиноятчилиги дунё миқёсида ахборот технологиялари соҳаси ривожланиши ва компьютерлар сони ҳамда турлари ошишига мутаносиб равишда ўсиб бормоқда. Ўз навбатида, ахборот технологиялари соҳасига «ин қурган» жиноий гуруҳларнинг эътибори асосан банкларга, ёлгон ахборот эвазига пул кўчиришларга, молиявий фирибгарликларга қаратилган. Бундай гуруҳлар кўпроқ иқтисодий жиноятларни со-

¹ Қаранг: *Каримов А., Бакиров Ф.* Кибертерроризм — сиёсий таҳдид // Ҳаёт ва қонун. — 2004. — № 4. — 26-б.

дир этадилар. Жумладан, ноқонуний пул кўчириш, кредит карточкаларининг қалбакилаштирилиши, банк ҳисоб рақамидан пул-кредит ўғрилиги, молиявий захираларга хавф солувчи таҳдид, ноқонуний пул зарб қилиш, компьютер фирибгарлиги, технологик ғояни ўғирлаш, яъни ишлаб чиқариш жосуслиги, ахлоққа зид дастурий маҳсулотларни тарқатиш каби ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган иқтисодий жиноятлардир.

Кибернетика фанининг ютуқлари ва ахборот технологияларининг сўнгги намуналари билан қуролланган уюшган жиноятчиликнинг терроризм билан қовушиб кетгани ғоятда ачинарли. Бу ҳолат манбаларда кибертерроризм номини олган. Кибертерроризм компьютер тармоқлари ва тизимларида қайта ишланган сиёсий ахборотларга дахл қилиши, миллий ахборот захираларига таҳдид солиши, оқибатда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига кучли хавф туғдириши ёхуд оммавий тартибсизликлар ёки қуролли тўқнашувларни юзага келтириши мумкин. Кибертерроризм – тараққийпарвар кучларнинг тинчликсевар фаолиятига қарши қаратилган фаол сиёсий таҳдид².

Кибертерроризм интернетнинг очиклигидан фойдаланиб, террорчилик ҳаракатларига қўшимча равишда, давлатларни инқирозга юзлатиш, терроризмга йўналтирилган веб-сайтларни ривожлантириш, террорни қораловчи инфратузилмаларни кучсизлантириш, одамлар орасида ваҳима ва нотинчлик келтириб чиқариш мақсадларини кўзда тутади. Кибертеррорчилар жинойий шериклари билан мулоқотда, жинойий режаларига оид ахборот алмашишда, ўз сафларига янги жиноятчиларни ёллашда интернет хизматларидан мунтазам фойдаланишади. Глобал ахборотлашувнинг ривожланиши ва уюшган жиноятчиликнинг тобора «ахборотлашиб» бориши жиноятчиларни фош этишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки, уларга қарши кураш йўллари такомиллашиб бориши билан бир вақтда, бундай жиноят воситалари ва қуроллари ҳам такомиллашиб, жиноятчилар эса мослашиб боришмоқда.

¹ Қаранг: *Каришоев А., Бакиров Ф.* Кибертерроризм – сиёсий таҳдид // Ҳаёт ва қонун. – 2004. – № 4. – 27-б.

Бугун жамият ҳаётида ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини бирор бошқа нарса билан алмаштириб бўлмайди. ОАВ жамият маънавий, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг узлуксиз жабҳасига айланди. ОАВсиз бирор кунни тасаввур қилиш қийин. ОАВдан ўзига хос маънавий, мафкуравий, сиёсий, иқтисодий қурол сифатида фойдаланиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, Ал-Қоида террористик гуруҳи фаолиятида ОАВ орқали ғоявий кураш олиб бориш унинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Гуруҳ ҳар бир террористик хуруждан сўнг интернет материаллари, ОАВ, айниқса Қатарнинг «Ал-Жаъзира» телевидениеси орқали чиқишларида баёнот бериб, ўз қилмишларини асослашга уринади. Бу каби ҳаракатларни террорчиликни оқлаш учун аудитория яратиб бериш дейишимиз мумкин.

Аслида террорчилар бир қанча инсонларни шафқатсизлик билан ўлдириш орқали миллионларда қўрқув ва саросима уйғотишга интиладилар. Демак, уларнинг асл мақсадлари фақат ўлдириш эмас, балки бу орқали жамоатчилик руҳиятига кучли таъсир қилишдир. Таассуфки, баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари билиб-билмай терроризмнинг қўпоровчилик таъсирини янада оширишга «хизмат» қилиб қўймоқдалар. Тасаввур қилинг, террорчилар қўпоровчиликни амалга оширсалар бас, шов-шувга ўч айрим журналистлар ҳодисаларни қўшиб-чатиб ёки бўрттириб, террорчиларга бепул «реклама» қилиб берадилар. Зеро, «терроризм» сўзининг лугавий маъноси ҳам «қўрқув», «даҳшат», «ваҳима»ни англатади. Аҳоли орасида қўрқув, саросима, ваҳима уйғотмаслик учун ҳам бизнинг ОАВ миз нотўғри йўлни танламади, дейиш мақсадга мувофиқ.

7.4. Ўзбекистонга қарши қаратилган инфор­мацион бўҳтонлар ва улар ор­тига яширинган ман­фаатлар

Президент И.А.Каримов II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўз умрини яшаб бўлган, сиёсий жиҳатдан касодга учраган, коммунистик мафкурага асосланган тизимни соғиниб, қўмсаб гапирётган айрим сиёсат ва давлат арбоблари — эски тузум тарафдорлари яна қайтадан бош кўтараётганининг

гувоҳи бўлиш мумкин. Бундай «бош кўтараётганлар» жумлагига тарихан бой маънавий дунёмизнинг замонга мос равишда ўзгариб, миллий уйғониш руҳи ва миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига янада чуқурроқ кириб бораётганидан ғашланаётган айрим хорижлик «дўст»лар ёки ўзини «инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси» қилиб кўрсатаётганларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Уларнинг демократияни тарғиб қилишда миллатимизнинг ўзига хос ҳамда асрлар оша яшаб келаётган ва тарихан шаклланган тушунчалари, хусусан имон, инсоф, ор-номус, шарм-ҳаё, иффат, уят, андиша, ихлос ва меҳр-мурувват каби ноёб хислатларимизнинг умуминсоний қадриятларга нафақат мос келишини, балки айрим жиҳатлари билан устунлигини билмасликлари аён бўлиб қолди.

Оилавий можароларни ҳал этишда маҳалла кўмагига таянишни «инсон ҳуқуқларининг бузилиши» деб талқин этаётган «саводли» кишилар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64 ва 66-моддаларида «ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга» ҳамда «вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга» мажбурлиги кўрсатилган ва минг йиллик тажрибалар асосида мукаммал сайқал топган қоидалар эканини билармикан. Ёки баъзи хорижий нодавлат ташкилотлар Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда деб бонг урадилар. Чунончи, улар томонидан ўтказилган баъзи сўровларда: «Оила катталари сизнинг калта кўйлак кийишингизга қаршилиқ қилишадими?», «Кечқурун истаган вақтингизда уйдан чиқиб кетишингиз мумкинми?», «Телевизорда истаган фильмингизни, жумладан беҳаё фильмларни ҳам кўриш имкониятига эгамисиз?»¹ каби саволлар мавжуд бўлиб, уларга нисбатан ўзбек аёлларининг жавоблари асосида «аёллар ҳуқуқлари»нинг қай даражада таъминланаётганлиги бўйича хулоса чиқаришга уринишмоқда. Яъни, аёллар ўзларининг ўзбекона ор-номуси, шарм-ҳаёси билан бундай саволларга «Йўқ» деб жавоб беришса, у ҳолда «Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқлари таъминламаётган» бўлади. Ахир, булар Фарбга мос келсада, аммо шарқона ўзбек менталитетига ёт нарсаларку!

¹ Қаранг: *Мўминов Э., Гаффоров Р.* Миллий ғоя ва ўзликни англаш // Ҳаёт ва қонун. — 2004. — № 2. — 54-б.

Эркинлик, демократия ўзига ҳаммани бўйсундирмаслиги, забт этмаслиги керак. Улар ақл-идрокка бош эгиши ва унинг йўриғида юриши лозим. Ана шундан келиб чиқиб, энг аввало эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки у соғлом фикрлар ва шаклланган ақл-идрок таъсирида бўлсагина бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин¹.

Ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси, воқеа-ҳодисаларга муносабати ва уни баҳолаш мезони ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари масаласида ҳуқуқбузарликлар бўлмоқда деб бонг ураётганлар мустақиллик даври мобайнида қилинган ишларга кўз юмишга ҳаракат қилишади. Истиқдолга эришганимиздан сўнг юртимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик шаклланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II бўлими бутунлай инсон ҳуқуқлари масаласига бағишланган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 60 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилди, улардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олди ва бу масалада БМТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари яратилди ва кафолатланди. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида судларнинг мустақиллиги эътироф этилди. Адвокатуранинг аҳамиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари демократик талаблар асосида қайтадан кўриб чиқилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида янги, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шаклланди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти кабилар

¹ Қаранг: *ЖўраевН.* Агар огоҳ сен... Портретга чизгилар: Сиёсий эссе. – Т., 1998. – 54-б.

шулар жумласидандир. Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аниқ механизми шаклланди ва у доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Аммо барча ишларимиз идеал даражада дейиш ҳақиқатдан йироқ бўлади. Чунки, улуғларимиз гапи билан айтганда, иш бор жойда камчилик бўлади. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳам камчилик ва муаммолар бор. Уларни барта раф этиш борасида доимий равишда ишлар олиб борилмоқда. Бундай камчилик ва муаммолар бошқа давлатларда ҳам мавжуд. Ҳеч бир давлат идеал эмас. Масалан, Ироқда АҚШ ҳарбийлари томонидан Абу Грайб қамоқхонасида содир этилган қийноқларни ёки нафақат АҚШ, балки ўзини демократик деб ҳисоблайдиган кўплаб Ғарб давлатларида ҳам ҳамон ирқий камситишлар каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Шундай экан, бирор-бир давлатда инсон ҳуқуқлари бузилмоқда, бизнинг вазифамиз бу ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, керак бўлса, унинг ички ишларига аралашшига ҳаққимиз бор, деб жар солувчилар халқаро ҳуқуқда норма ёки принцип сифатида ўз эътирофини топмаган «гуманитар интервенция»ни қўллашлари олдин халқаро ҳуқуқнинг бузилиши мумкин бўлмаган асосий қоидаларидан ҳисобланувчи «бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик», «суверенитет» принципларига риоя қилишлари шарт.

Ўзбекистон дунёвий давлат. Унинг фуқаролари хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки умуман бирор бир динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро стандартлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга содиқ равишда мамлакатимизда, унинг Конституцияси ва қонунларида ҳар бир фуқаронинг диний эътиқод эркинлиги кафолатланган. Аммо диний эътиқод эркинлиги ёки динни давлатнинг конституциявий тузумини ағдариб ташлаш учун восита қилиб олиш, жамият ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиш ҳамда бошқа дин вакиллариининг манфаатларига тажовуз қилишга бўлган ҳуқуқ деб тушунмаслик керак. Чунки бундай ҳаракатлар дунёвий, демократик давлатни ағдариб ташлашга қаратилган бўлиб, амалдаги Конституция ва қонунларимиз асосида қатъий та-

қиқланади. Уларни содир этган ва содир этишга ҳаракат қилган шахслар албатта Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари асосида жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган қисқа давр мобайнида бир неча маротаба бундай жиноий қилмишлар содир этилди ва содир этишга ҳаракатлар бўлди. Ўзбекистоннинг мавжуд террористик ташкилот аъзолари фаолиятига қарши курашини баъзи хориж ОАВ ва мутахассислари фуқароларнинг диний эътиқоди учун таъқиб деб баҳолашга уринмоқдалар. Ваҳоланки, «Ваҳобийлик», «Ҳизб-ут-таҳрир», «Акромийлар» каби ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам дунёвий давлатни йўқ қилиб, ўрнига халифалик қуриш. Уларнинг бундай мақсадлари мамлакатнинг конституциявий тузумини ағдариб ташлашдан иборат эканлигини исботлашнинг ҳожати йўқ.

Афсуски, диний экстремизм ва фундаментализм хуружларидан зиён кўрган Буюк Британияда «Ҳизб-ут-таҳрир» ташкилоти қонуний ташкилот сифатида бемалол фаолият юритмоқда ва дунёда халифат қуришга даъват этиб келмоқдалар. Мазкур ташкилотнинг штаб-квартираси Лондонда жойлашган. Буюк Британиядаги ва баъзи мамлакатлардаги сиёсатдонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари «бу ҳаракат ўз мақсадларига тинч йўл билан эришишни истайди, улар қурол ишлатиш усулини қўлламайдилар» деган «асос»га суянишиб, «Ҳизб-ут-таҳрир»ни террористик ташкилотлар рўйхатига қўшишни пайсалга солиб келдилар. Бошқача айтганда, Лондондан минглаб чақирим узоқликда жойлашган ва халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, ўз ҳудудидида конституциявий тузум ўрнатган мустақил мамлакатларнинг аини тузумини қандайдир бегона кучлар ағдаришни мақсад қилиб юрса, бу халқаро нормаларга тўғри келар эмиш.

Энди шунинг тескарисини бир тасаввур қилиб кўрайлик. Масалан, Ўзбекистон ҳудудидида жойлашган бирор ташкилот ёки қандайдир ҳаракат Буюк Британиянинг конституциявий тузумини ағдариб ташлашни мақсад қилиб кенг фаолият юрита бошласа, бунга Буюк Британиянинг халқи, расмий доиралари, турли ташкилотлари ва ОАВ қандай муносабатда бўларкин?

Дунёвий давлат бўлган ва асосий аҳолисини христианлар ташкил этадиган Буюк Британия учун бундай гоёнинг нақадар хавфли эканлигини расмий Лондон, кўпинча қўллайдиган икки томонлама қарашлари туфайли ҳам, тан олгиси келмаяпти. 2005 йил Лондон воқеалари уларнинг кўзини яна бир марта очиб қўйган бўлса ҳам, бу масалага жиддий ёндашилмаяпти. АҚШ ва Буюк Британия каби давлатлар 2005 йил 13 майдаги Андижон воқеаларига ҳолисона баҳо бермай, Ўзбекистон ҳукуматига ўзларининг геосиёсий манфаатлари, яъни бу ерда барқарорликни кескинлаштириш ва «рангдор» инқилобларни амалга ошириш учун ахборот хуружларини давом эттирдилар. Улар Андижонда тинч намойиш бўлганлигини, унда демократия тарафдорлари ва исёнчилар иштирок этганлигини ҳар томонлама исботлашга ва Ўзбекистон ҳукуматига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, таъкидлаш керакки, тинч намойиш қуролсиз ва тегишли тартиб-қоидалар асосида ўтади. «Исёнчи» мақоми фақат қуролли можаролар вақтида қўлланилади. «Қуролли можаро» тушунчасини қўллаш учун эса, бундай ҳолат амалга оширилиши лозим. Қуролли можаролар вақти (доимий равишда, яъни кунлар, йиллар давом этиши) ҳамда макони (маълум бир ҳудудда, яъни қишлоқ, шаҳар ва шу кабилар) бўйича давомий бўлиши, бу вақтда қуролли можаро томонлари маълум бир ҳудуд (яъни қишлоқ, шаҳар ва бошқалар) ни ўз назорати остига олган ва у ерда тартиб ўрнатган бўлиши керак. Албатта, Андижондаги воқеалар жиноий тўдаларнинг зўравонлик хуружи Женева конвенцияларига қўшимча 1977 йилдаги халқаро бўлмаган қуролли можаролар тўғрисидаги II протоколда бундай хуружлар учун мазкур ҳужжат қўлланилмаслиги, жиноятчилар эса унинг ҳимоясига олинмаслиги қайд этилган. Андижон воқеалари бўйича жиноий тасниф фақат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси моддалари билангина квалификация қилиниши мумкин ва давлатнинг ички юрисдикциясига кирувчи иш ҳисобланади.

Аслида эса, Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда бўлаётган воқеалар бўйича мамлакат ва халқаро ҳамжамиятни доимий равишда огоҳлантириб турди. Тасдиқланган фактлар

бўйича мамлакат Президенти расмий баёнот бериб борди. Шунингдек прокуратура ва Ташқи ишлар вазирлиги бутун дунё оммавий ахборот воситалари вакиллари воқеалар тафсилотидан хабардор қилиб турди.

Миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланган ўзбек маънавияти ва маданиятига таҳдид солувчи ахборот хуружларига зўравонлик, порнография каби умуминсоний қадриятларга ёт материалларни оммавий ахборот воситалари ва интернетда очиқчасига тарғиб қилишни ҳам киритиш мумкин. Бундай тарғибот нафақат бизнинг менталитетимизга, балки бошқа турли жамиятларнинг миллий маданияти ва диний қадриятларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ахборот курашида фильмлар ҳам муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Масалан, жангари фильмлардаги қаҳрамонларни олайлик. Уларда АҚШ каби Фарб мамлакатлари кучли ва адолатли давлатлар сифатида кўрсатилгани ҳолда собиқ Иттифоқ ҳудудидаги мустақил давлатлар, Шарқ, айниқса мусулмон мамлакатлари салбий тарзда талқин этиб келинмоқда. Фильм мобайнидаги курашда ҳар доим бундай «салбий давлатлар» мағлубиятга учрайди. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлоднинг руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатади.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ибораси билан айтганда, «аҳолиси хуш хулққа эга бўлмаган мамлакатда ҳокимиятга эҳтиёж сезилади». Демак, жамиятнинг қандай демократлашуви, инсон эрки ва ҳуқуқларининг нечоғли тўла таъмин этилиши, энг аввало мамлакат аҳолисининг феъл-атвори, маънавий-ахлоқий ва руҳий камолотига боғлиқ экан. Агар аҳоли ўз хатти-ҳаракатларини маълум қонун-қоидалар йўналишига тушира билса, ақл-идрок, одоб ва ахлоқ категорияларини ҳаётининг ҳар бир дақиқасида намоён қилиб борсагина, жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамол, шахснинг яшаш тарзи етуқ, эркинликлари эса чексиз бўлади¹.

Форобийнинг мамлакат аҳолисининг феъл-атвори хусусидаги мулоҳазалари бундан минг йиллар бурун қанчалик долзарб бўлган бўлса, бугун ҳам шунчалик аҳамият касб этмоқда. Жумладан, у инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти

¹ Қаранг: *Жўраев Н.* Мафкуравий иммунитет. – Т., 2000. – 8-б.

эса ҳаракатда намоён бўлади, деган эди¹. Демак, инсоннинг инсонлигини ифода этувчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва тафаккур даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, уларнинг миқёси ва кўламига баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракат, ҳаётга ва атроф-муҳитга муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички қудратдир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Шарқнинг диёнат, ор-номус, шарм-ҳаё таъмоилларига таянгани ва асрлар мобайнида уларни олий қадриятга айлантиргани бежиз эмас. Шарқ халқларининг ҳаётга бундай муносабати кейинчалик ислом дини ақидалари билан уйғунлашиб бориб тобора такомиллашди ва маънавий етукликнинг янгидан-янги имкониятларини очиб берди.

Ҳар қандай мафкура халқнинг маънавий-руҳий эҳтиёжлари, миллий анъаналари ва турмуш тарзини ҳисобга олган тақдирдагина яшовчан, таъсирчан бўлади. Ўзбекистонда шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси эса худди ана шу таъмоилга асосланган¹.

Шарқ цивилизацияси ривожланиш жараёнида умумжаҳон цивилизациясига айнан маънавий-маърифий, маданий-ахлоқий жиҳатлари билан жуда катта таъсир ўтказган. Худди шу жиҳати билан Шарқ цивилизацияси инсоният ҳаётининг маданийлашувига, маърифийлашувига, юксак маънавият ва юксак ахлоқий мезонларнинг жорий этилишига сабаб бўлган.

Президент Ислом Каримов «Фидокор» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобларида бегона ғояларга қарши кураш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлагани ҳолда, бегона ғоялар таъсир қила олмайдиган, унга қарши кураша оладиган иммунитет зарурлигини уқтиради. Жумладан, у: «Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида Она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз лозим»³, — дейди.

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: *Жўраев Н.* Мафкуравий иммунитет. — Т., 2000. — 8-б.

³ Ўша манба. — 9-б.

Турли ғоявий хуружлар авж олаётган, улар бизнинг муқаддас ғояларимиз ва мақсадларимизга таҳдид солаётган бир пайтда ғожиалар содир бўлмасидан илгарироқ унинг олдини олишнинг энг тўғри ва ягона йўли бегона ва сохта ғояларга қарши ғоявий иммунитетни кучайтириш лозим. Буни Президентимиз жуда муҳим ва долзарб вазифа қилиб қўтарди.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборат. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш зарур. Албатта, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгига бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оққорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил 16 февраль, 2004 йилнинг март ва июль ойларидаги Тошкент ва Бухоро шаҳарларида содир этилган террорчилик хуружлардан тўғри хулоса чиқариш керак. Ҳар бир давлат ёки жамият қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига боғлиқ. Жамият ва миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қўллаши мумкин бўлган ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни енгиш мумкин эмас.

Ахборот хавфсизлигининг муҳим масалаларидан бирига глобал ахборот инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш киради. Ҳозирги кунда «ахборотли жамият» атамасининг кенг тарқалишига қарамай, мутахассислар бу борада ягона тўхтамга келишмаган. Баъзилари бу жамиятда «бутун дунё бўйича ахборотга осон ва эркин киришга имконият» дейишса, бошқалари «асосий объектга ва меҳнат натижаси ахборот ва билим» бўлган жамиятни тушунишади.

Шунинг учун ҳам ахборотли жамият хавфсизлиги муаммоси миллий ва халқаро жиҳатларда долзарб муҳокама объектга айланиб бормоқда. Инсон, жамият ва давлат манфаатларига дахл этиб, бундай жамиятнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи бир неча асосий манбаларни кўрсатиш мумкин. Хуружнинг хавфли манбаларидан бири оммавий ахборот воситаларини мулкдорларнинг кичик бир гуруҳи қўлида йиғилиши ҳисобланади.

Чунки ушбу кичик гуруҳ бутун жамиятни манипуляция қилиши, бегона қадриятларни тиқиштириш асосида жамият ичидаги ахлоқий ва миллий қадриятларни бузиши мумкин.

Ахборот соҳасида давлат манфаатларига хуружнинг нисбатан хавfli манбаларидан бири назорат қилиб бўлмайдиган «ахборот қуроли»нинг тарқалиши ва бу соҳада қуролланиш пойгасининг кучайиши ҳамда «ахборот уруши» олиб бориш концепциясини амалга ошириш ҳисобланади. «Ахборот қуроли» деганда қарама-қарши томонга, унинг ахборот инфратузилмаси, давлат бошқарув тизими, мудофаа қобилиятини камайтириш мақсадида ахборот соҳасига куч билан таъсир кўрсатиш имкониятини таъминлаб берувчи воситалар, усуллар ва технологиялар тушунилади. «Ахборот қуроли»нинг ахборотли жамиятни бузиш таъсири жуда ҳам кучли ва самарали бўлиши мумкин. Бу масала, айниқса ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Албатта, ҳар бир «ахборот қуроли»ни ишлатиш ортида сиёсий мақсадлар ётади ва мазкур жараён жамиятдаги сиёсий барқарорликка путур етказиши мумкин.

Бугунги дунёни ахборот дунёси дейишга асос бор, чунки ҳозирги замон ахборот технологиялари ёрдамида дунёнинг бир бурчагида содир бўлган воқеа ёки ҳодисани санокли дақиқалар ичида жаҳоннинг нариги бурчагига етказиш ёки бутун жаҳон бўйича тарқатиш мумкин. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ахборот технологияларининг бунчалик тез даражада ривожланиши ҳамда унинг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида ҳал этувчи омилга айланиши ахборот дунёсини жаҳондаги халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг ҳал этувчи омилига айлантирди.

Ахборот дунёси долзарблашиб бораётган ҳозирги пайтда ҳар бир мамлакатда унинг ижобий томонларидан оқилона фойдаланиш ва салбий томонларига қарши муваффақиятли курашиш учун жамиятнинг мустақил концепцияси бўлиши лозим.

Маълумки, мамлакатимиз ахборот хавфсизлиги давлат эътиборидаги масала. Шу муносабат билан Ахборот хавфсизлиги доктринасининг тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир. Доктрина мамлакатимизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш, мақсадли

дастурлар ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий, методик, илмий-техникавий ва ташкилий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими мамлакат миллий хавфсизлиги тизимининг бир қисмидир¹.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда унга қарши қаратилган инфор­мацион таҳдидларга замонавий воситалар, ривожланган онг ва миллий истиқлол мафқураси билан кураш олиб бориш долзарб ҳисобланади. Зеро, мазкур кураш тақдирини қирғин қуро­ллари эмас, балки кучли ва замонавий ахборот воситалари ва ғоявий иммунитет ҳал этади.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар

1. *«Ахборот хавфсизлиги» тушунчасига таъриф беринг.*
2. *Информацион таҳдид нима?*
3. *«Ахборот глобаллашуви» тушунчасини изоҳланг.*
4. *Маънавий ва инфор­мацион таҳдид қўрғонлари тўғрисида нималарни биласиз?*
5. *Жаҳон ва ахборот дунёси ҳақида сўз юритинг.*
6. *Оммавий ахборот воситаларини маънавий-мафқуравий, сиёсий-иқтисодий қуролга айлан­тириш жараёнлари тўғрисида фикр юритинг.*
7. *Ғарб ва Шарқ диалоги ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари нигоҳида қандай акс этади?*

¹ Қаранг: *Мухаммадиев А.* Ахборот хавфсизлиги ҳимояси // Ҳаёт ва қонун. – 2004. – №2. – 41-б.

АСОСИЙ АДАБИЁТ

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
- Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996.
- Каримов И. А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996.
- Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., 1996.
- Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996.
- Каримов И. А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т., 1997.
- Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т., 1998.
- Каримов И. А.* Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қура-миз. Т.7. – Т., 1999.
- Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000.
- Каримов И. А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2001.
- Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002.
- Каримов И. А.* Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т., 2003.
- Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т., 2004.
- Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т., 2005.
- Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т., 2006.
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т., 1992.

Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни (Ўзгартириш ва қўшимчалари билан) / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998. — №5—6.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — №9.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи. — 2001 й. — 20 янв.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисидаги фармойиши // Халқ сўзи. — 2001 й. — 20 янв.

Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Ўзбекистон Республикаси. — Т., 1998.

Абдулазиз Мансур. Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи моҳияти ва бугунги хавфи. — Т., 1999.

Ахмадшоева М. А., Расулов Ш. В. Сайлов қонунчилиги: 100 саволга 100 жавоб. — Т., 2004.

Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. — Т., 1992.

Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. — Т., 2000.

Аминов Б., Расулов Т. Ватан — юракдаги жавоҳир. — Т., 1996.

Алихонов Б. Ҳозирги замон Ўзбекистон ахборот маконига сиёсий технологияларнинг таъсири: таҳдид ва ҳимоя // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. — 2004. — №11.

Гадоийбоев А. Халқ йўли — ҳақ йўл. — Т., 2004.

Гадоийбоев А., Абдуллаев Н. «Маҳалла» фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. — Т., 2006.

Гафарли М. С., Касаев А. Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик тараққиёт асоси. — Т., 2001.

Дэвид Битэм, Кевин Бойл. Демократия: 80 саволга 80 жавоб. — Т., 2001.

Жўраев Н., Файзуллаев Т. Ўзбекистоннинг янги тарихи. — Т., 2000.

Жўраев Н. Агар огоҳ сен... — Т., 1998.

- Жўраев Н.* Гоявий иммунитет ёки маънавий халоскорлик туйғуси. – Т., 2001.
- Жўраев Н.* Мафкуравий иммунитет. – Т., 2000.
- Жалилов Ш.* Кучли давлатдан – кучли жамият сари. – Т., 2001.
- Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларинг тарихи. – Т., 2001.
- Имомназаров М., Эшмуҳамедова М.* Миллий маънавияти-миз асослари. – Т., 2001.
- Иброҳимов А., СултоновХ., ЖўраевН.* Ватан туйғуси. – Т., 1996.
- Иноземцев В.* Переоосмысливая грядущее // Мировая экономика и международные отношения. – 1998. – №11.
- Комилов Н.* Нажмиддин Кубро. – Т., 1995.
- Комлева Т. А.* Геополитические сжатие // Мировая экономика и международные отношения. – 2003. – №2.
- Левитин Л., Карлайн Д.* Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т., 1996.
- Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш паллаеида. – Т., 2001.
- Мамадалиев Ш. О.* Сиёсий ҳокимият ва манфаат. – Т., 1996.
- Мамадалиев Ш. О.* Халқ ҳокимияти. – Т., 2003.
- Мамадалиев Ш. О.* Ўзбек кашфиёти // Халқ сўзи. – 2001 й. – 7сент.
- Мирзаев А.* Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т., 2000.
- Мухаммадиев А.* Ахборот хавфсизлиги ҳимояси // Ҳаёт ва қонун. – 2004. – №2.
- Мирносиров М.* Информацион макон – миллий хавфсизликнинг муҳим жабҳаси // Жамият ва бошқарув. – 2003. – №3.
- Одилқориев Ҳ. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002.
- Пахрутдинов Ш.* Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т., 2001.
- Рахматов О.* Огоҳлик муқаддас бурч. – Т., 2000.

Рустамбоев М. Х., Никифорова Е. Н. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: Дарслик. — Т., 2005.

Сафарова Н. О. Террорчилик глобаллашувининг баъзи сабаблари // Халқаро муносабатлар. — 2005. — №1.

Имом Термизий. Саҳиҳи Термизий. — Т., 1993.

Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. — Т., 2001.

Тюриков В., Шоғуломов Р. Ўзбекистон Республикаси 100 саволга 100 жавоб. — Т., 1998.

Турсунов А. С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Мудофаа ва хавфсизлик. — Т., 2005.

Таджиханов У., Саидов А. Х. Основы законодательства Республики Узбекистан. — Т., 2000.

Тухлиев Н., Кременцова А. Республика Узбекистан. — Т., 2001.

Шарофиддинов О. Мустақиллик меъмори. — Т., 2003.

Турон У. Туркий халқлар мафқураси. — Т., 1995.

Хантингтон С. Столкновение цивилизаций // Интернет материаллари.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005.

Қобилов Ш. Р. Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида. — Т., 2002.

Қобилов Ш. Р. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т., 1999.

Қобилов Ш. Р. Глобаллашув ва хавфсизлик. — Т., 2006.

Қобилов Ш. Р. Коррупция ва хавфсизлик. — Т., 2006.

Қобилов Ш. Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари. — Т., 2006.

Эргашев И. Миллий истиқлол ғояси. — Т., 2005.

Юсунов Э. Миллий ғоя ва мафқура: моҳияти, ижтимоий-тарихий илдизлари, аҳамияти. — Чимкент, 2001.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ

Алимасов В. Конфуцийлик ва Шарқ давлатчилиги. – Т., 2006.

Алимасов В. Конфуций жамият ва давлатни бошқариш ҳақида // Жамият ва бошқарув. – 2005. – №3.

Абдуазизова Н. А. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари. – Т., 2003.

Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. – Т., 1996.

Жўраев Н. Янгилаштирилган концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т., 2002.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: Тўплам / Масъул муҳаррир А. Х. Саидов – Т., 2004.

Мамадалиев Ш. О. Маънавий таҳдид ва ижтимоий-сиёсий ҳавфсизлик муаммолари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1998. – №4.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари. – Т., 2001.

Тожибоев М. Маҳалла – ҳаётимиз кўзгуси // Гулистон. – 2003. – №3.

Хонназаров Қ. Миллий менталитет: – тараққиёт омили // Мулоқот. – 2000. – №3.

Хайруллаев М. М. Буюк истеъдод соҳиблари. – Т., 2002.

Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Т., 1998.

Эргашев У. Юсуф Ҳамодоний ва Абдуҳолиқ Гиждувоний – хожагон тариқати асосчилари. – Т., 2003.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
1-мавзу. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ	6
1.1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанининг категориялари ва вазифалари	6
1.2. «Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари ҳамда уларнинг турлари	16
1.3. Миллий истиқлол ғоясининг негизлари ва асосий тамойиллари	30
2-мавзу. ҲОЗИРГИ ЗАМОНДА ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН КУРАШ	33
2.1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси	33
2.2. Ҳозирги давр ва мафкуравий полигонлар	40
2.3. Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика ...	41
3-мавзу. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ	46
3.1. Миллий истиқлолимизнинг бош ғояси	46
3.2. Ватан равнақи ва юрт тинчлиги ғояларининг жамиятдаги ўрни	54
3.3. Халқ фаровонлиги ва комил инсон ғояларини ўрганишнинг аҳамияти	62
3.4. Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик (толерантлик) ғояларининг Ўзбекистонда амалга ошаётганлиги	68

4-мавзу. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН БУЗҒУНЧИ ҒОЯЛАР	78
4.1. «Маънавий хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти	78
4.2. Тасаввуф таълимотидаги ғоялар	81
4.3. Ўзбекистонда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш	85
4.4. Республикамизда давлат ва диний сиёсат масалалари	89
5-мавзу. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	92
5.1. «Хавфсизлик» тушунчаси. Дунё хавфсизлик тизимининг халқаро ва минтақавий субъектлари	92
5.2. Сиёсий, иқтисодий, ядровий, маънавий, экологик ва инфор­мацион хавфсизлик тушунчаларининг илмий тавсифи	107
6-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТУЗИЛМАЛАРИ	111
6.1. Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари	111
6.2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари	122
6.3. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари	126
6.4. Миллий хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли	147
7-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ИНФОРМАЦИОН ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ	155
7.1. Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида	155
7.2. Глобаллашув инсоният тараққиётининг маҳсули сифатида ва унинг муаммолари	161
7.3. Глобаллашувнинг турли кўринишлардан бири – ахборот глобаллашуви	167
7.4. Ўзбекистонга қарши қаратилган инфор­мацион бўҳтонлар ва улар ор­тига яширинган ман­фаатлар	172
ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	183

Қ А Й Д Л А Р У Ч У Н

ҚАЙДЛАР УЧУН

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МИЛЛИЙ ҲАВФСИЗЛИК

Маърузалар курси

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқуланган*

Муҳаррир Сарвабек Қосимов
Техник муҳаррир Аҳмадхўжа Юлдашев

Босишга рухсат этилди 08.10.2007. Офсет босма. TimesUZ гарнитураси.
Бичими 60x84 1/16. Нашриёт-ҳисоб табағи 11,0. Босма табағи 12,0
Адади 1000 дона. Буюртма 219

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68